

Н. А. ЗУФАРОВ

# ГИСТОЛОГИЯ

## СУЗ БОШИ

Гистология фанини чуқур ўрганиш юқори малакали медицина ходимларини етиштиришда муҳим омил ҳисобланади. Ўзбек тилига таржима қилинган В. Г. Елисеев таҳрири остидаги русча дарслик 1963 йилда нашр этилган бўлиб, у эскириб, деярли йўқолиб кетди. Шунинг билан бирга барча медицина-биологик фанлар сингари гистология ҳам янги-янги тадқиқот усуллари ва уларнинг мукаммаллашиши ҳамда бошқа фан ютуқлари таъсирида янги маълумотлар билан бойиди. Жумладан, электрон микроскопларнинг қўлланиши, гистохимия, радиоавтография ва бошқа тадқиқот усуллари ҳужайра тузилмаларини ва ҳужайралараро модданинг нозик тузилишини чуқурроқ ўрганишга замин яратди.

Дарслик гистология фанининг мазмуни, унинг бошқа фанлар билан алоқасини баён этишдан бошланади. Гистология, цитология ва эмбриологияда қўлланиладиган тадқиқот усуллари бобда оддий ёруғлик ва электрон микроскоплар учун препаратлар тайёрлаш мукаммал ёритилмайди, чунки бу усуллар кафедрамиз ходимлари томонидан чоп этилган «Гистологиядан амалий қўлланмада» келтирилган.

Ушбу дарсликни тайёрлашда унинг иложи борича қисқа були-шига ва шунинг билан бирга электрон микроскопия, гистохимия ва бошқа тадқиқот усуллари ёрдамида олинган янги маълумотларни киритишга ҳаракат қилдиқ. Хусусан, ҳужайра қобир\и тўррисидаги замонавий тасаввурлар билан бир қаторда биологик мембраналарни ҳам қисқача таърифлаб ўтдиқ. Чунки биологик мембраналар ҳужайра қоби\и ва мембранали ҳужайра органеллаларининг асосини ташкил қилади. ^ҳужайра органеллаларининг мембранали ва мембранаси бўлмаган ҳужайра органеллаларига бўлиниши шу тузилмаларни осонроқ. ўзлаштиришга ёрдам беради, деган умиддамиз.

Дарсликда цитологиядан сўнг умумий эмбриология асослари (уруғланиш, майдаланиш, гастрюляция ва бошқалар) келтирилган бўлиб, у турли тўқималарнинг тузилишини ўрганишдан аввал тўқималарнинг ривожланиш манбаларини тушунтириб беради. Сут эмизувчилар ва одам эмбриологияси бу қўлланмада ҳам аёллар жинсий аъзоларидан сўнг келтирилган.

Цитология ва умумий гистология бўлимлари бир-бири билан узвий борлиқ. Тўқима тўррисидаги таълимот ҳужайра тўррисидаги таълимотнинг давоми, шунинг учун эпителий ўужайраларининг баъзи тузилмалари цитология бўлимида келтирилган. Умумийи гистология ҳужайралар комплекси, уларнинг тузилиши, такомиллашиши, таркибий қисмларининг ўзаро муносабатини ўрганади. Демак, тўқималарга аъзолар тузилишини ўрганишдаги дастлабки босқич деб қараш мумкин. Оксил синтези, бу жараёнда нуклеин кислоталарнинг иштироки, плазматик мембраналарнинг тузилиши тўғрисидаги, ҳужайраларнинг ўзаро кооперация ҳосил қилиб иммун таначалар ҳосил қилиши ва бошқа янги далиллар гистология фанининг ривожланишида янги замин бўлди.

Организмнинг ташқи муҳит ва организм бушлиқлари билан алоқа қилмайдиган туқималарини ички муҳит тўқималари деб юритиш қабул қилинган. Биз ушбу қўлланмада ҳам шу номни келтиришга қарор қилдиқ. Чунки, охириги далиллар асосида бу тўқима ҳужайраларининг турли хил манбалардан ривожланиши мунозарали масалалардан бўлса ҳам қон, лимфа ва бириктирувчи туқимани ўзаро бирлаштирувчи умумий белгилари асосий ўрин тутди.

Хусусий гистологиянинг эндокрин ҳужайралари ва айниқса гипофиз ва гипоталамус дарсликда мукаммалроқ ёритилган. Аденогипофиз ҳужайралари гормонларининг кўпчилиги эндокрин безларнинг секреция қилишига таъсири гипофизни чуқурроқ. ўрганишга даъват этди. Электрон микроскопда олинган далиллар аденогипофиз ҳужайраларнинг бир неча турларини аниқ ажратишга имкон берди. Гипофизнинг чуқурроқ. ёритилиши эса ўз навбатида унинг ишини белгилаб турувчи гипоталамусдаги нейросекретор ҳужайраларга чуқурроқ тўхталиб ўтишни тақрзо қилди.

Китобда келтирилган микрофотограммаларнинг кўпчилиги Тошкент Давлат Медицина институти гистология кафедраси ва унинг қошидаги проблематик клиника-экспериментал биофизика лабораторияси ходимлари томонидан тайёрланган. Дарсликни нашрга тайёрлашда фан кандидатлари: М. М. Исмоилов, Н. Ш. Шарафитдинхужаев ва доцент +. И. Расулевларга ҳамда кафедра ва лабораториянинг бошқа ходимларига яқиндан кўрсатган ёрдамлари, маслаҳатлари учун чексиз миннатдорчилик билдира-ман. Мазкур дарслик ўзбекча ўқув қўлланмаси сифатида илк бор чоп этилаётган асар бўлиб, у айрим камчиликлардан ҳоли бўл-маслиги мумкин. Шунинг учун бу китоб ҳақидаги фикр-мулоҳа-заларингизни ёзиб юборсангиз бағоят миннатдор бўлур эдик

## 1 БОБ

### ГИСТОЛОГИЯ ФАНИНИНГ МАЗМУНИ ВА УНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

*Гистология* (юнонча histos — тўқима, logos — таълимот, фан) ф а н и х у ж а й р а, т ў қ и м а в а а ʼз о (о р г а н) л а р н и н г т а р а қ и д и ʼ т и ту з и л и ш и ҳамда у л а р н и н г ҳ а ʼ т ф а о л и т л а р и н и ў р г а н у в ч и таълимотдир. У бошқа фанларнинг сўнгги ютуқларидан фойдаланиб, ута тез ривожланиб бормоқда. Гистология анатомия, физиология, биохимия, патологик анатомия каби тиббиёт фанлари ва .биологиянинг турли соҳалари билан узвий боғланган. Ҳозирги пайтда гистология *цитология, эмбриология, умумий ва хусусий* гистологияни ўз ичига олади.

Цитология хужайранинг тарақиёти, тузилиши ва фаолиятини ўрганса, эмбриология (лотинча embryo — пушт, ўсувчи) одам ва ҳайвонлар пуштининг тарақиёти қонунларини ўрганади. Умумий гистология, яъни туқималар ҳақидаги таълимот турли аъзо тўқималарининг тарақиёти, тузилиши ҳамда вазифаларини чуқур талқин қилади. Хусусий гистология эса одам ва ҳайвонлар айрим аъзоларининг тарақиёти, тузилиши ва ҳаёт фаолиятини ўрганади.

Гистология фанини бундай алоҳида курсларга бўлиб ўрганиш шартли ҳисобланади. Чунки организм бир бутун бўлиб, унинг барча қисмлари бир-бири билан ўзаро узвий боғланган. Хужай-ралар тўималарни ташкил этса, ҳар бир орган бир неча тўқима-лар мажмуасидан иборатдир.

Гистологияни ўрганишда, асосан, микроскопии усулдан фойда-ланилади. Электрон микроскопнинг яратилиши тўқима ва аъзо-ларнинг нозик тузилишини ўрганиш учун кенг йул очиб беради.

Гистология фани ҳам, бошқа фанлар каби, табиатнинг объектив қонуниятларини ўрганишда замонавий фалсафа, диалектик материализм асосларй билан қуролланган.

Тузилмаларнинг тузилиши ва тарақиётини ўрганиш Ч. Дар-виннинг эволюция таълимотига асосланиб олиб борилади. Одам танасини ҳосил қилувчи хужайра, туқима ва органлар тарихий тарақиёт натижасида оддийликдан мураккабликка — олий шакл ифодасига етишган, органик табиат яратган эволюцион жараённинг маҳсули деб қаралади.

Тузилмаларни ўрганиш ташқи муҳит билан узвий боғлиқ, бўл-ган организмнинг бир бутунлик нуқтаи назаридан олиб, борилади. Организмнинг яхлитлиги эса барча орган ва системалар фао-лиятининг уйғунлигида нерв ва эндокрин системаларнинг асосий етакчилик роли билан белгиланади.

Тузилмаларни функционал томондан ёндошиб ўрганиш замо-навий гистологияга ҳосдир. хужайра, тўқима ва аъзолар тузили-шининг улар фаолиятига борлиқ, томонини ёритувчи гистологиядаги бу йуналишни гистофизиология ўрганади. Структура ва функциянинг шакл ва мазмунига диалектик: тушунча нуқтаи назаридан қаралади. *Тузилма* — бу ҳ а р қ а н д а и ф а о л и я т н и н г м а т е р и а л с у б с т р а т и д и р. Масалан, мия инсон тафаккурининг моддий субстрати ҳисобланади. Модда алмашинуви жараёнининг структур элементларга борлиги гистохимиявий усуллар билан текширилиб бирор илмий ҳулоса чиқаришга имкон беради. ҳозирги пайтда гистология фани, фақатгина хужайра, аъзо ва тўқималарнинг тузилишини, улар фаолияти даражасини кўрсатибгина қолмай, балки руй берган жараёнлар ўртасидаги боғланишни аниқлайди, айрим қонуниятларни очиб беради. Бунда кенг миқёсда экспериментал усуллар қулланилади. Цитология, эмбриология ва гистология ҳал қилаётган илмий муаммолар назарий ва амалий медицинанинг равнақи учун муҳим аҳамиятга эга.

Гистология фани ҳал этилиши лозим бўлган муҳим масала-ларни: а) одам ва ҳайвонлар ҳужайра, туқима ва аъзоларининг тарақиёти дифференциаллашувининг умумий қонуниятларини; б) бир бутун организм тузилмаларининг ҳаёт фаолиятларини уйғунлаштирувчи, бошқарувчи нерв ва эндокрин системаларни; в) ҳужайра, туқима ва органлар тикланиши ва бумураккаб жараённинг бошқарилишини; г) ҳайвонлар аъзолари тузилмаларининг ёшга қараб ўзгариши ва ҳар хил ҳолатларга мослашувини; д) турли биологик, физик ва химиявий омилларнинг ҳужайра, туқима ва аъзоларга таъсирини ўрганиш каби кенг миқёсдаги илмий кузатишларни ўз вазифаси деб билади.

Гистология ҳозирги пайтда клиник медицинада кенг қўламда қўлланилади. Ҳар хил клиник усуллар билан бир қаторда турли морфологик методлар — қон ва суяк қўмиги ҳужайраларини, меъда-ичак шиллик пардасини, жигар, талоқ ва бошқа аъзолар пунктатларини ўрганиш цитологик ва гистрлогик диагностика учун муҳим аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, гистологияда табиий йул билан ўзича ажрлиб тушувчи ёки сунъий равишда бирор жойни ювиш ёки механик таъсир кўрсатиш орқали ажратиб олинган ҳужайралар ҳолатини чуқур ўрганиш (эксфолиатив цитология) ҳам катта роль ўйнайди: Эксфолиатив цитология онкологияда (хавфли ўсмаларни уз вақ-тида аниқлашда), гинекология ва эндокрин касалликлар практикасида (тухумдон функционал ҳолатини белгилашда қин суртмасини анализ қилиш учун) кенг қўламда қўлланилади.

Клиник практикада сўнгги йилларда меъда, ингичка ва йурон ичак шиллик пардасининг турли ўзгаришларини аниқлашда *морфологик* ва *цитологик диагностика* ўз ўрнини топди. Тули эги« лувчан фиброскопларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг кенг қўламда ишлатилиши ҳар хил патологик ҳолатларнинг ўз вақтида аниқланишига имконият яратиб берди. Жароҳат устидан олинган суртмаларни текшириш жароҳат битаётганда ҳосил бўлаётган грануляцион туқима ҳужайралари ва бу ердаги микроблар ҳолатларини кўрсатиб беради. Бу усулнинг қўлланилиши жароҳат ўрнининг регенерацион ҳолатини аниқлаш, организмнинг қаршилиқ кучини белгилаб олиш ва ярани даволаш омилларини ҳал қилишда муҳим роль ўйнайди.

ҳужайраларда рўй берадиган мураккаб химик, физик жараёнларнинг ўрганилиши гистологиянинг шу *химия* ва *физика* фанлари билан бевосита боғлиқ эканини кўрсатади. Шундай қилиб, гистология, цитология ва эмбриология нормал ва касал одам организмнинг ҳаёт фаолиятининг морфо-функционал ҳолатларини чуқур илмий асосда ўрганиб, тиббиёт фанида муҳим ўрин тутати.

II БОБ


## ГИСТОЛОГИЯ, ЦИТОЛОГИЯ ВА ЭМБРИОЛОГИЯДА ҚўЛЛАНАДИГАН ТАДҚИКОТ УСУЛЛАРИ

Гистологияда қўлланадиган тадқиқот усуллари бир неча хил. Улар махсус қўлланмаларда батафсил келтирилган. Дарсликнинг мазкур бобида гистологик препаратларни тайёрлаш ва уларни урганиш усуллари асосан баён этилади.

Замонавий тадқиқот усуллари тирик ва фиксация қилинган тузилмаларни урганишга имкон беради. Гистологик препаратлар жуда юпқа (5 микрометрдан 50 микрометргача<sup>1</sup>), тиниқ ва ёрур-лик нуруни яхши утказиши керак Гистологик препарат сифатида аъзоларнинг юпқа кесмалари ёки тотал (бутун) препарат (миянинг юмшоқ, пардаси), суртма (қон ёки суяк қўмиги суртмаси), орган изи (талоқ ёки жигар изи) қўлланилиши мумкин. Классик ва асосий тадқиқот усули аъзо кесмаларининг фиксация қилинган ва бўялган препаратлари ҳисобланади. Гистологик препаратларни тайёрлаш «Гистологиядан амалий қўлланма»да (Тошкент, 1976) батафсил баён қилинган.

Гистологик препаратларни урганишнинг асосий усули уни микроскоп остида қўришдир. Замонавий микроскоплар эфкайра ва тузималарнинг нозик тузилишларини урганишга имкон беради. Препаратларни купинча *ёрурлик микроскопа* остида қўрилади (1-расм). Электрон микроскоп кенг қўлланилаётган <sup>1</sup>о-зирги даврда ҳам ёрурлик микроскопи уз аҳамиятини йўқотгани





шароит яратади.

*Люминесцент ёки флюоресцент микроскопия. Объектнинг*

1-расм. Микроскоп (МБР-1).

1 — оёғи; 2 — колонкаси; 3 — тубуси; 4 — окуляри; 5 — револьвер; 6 — объективлар; 7 — буюм столчаси; 8 — препарат қискич-лари; 9 — макрометрик винт; 10 — микрометрик винт; 11 — конденсор; 12 — конденсор винти; 13 — диафрагма; 14 — ой-нача.

нурланишига люминесценция дейилади. Ёрурлик манбаи булиб ульт-рабинафша нурлар ёки узунлик тулқини  $0,27\text{—}0,4\text{ мкм}$  булган спектрнинг кук цисми ҳисобланади. Бу нурларнинг таъсири вақтида нурлар энергияси ҳисобига препарат нурланади — флюоресценция қилади. Бирламчи ва иккиламчи флюоресценция фарқ қилинади. Бирламчи флюоресценция деб, баъзи бир моддаларнинг нур таъсирида нурланишига айтилади. Бу моддаларга витамин А ва В<sub>2</sub>, пигментлар, липоидлар ва бошқалар қиради. Иккиламчи флюоресценция препаратларни махсус нурланувчи моддалар (флюорохром) билан ишланганда ҳосил булади. Бу моддаларга туқ сариқ акридин, флюоресцин, родамин ва бошқалар қиради.

Препаратларни туқ сариқ акридин билан ишланганда ;гужай-радаги ДНК яшил рангда, РНК эса қизил рангда нурланадн. Шундай қилиб, турли турдаги нурланишларни урганиш тузилмаларнинг химиявий таркибини билишимизга ёрдам беради.

Оптик системаларнинг ҳал қилиш қобилиятини ошириш ва препаратларни аниқ куриш учун оддий микроскоплар та-комиллаштирилди ва янги микроскоплар ихтиро ҚИЛИНДИ. Ҳозирги даврда оддий ёрурлик микроскопидан ташқари қуйи-даги микроскоплар ва уларда куриш усуллари мавжуд


*Р(оронги майдонли микрос-копда куриш.* Бу микроскоп микроскоп булиб, ку-майдони оддий — марказига туширмайдиган мах-қоронририш коденсор би-лан таъминланган; Объект қия нур тушаётган нур билан ёрити-лади. Бу сус микроскоп тирик ху-жайра тузилмаларини. буял-маган тирик хужайргларня, бактерияларни кузатишга им-кон беради.

*Ультрабинафша нурли микроскоп билан куриш.* Бу микроскоп линзалари кварц (ок,-тош, чакмоқтош) дан ясалган булиб, у фақат ультрабинаф-ша нурларни утказди. Бундай микроскопда куриш учун тайёрланган препаратлар кварцдан ци-линган буюм ойналарига олинади ва кварцдан тайёрланган ёпқич ойна билан ёпилади. Бу микроскоп биологик тузилмаларнинг ту-зилишини чуқурроқ урганишга

*Фазоконтраст микроскопия* — объектларнинг ок-қоралигини (контрастлигини) кескин оширишга ва буялмаган препаратларни урганишга имкон беради. Табиий ҳолатда биологик объектлар тиник, рангсиз ва ноконтраст булади, яъни тузилмалар утаётган нурни бир хил ютади. Оддий микроскопда контрастликка препаратларни буяш асосида эришилади. Контрастликни ошириш билан буялмаган препаратларнинг нур синдириш қобилияти ёки зичлиги асосида фарланувчи тузилмаларни куриш мумкин.

*Интерфракцион микроскопия* — фазоконтраст микроскопияга нисбатан кўпроқ имкониятга эга. Интерфракцион микроскоп билан курганда ҳужайранинг турли компонентлари зичлиги бўйича турли рангга эга булади. Иккинчи тарафдан, тузилмаларнинг рангига қараб урганилаётган тузилмаларнинг зичлиги туррисида фикр юритиш ва ҳужайраларнинг қуруқ орирлигини топиш мумкин.

*Поляризация микроскопия* — ҳужайра ва тузилмаларнинг анизотроп ёки икки хил нур синдирувчи тузилмаларини урганиш учун ишлатилади. Бу микроскоп бялан урганилаётган анизотроп тузилмалардаги (кристалл ва фибрилляр оцсилларда) молекулаларнинг жойлашишини урганиш мумкин. Бу микроскоп ҳужайра



2-расм. Электрон микроскоп УЭМВ-100Б.

булиниши, хромосомалар ва органеллалар тузилишини урганишда ҳам қўл келади.

*Электрон микроскопларнинг* ихтиро қилиниши микроскопда куриш техникасининг ривожланишида алоҳида урин тутди. Бу микроскопда электронларнинг тулқинли хусусиятларидан ва магнит майдонида электрон нуруни фокуслаш мумкинлигидан фойдаланилади (2-расм). Замонавий электрон микроскопларнинг ҳал қилиш қобилияти 0,2 дан 1 нм гачадир. Бу микроскопларда куриш учун қалинлиги 20—40 нм булган ультраюққа кесмалар ишлатилади. Кесмалар махсус ультрамикротомларда тайёрланади.

Электрон микроскоп ҳужайра ичидаги тузилмаларнинг нозик тузилишини урганишга имкон беради.

*Ҳажмий (растрловчи) электрон микроскопнинг* яратилиши органларнинг электрон микроскопда урганишнинг янги босқичидир. У билан объектнинг ҳажмий тузилишини урганиш мумкин. Электрон микроскоп объектни 100.000 марта катталаштириб беради ва унинг ҳал қилиш қобилияти 3—4 нм дир.

Микроскопда тадқиқот қилиш усуллариининг қисқача таърифидан куриниб турибдики, ҳозирги даврда ҳужайраларнинг нозик тузилишини ҳам тирик, ҳам фиксация қилинган объектларда урганиш имконияти мавжуд экан.

Микроскоп остида турли усуллар билан объектнинг морфологик тузилишини урганилса ҳам, аммо бу усулларнинг узиғина ҳужайранинг ҳаёт кечириш жараёнининг узиға хос томонларини очиб бера олмайди. Морфология тадқиқотлар физиология ва биохимик маълумотлар билан тулдирилиши керак. Бу камчиликларни маълум даражада тузилмаларни химиявий анализ қилиш усули — *гистохимия* тулдиради.

*Гистохимия ва цитохимия* ҳужайра тузилмаларининг химиявий таркибини ва уларнинг таъсирланишини урганишга имкон беради. Бу эса урганилаётган тузилмаларнинг функционал ҳолати ва модда алмашинуви туррисида турри маълумот олишимизга ёрдам беради. Замонавий гистохимия усуллари тузилмалардаги аминокислоталар, оксил, нуклеин кислоталар, турли типдаги углеводлар, липидларни аниқлашга, ферментларнинг активлигини белгилашга ёрдам беради. Бу моддаларни аниқлаш реактив билан тупима ва ҳужайра таркибига кирувчи субстрат орасидаги узиға хос реакцияга боғлиқ.

Гистохимия ва цитохимия фақат сифат анализи билан чегараҳанмай, балки

микдорий анализ утказишга имкон яратади. Микдорий анализ эса турли функционал ҳолатдаги ҳужайранинг цитохимиявий тузилишини урганишга ва турли тузилмаларнинг метаболии жараёндаги аҳамиятини аниқлашга ёрдам беради. Ҳужайрадаги моддаларнинг ёруғлик нури спектрларини турлича ютишига асосланиб уларнинг микдорини урганиш усули цито-спектрофотометрия"дир.

*Интерферометрия* деб, тирик ва фиксация цилинган ҳужайра-да зич моддаларнинг куруқ, вазни ва концентрациясини аниқлов-чи усулга айтилади. Ҳужайра тузилмаларининг куруқ вазнини асосан улардаги оғсил белгилайди. Шундай қилиб, бу усул билан тирик ва фиксация цилинган ҳужайраларда оғсилларнинг жамики миқдорини билиш мумкин.

Ҳужайранинг турли таркибий қисмларини (ядро, митохондрия, микросома) ажратиш учун дифференциал центрифугалаш усули қўлланади. Ажратиш учун суперцентрифуга (минутига 20 000—40 000 марта айланувчи) ва ультрацентрифуга (100 000—150 000 марта айланувчи) ишлатилади.

Гистохимия ва цитохимиянинг замонавий усулларидан *радиоавтография* усули алоҳида урин тутади. У тузилмалардаги модда алмашинувини тулищроқ, урганишга имкон яратади. Бу усул асосида радиоактив моддаларни (фосфор  $P^{32}$ , углерод  $C^{14}$ , олтингу-гурт  $5^{35}$ , водород  $H^3$ ) ёки улар билан нишонланган моддаларнинг бири қиритилиб, маълум вақт оралиғида уларнинг микдорини турима ва органларда аниқлаш ётади. Туқималардан кесмалар тайёрлаб, бу кесмалар фотоэмульсия билан қопланади. Маълум вақт (15—20 кун) ўтгандан сунг препарат фотоқороз сингари очирила-ди. Бу усул билан нишонли аминокислоталарнинг оқсил тарки-биға киришини, нуклеин кислоталарнинг ҳосил бўлишини, нишонланган ҳужайраларнинг миграциясини урганиш мумкин.

*Микрохирургия* усули — бу тирик ҳужайрада махсус асбоб — микроманипулятор ёрдамида нозик операциялар утказиш усули-дир. Микрохирургия йули билан ҳужайрадан ядрони ажратиш, ядро қобирини йиртиш ёки бўлинаётган ҳужайра хромосомала-рини ажратиш мумкин. Микроасбоблар асосан шишадан ясала-ди (микроигна, микропичоқ, микропипетка ва бошқалар). Бу усул ёрдамида ҳужайра тузилмаларининг физик хусу-сиятларини, ҳужайра ядроси ва органеллаларининг функционал ҳолатларини урганиш мумкин. Қўлгина олимлар бу усул ёрдамида ҳужайра ядросини бир ҳужайрадан иккинчисига утказиб ядро-нинг ирсий белгиларини авлоддан-авлодга утказишдаги ролини очиб берди.

Тирик ҳужайрани урганиш усулларига яна *тС/цималарни усти-риш* усули киради. Тупима ва ҳужайраларни организмдан ташқа-рида (т yllro) ва организм ичида (т y!yo) устириш мумкин. Т>қималар организмдан ташқарида устирилганда махсус озик муҳитга утказилиши керак. Бу муҳитда ҳужайра ҳаракатланиш, бўлиниш ва дифференцировка қобилятини сақлаб қолади. Туқи-ма булакчалари стерил муҳитда физиологик суюқлик сакловчи Петри идишига солиб майдаланади. Сунгра майда булакчалар озик муҳитига утказилиб, термостатда 38—39°C да сақланади. 3-4 кундан сунг уларни янги озик муҳитига утказиб туриш керак. Шундай қилиш билан туқимани ун йиллаб сақлаш мумкин.

Бундан ташқари, туқима тузилмаларини ҳайвоннинг аёти даврмда ёки *vital* (уйа — ҳаёт) *бояш* мумкин. Бу усул тирик ҳужайра ва туқималарнинг тузилишини, баъзи бир моддаларнинг ҳужайрага кириши ва ундан чиқишини кузатишга имкон беради. Аёт даврида боуяш учун коллоид бўёқ, моддалар, масалан, литий кармин, трипан синкасини ва бошқа заарли булмаган моддаларни ишлатиш мумкин. Бу моддалар ҳайвон қонига, тери ости бириктирувчи туқимасига, қорин бўшлиғига юборилади. Маълум вақтдан сунг ҳайвон улдирилиб, туқима ва органлар микроскоп остида қурилади.

Тқрик объектларни таджик қилинаётганда тузилмаларни *микросъемка* қилиш, яъни микроскоп остида сурагга олиш алоҳида урин тутади. Аёт даврида таджикот қилиш усулларидан ташқари туқима ва органларни *дтказиб Зрганиш* ҳам мумкин, яъни аъзоларнинг бир қисми ёки ҳаммаси бошқа организмга утказила-ди ( трансплантация қилинади) ва уларнинг яшаб кетиши куза-тилади. Бу методнинг туқимани устириш усулидан афзаллиги туқима бутунлиги бузилмаган олатда кузатишдир.

Юккрида келтирилган фикр ва далиллардан қуриниб турибди-ки, замонавий гистология қуп ва турли хил таджикот усуллари би-лан қуролланган. Улар ҳужайра, туқима, органларнинг тузилиши-ни ҳар томонлама мукамал урганишга ёрдам беради. Математиканинг аниқ анализ усуллари, микдорий анализ усули бу билим-ларимизни тулдиради. Электрон микроскоп остида қуриш, электрон цитохимия ва радиоавтографиянинг қулланиши метаболии жараённинг кечиши туррисида тулиқ билим олишимизга ёрдам беради. Умуман олганда бу усулларнинг барчаси ҳужайранн, ҳу-жайра тузилмаларини, макромолекулаларнинг тузилиши тутрис-да аниқ бир фикрга келишимизга, дифференцировка, регенерация ва ирсий белгиларнинг наслдан-наслга утишини чуқурроқ урга-нишимизга ёрдам беради. Иккинчи тарафдан, бу усуллар молеку-ляр биологиянинг ривожланишида муҳ\_им восита була олади.

## РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Тана туқималарининг классификациясини тузиш учун кддим-ги табиатшунослар: Аристотель (эр. ав. IV аср), Гален (эр. ав. III аср), Абу Али ибн Сино (X аср) ва бошқа куп-гина олимлар уриниб курганлар. Лекин туқималарнинг нисбатан тула классификацияси француз анатоми Ксавье Биш (1771 — 1802) асарларида келтирилган. Биш 21 хил микроскопик ту^има-нк тафовут қилган ва ^айвон аъзолари ана шу ҳар хил ту^има-



ларнинг мураккаб уйрунлигидан ҲОСИЛ булади деб ҳисоблаган. Бу фикрнинг ҳаммаси шунн курса-тадики, гистология фани микроскоп кашф этилмасдан анча илға-ри бунёдга келган ва ички аъзо-лар, туқималар ва хужайралар ту-зилишини урганиб ривожлангая. «Гистология» термини эса Қ Б и ш н и н г шогирди Қ М а и е р томонидан 1819 йилда киритил-ган. Гистологиянинг фан сифати-да ривожланишига микроскоп-нинг яратилиши ва унннг орган-лар тузилишини урганишда қўлләНИЛИШИ муҳим роль уйнай-ди. Фақат микроскоп тузилиши-нинг такомиллашиши туфайлиги-на гистология фани ривожланиши мумкин.

Абу Али ибн Сино

Г. Г а л и л ей томонидан XVII аср бошларида телескоп (ку-

риш найи) яратилди. 1609 йилда эса у содда ҳолда бўлса ҳам микроскоп конструкциясини яратди. Микроскопии илмий текшириш ишларида қўллашда Лондон қирол жамиятининг аъзоси — физик, астроном, геолог ва биолог Роберт Гук (1635—1703) катта роль уйнади. У микроскопнинг конструкция-сини узгартириб, техник жиҳатдан анча мураккаблаштирди.

Органларнинг микроскопик тузилишини урганишда М а р ч е л-ло М а л ь п и г и (1628—1694), Н е м и я Г р ю л а р (1641 — 1712) ҳам узларининг классик асарлари билан баракали ҳисса қушдилар.

Улар томонидан бир қатор катта кашфietлар қилинди. Хусу-сан, Мальпиги тери тузилишини, талок, буйрак ва бонҳа Органларнинг микроскопик тузилишини тасвирлаб берди. Хрзир ҳам бир қанча микроскопик структуралар унинг номи билан юрити-лади. Туқима тушунчасини эса биринчи марта Грю таклиф этган. Унинг фикрича, туцима уз тузилиши билан «пуфакча» ёки «қоп-чалар» йириндисини эслагди.

Хаваскор микроскопчи Голландиялик Антон пан Левей-гук (1632— 1723) узининг микроскопик текширишлари билан бир цатор катта ва қизикарли кашфietлар к^илди ва микроскопик анатомиянинг ривожланишига ҳам катта ҳисса қушди.. Левенгук-нинг ишлари микроскопик структуралар ^ақидаги фанга асос бу-либ хизмат ҚИЛДИ. Узининг куп йлллик илмий ншлари туфайли у 1680 йилда Британия қирол жамиятига аъзо қилиб сайланди.

Гистологиянинг фан сифатида шаклланаётган даврнда рус олимлари ҳам унинг ривожига узларининг катта ^иссаларини қушдилар. М. М. Т е р е х о в с к и й (1740—1796) биринчи булиб микроскоп ёрдамида биологик темада экспериментал текшириш-лар у-тказиб тирик микроорганизмлар жонсиз органик моддалар йириндисидан пайдо булади деган идеалистик қарашларга зарба берди.

Биринчи рус гистологиясининг асосчиларидан А. М. Ш у м - л я н с к и й (1782) эса микроскоп ёрдамида купгина Органларнинг тузилишини урганди. У буйрак нефронининг турри ва эгри-бугри каналчалари, томирли коптокчалари тузилишини тула тасвирлаб берди. Б о у м е н д а н (1842) 60 йил илгари буйрак коптокчала-ридаги «мембраналарни» тасвирлаб берган ҳам мана шу А. М. Шумлянский булди.

XIX аср урталарида туқималар ва органлар тузилишини урганишда микроскопик текширишларнинг цулланиши гистология фанининг гуркираб ривожланишига олиб келди. Бу даврга келиб микроскопик анатомия асосан яратилган эди.

Буларнинг х^аммаси уша даврда Г а с с а л ь, К ё л л и к е р, Л е и д и г ва бошқалар томонидан яратилган бир цатор гистология дарсликларида уз ифодасини топди. Кёлликер ва Лейдиг уз цуланмаларида туқималарнинг 4 хилини, яъни эпителиал, би-риктирувчи, мушак ва нерв туқималарини тафовут қилганлар.

XIX аср охирларида мустақил фан сифатида цитология шакл-лана бошлади. Хужайра булиниши тасвирланган плмий ишлар ана шу даврга тегишлидир. И. Д. Ч и с т я к о в (1874) кариокинез

булинишининг айрим томонларини текширди, лекин уларни бир умумий процессга тегишли эканлигини аниқлай олмади.

Кариокинез б^линиш процессининг асосий босқичларини бирин-чи марта Э. Страсбургер



узининг «*ҳужайралар ғосил були-ши ва ғужайралар булиниши туғрисида*» деган асарида (1875) тула тасвирлаб берди. У шуни аниқладики, ҳужайралар булиниш вақтида ядро йуқолмайди, балки узгаради ва натижада иккита «киз» ядро ҲОСИЛ булади. Лекин Э. Страсбургер ишларида ҳам митоз фазаларининг аниқ кетма-кетлиги берилмаган.

ҲЭЙБОН организмларида соматик ҳужайра ядроларининг булиниш процесси киевлик гистолог П. И. Перемежко томонидан (1878) тритон терисининг эпителийси мисолида тасвир этилган. У ҳам булиниш процессида фазаларнинг кетма-кетлигини аниқлай олмади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, «кариокинез» термини фанга 1879 йилда В. Шлейхер томонидан киритилди. Кариокинез булиниш фазаларининг кетма-кетлигини 1879 йилда В. Флемминг тасвирлаб берди. Ҳужайралар булинишининг янада тулароқ таърифи XIX асрнинг йирик олимларидан Оскар Гертвиг (1849—1922) томонидан берилган. У кариокинез булиниш яънида, ҳужайра ядроси моддасининг тузилишида узига хос узгаришлар бўлиб ўтишини курсатди. Гертвиг ва Страсбургерлар ядро-нинг ирсий белгиларни авлоддан-авлодга ўтишидаги ролини аниқ таърифлай олдилар. Ҳужайранинг уз навбатида жуда кўп майда компонентлардан тузилганлиги туррисидаги фикрни О. Гертвиг олғизсурди.

Цитологиянинг фан сифатида ривожланишида ҳужайра назариясининг яратилиши ҳал қилувчи қадам бўлди. Ф. Энгельс «*Ҳужайра назарияси*»ни XIX асрнинг буюк кашфиётларидан бири деб айтган эди. Ҳужайра назариясини яратишда Гук, Грю, Мальпиги ва Левенгук томонидан асимликлар ҳужайралари тузилиши-нинг очилиши асос бўлди.

«*Ҳужайра*» терминини биринчи марта фанга Гук киритган. Микроскопнинг такомиллашуви ҳужайра назариясини ривожлан-тиришда катта аҳамият касб этди. Ҳайвон тузималарини урганиш эса ҳужайра назариясининг шаклланишида катта роль ўйнади. Бунда буюк чех олими Я. Пуркинъ (1787—1869) ва унинг шогирдларининг хизматлари катта бўлди. Унинг шогирдлари орасида ҳар хил ҳайвон ва одам туқмаларини урганган Г. В. Ален-тинни (1810—1883) алоҳида курсатиб ўтиш керак. Я. Пуркинънинг узи микроскопик анатомия ва микроскоп техникасининг асосчиси ҳисобланади. Аммо Пуркинъ ва унинг шогирдлари Т. Шванн томонидан дадиллик билан олға сурилган ва таджик, қилинган усимлик ва ҳайвон ҳужайраларининг элементар структура-си орасидаги аналогияни ишлаб чиқишга журъат эта олмадилар.

Маттиас Шлейден (1804—1881) томонидан яратилган ҳужайраларнинг пайдо бўлиш назарияси ҳам ҳужайра назариясини яратишда катта роль ўйнади. Бу назария кейинчалик *цитогенезис назарияси* деб аталди. Шлейденнинг таърифича, янги ҳужайралар фақат мавжуд ҳужайралар асосида пайдо булади.

Ҳужайра назариясини Теодор Шванн (1810—1882) яратишга муяссар бўлди («Ҳужайра назарияси» сарлавҳасига қ.).

XIX асрнинг иккинчи ярмида ҳужайра назариясининг яратилиши, микроскоп техникасининг такомиллашиши, биология, химия ва бошқа фанлардаги йирик кашфиётлар гистология фанининг гуркираб ривожланишига олиб келди. Чунинчи, XIX аср урталарида *Петербург медицина академиясида*, *Москва*, *Крон*, *Киев*, *Харьков* ва бошқа шаҳар университетларида мустақил гистология кафедралари вужудга келди. Буларнинг ташкилотчилари ва раҳбарлари А. И. Бабухин, Ф. В. Овсянников, Ф. Н. Заварикин, К. А. Арнштейн, П. И. Перемежко, Н. А. Хржановский бўлдилар. Россияда биология фанининг, шу жумладан, гистология фанининг ривожланишига рус социал демо-кратлари: А. И. Герцен, Н. А. Добролюбов, Н. Г. Чернышевский, В. Г. Белинский, Д. И. Писарев ларнинг дунёқарашлари катта таъсир курсатди.

Пировардида, И. П. Павлов ва И. М. Сеченовларнинг таълимотлари гистологик ва асосан, нейтрогистологик тадқиқотларни ривожлантиришда катта роль ўйнади. Бу даврга келиб Россияда узининг оригинал йўналиши билан фарқ қиладиган бир қанча катта гистология мактаблари вужудга келди. Булар орасида Москвада А. И. Бабухин (1827—1891) ташкил этган гистология мактабининг материалистик дунёқарашлари яқин кузга ташланиб туради. Бу мактабнинг илмий йўналишлари асосида нерв ва мушак тузимасининг гистофизиологияси ётади.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, асаб системасини урганиш билан



жуда кўп гистология лаборатория-лари шугулланган. Чунончи, К. А. Ариштейн (1840—1919) ташкил этган 1<sup>о</sup>озон мактаби нейрогистологияга катта ҳисса қўшган. Шу мактабдан чиққан А. С. Догельнинг нейрогистология соҳасидаги ишлари катта аҳамиятга эга.

П. И. Переможко (1883 — 1893) бошчилигидаги Киев гистология мактаби эмбриология масалаларини, хусусан, эмбрион варақларининг ривожланишини урганди. Бундан ташқари, бир қатор органлар (қалқонсимон без, жигар ва бошқалар)нинг микроскопик тузилишини урганишда бу мактабнинг тадқиқотлари катта урин тутди.

XIX аср урталарида гистологиянинг гуркираб ўсиши билан бир қаторда эмбриологияда ҳам йирик тадқиқотлар олиб борилди. Россияда буларнинг биринчи бўлиб организмнинг эмбрионал ривожланишини




Петербурглик академик Каспар Фридрих Вольф (1733—1794) урганди. У узининг тадқиқот-ларида преформистик назарияга қарши чикди ва бир йула ^ужайра структурасини урганди. Қ.Ф. Вольф ишларини ундан кейин рус академиклари Х. Г. Пандер (1794 — 1865) ва Қ. М. Бэр л ар (1792 — 1876) муваффақиятли равишда да-вом эттирдилар. Улар яратган жуда муҳим биологик қонуният — бу эмбрион варақларнинг пайдо були-шидир. Одам ва сут эмизувчилар-нинг тухум хужайралари Қ.М. Бэр томонидан тасвирланган.

Иирик рус олимлари И. И. Мечников (1845—1916) ва А. О. Ковалевский (1840—1901) ҳам эмбриология фанининг ривожлани-шига катта ҳисса қушдилар. Улар Ч. Дарвин таълимоти билан қу-ролланиб, гистология ва эмбриоло-гияда эволюцион йуналишга асос солдилар.

*Совет гистология мактаби* Россия гистологлари ютуқларига таяний, марксча-ленинча философия асоси-да гистология, эмбриология, цитология фанларининг умумий ва хусу-ой сох,аларида катта юту^ларга эришди.

А. А. Зава р з и н (1886—1945), И. И. Мечников ва А. О. Ковалевский анъаналарини давом эттириб, гистология фанида янги йу-налиш—эволюцион гистология йу-налишини очиб берди. У ҳар хил ^айвонлардаги бир-бирига ухшаш функцияни бажарувчи туцималар бир-бири билан ухшаш тузилишга эга деган хулосага келди. А. А. Заварзин яратган туцималар клас-сификацияси асосида функционал принцип ётади. Муҳитнинг бир-бирига монанд факторлар таъсири, бир томондан, ҳар хил ^айвонлар-нинг келиб чик;ишига сабабчи бул-са, иккинчи томондан, улар туқи-маси тузилишининг бир хиллигини

И. И. Мечников



А- Заварзин



Н. Г. Хлопин

таъмин этади. А. А. Заварзин фило-генетик жихатдан бир-биридан жуда узоқда турувчи ҳайвонлар тузилиш-ларининг ухшашлик ҳодисасини «*т//-цималар эволюциясининг параллел ^отори назарияси*» деб атади.

Н. Г. Хлопин (1897—1961) эволюция асосида ту^ималарнинг табиий классификациясини ишлаб чиқди. У муайян туқималар узига хос хусусиятларни доимо сақлаш хусусиятига эга эканлигини курсат-ди. Хлопиннинг *дивергент эволюция назарияси* буйича ту^ималар узн-нинг эволюция ва онтогенезида ор-ганнинг ривожланишидан ажралма-ган ҳолда дивергент ривожланади.

Ватанимиз нейрогистологияси-нинг ривожланишига буюк совет гистологи Б. И. Лаврентьев (1892—1944) узининг илмий тад-^н^отлари билан катта хисса қўш-ди. Унинг раҳбарлигида нерв систе-маси гистофизиологиясини урганиш анча кучайтирилди. Иирик совет гистологлари бириктирувчи туцима гистофизиологиясини урганишга ҳам катта эътибор бердилар (А. В. Румянцев, Г. В. Елисеев, Г. ҚХрушчов, Г. В. Ясвоин ва бошқалар).

Совет гистологлари-нинг изла-нишларида эпителий ва бириктирувчи туқималар орасидаги корре-лятив борланишни урганиш катта Румянцев, Ф. М.

Совет цитологлари-дан Д. Н. Н. цитофизиология масалаларини, процес-сини текширдилар. Улар *назарияси* ҳам ишлаб чиқилди.

Ҳозирги вақтда совет гистолог-регенерацияси



урин тутди (А. В. Лазаренко ва бошқалар).

асоно ва унинг укувчилари ху-сусан, секрет ҳосил булиш томонидан *паранекроз*

лари органва туқималар



дунё микроскопиясида "уринни этап-лаб келма ЛБСА-В-орон.

ва унинг мактаби сут эмизувчилар кам регерацион қобилиятга эга деган тушунчанинг нотурри эканлигини исботлаб берди.

Улур Октябрь Социалистик революцияси фақат Москва, Ленинград, 1<sup>о</sup>зон, Киев каби шаҳарлардагина эмас, балки Чор Рос-сиясининг узок, улкаларида ҳам или, маданият ва санъатнинг гуркираб ривожланишига шароит яратиб берди. Урта Осиёда В. И. Ленин декрети билан биринчи или фори — Урта Осиё университети ташкил этилди. Университет қошидаги медицина факультетининг гистология кафедрасини В. И. Ленин декрети билан Тошкентга келган Е. М. Шляхтин ташкил этди ва унга бошчилик қилди. Шундай қилиб, Ўзбекистонда ва умуман Урта Осиёда гистология фанининг турилиши, университет қошида медицина факультети очилиши билан боғлиқдир. Дозирги вақтга келиб эса Ўзбекистонда Тошкент медицина институтининг гистология кафедраси қошида йирик гистологик марказ ташкил этилди. Ўзбекистон гистологларининг асосий илмий тематикаси ички аъзо-лардаги процессларнинг морфологик асосларини урганиш, ҳужайралардаги моддалар транспортининг ва секрет ҳосил бўлиш процессининг функционал морфологиясини урганишга бағишланган.

Дозирги вақтда СССР да гистология" фани — гистохимия, радиоавтография, ультрабинафша, люминесцент ва электрон микроскопия, микдорий цитохимия ва бошқа замонавий текшириш усуллари билан қуролланган.

Шуни айтиш керакки, электрон микроскопиянинг яратилиши жаҳон гистологлари тадқиқотларида жаҳоншумул бурилиш ясади. Электрон микроскоп 1928—1931 йилларда яратилди. Ультра-микротомнинг яратилиши, фиксация, қуйиш, буяш методларининг янада ривожланиши эса электрон микроскопнинг биологик тадқиқотларда кенг қулланилишига имкон яратди. Унинг гистологик текширишларда ишлатилиши билан ҳужайранинг мембраналар системасидан тузилганлиги, ҳужайра ичида рибосомалар каби нозик структуралар борлиги аниқланди.

Морфологияда электрон микроскопия, электрон микроскопик радиоавтография ва цитохимия каби замонавий, янги текишириш усуллариининг қулланилиши гистологияда янги йуналиш — ҳужайранинг функционал морфологиясини вужудга келтирди.

Электрон микроскопия усули кенг тарқалган бўлишига қарамай, бу соҳанинг ривожланишида Тошкент Давлат медицина институтининг гистология ва эмбриология кафедраси томонидан 1972 йили жаҳонда бириччи бор чоп этилган *орган ва туцима-ларнинг электрон микроскопик тузилишига бағишланган атлас* катта аҳамиятга эга бўлди.


#### IV БОБ

### ЦИТОЛОГИЯ

(Ҳужайра ақида таълимот)

*Цитология* — ҳужайраларнинг тузилиши, тако-миллашиши ва функцияси ҳақидаги фан.

(*лотинча* — cellula, юнонча — cyto) цитоплазма ва ядродан ташкил топан система бўлиб, усимлик ва ҳайвон организмнинг такомиллашиши, тузилиши ва яшаш жараёнларининг асоси ҳисобланади. Бутун ҳаёт давомида модда алмашинишда иштирок этиши, янги ҳужайра ҳосил қилиши ва доимо янгиланиб туриши ҳужайраларнинг характерли хусусиятидир.



3-расм- Духайраларнинг шакли ва хиллари (схема).

1 — цилиндрсимон ^ухайралар; 2 — кубсимон ^ухайралар; 3 — ясен ^ухайралар; 4 — юмалоц аджайралар; 5 — дуксимон хужайралар; 6 — тармоцли ^ухайра; 7 — када^симон хужайра; 8 — призматик ^ухайра; 9 — канотли ^ухайра; 10 — хивчинли аджайра И — куп ядроли ^ухайра; 12 — ядросиз ^ухайралар (эритроцитлар) (В. Г. Елисеудан).

9\*

ТО

ХЗЙБОН ва одам организмда хужайралардан ташқари, *сим-пласт* ва *%ужайралараро модда* бор. С и м п л а с т х ужайралар-нинг узаро кушилишидан ҳосил булиб цитоплазмада бир неча яд-роси булган структурадир. Бунга кундаланг-таррил мушак тола-си, мегакариоцит ва бошцалар мисол була олади.

Хужайралараро модда хужайралар орасида жойлаш-ган булиб, суюк^лик холида ёки дирилдоқ ёки зич консистенция-га эга булган *асосий модда* ва турли *толалардан* ташкил топган.

Одам ва хайвон организмда хужайралар катталиги, шакли ва тузилиши жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Бажарадиган функцияларига кура хужайралар х,ар хил шаклга эга (3-расм). Суюк му^итда хужайралар купинча узгарувчан булиб, псевдопо-дийлар ҳосил цилади. Буларга цон ва бириктирувчи туцималар-нинг ^ухайралари киради. Бир-бирига я^ин ётган хужайралар эса маълум формага эга. Масалан, пласт хрсил ^илувчи терн эпителийси хужайралари ясси, цис^арувчан мушак хужайралари эса узун дуксимон шаклда булади. Импульс утказувчи нерв • хужайралар эса узун-узун усимталарга эга булади. Эркаклар жин-сий хужайраси — сперматозоидда ҳаракат циладиган хивчинлари бор ва ҳоказо. Одам ва купгийя сут эмизувчи з^айвонларнинг ^у-жайралари 5—7 мкм (микрометр) дан 200 мкм гача булади.

Куриниши ва катталиги билан хужайралар бир-биридан фарқ қилсада, улар купинча хужайра тузилишининг асосий белгилари-ни саклаб цолади (4-расм). Одам ва хайвон хужайраларининг умумий тузилиши бир хужайрали авлодларни эслатса ҳам, аммо куп хужайралилар мураккаб функцияларни бажариши билан борлик, булган уз тузилмалари билан ажралиб туради. ^ар бир хужайра *цитоплазма цобиги*, *цитоплазма* ва *ядродан* ташкил топган. Ц и т о п л а з м а : *органеллар*, *киритмалар* ва *гиалоплазмадан*; ядро: *ядроча*, *хроматин*, *ядро шираси* ва *ядро крбиги*, -дан иборат.

Ёруглик ва электрон микроскоп орқали олинган маълумотлар-га асосланиб, хужайранинг цуйидаги кисмлари фарқ қилинади. (22-бетдаги схемага қ.).

## ХУЖАЙРАНИНГ ХИМИЯВИЙ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ ВА ФИЗИК-ХИМИЯВИЙ ХОССАЛАРИ

Химиявий анализ орқали ҳужайра таркибида атмосфера ва ер қобирида кенг тарқалган моддалар борлиги аниқланган. Одам танасининг 96% 4 элементдан: углерод, водород, кислород ва азотдан ташкил топгандир. Кальций, фосфор, калий ва олтингу-гурт эса одам танасининг 3% ини ташкил қилади.

Оз миқдорда натрий, хлор, йод, темир, магний булади. Мис, марганец, кобальт, рух ва бошқа микроэлементлар эса улардан ҳам нам булади.

Ҳужайранинг ҳаётий хусусиятлари таркибидаги оксилга борлиги. Модда алмашинуви, ҳужайра моддаларининг янгитдан ҳосил бўлиб туриши — ҳужайрадаги ҳаётий жараённинг асосини ташкил қилади. Бу: а с с и м и л я ц и я ёки оралик муҳитдаги моддаларнинг цитоплазма моддасига айланиши (табiiй синтез); д и с с и м и л я ц и я — цитоплазмадаги моддаларнинг ҳужайра эҳтиёжи учун энергия ҳосил қилиб парчаланиши; у с и ш — ҳужайранинг маълум қисмларининг катталашуви ва янгитдан пайдо бўлиши натижасида цитоплазма массасининг ошиши; д и ф ф е р е н ц и - р о в к а — янги функционал хусусиятларнинг ҳосил бўлиши билан ҳужайра тузилишининг мураккабланиши, ҳ а р а к а т л а н и ш — ҳужайранинг муҳитда силжиши; и р с и я т — биологик белгиларнинг сақланиши ва наслдан наслга ўтиши каби мураккаб жараёнлардан иборат.

Ҳужайра цуидаги химиявий компонентлардан тузилган:

**Оксил.** Оксил таркибида углерод, водород, кислород, азот ва оз миқдорда олтингу-гурт ва фосфор булади. Оксиллар аминокислоталардан ташкил топган. Аминокислоталарда кислотали (карбоксил) группа —  $\text{COOH}$  ва ийхорий (амин) группа —  $\text{NH}_2$  мавжуд. Кислота ва ийхорий группаларнинг бўлиши аминокислоталарга амфотермик хусусият беради. Аминокислоталар полипептид борлар орқали бирлашиб узун полипептид занжирларни ҳосил қилади. Аминокислоталарнинг бирлашиш тартиби ҳар бир аъйвон оқсил молекулаларининг махсуслигини белгилайди.

Аминокислоталарнинг узаро полипептид занжирлар ҳосил қилиб бирлашиши ҳамда уларнинг ён занжирларининг узаро реак-цияга кириша олиши оқсил молекулаларининг мураккаб тузили-шини белгилайди.  озирги вақтда оқсил молекуласининг бирлам-чп, иккиламчи, учламчи ва кўпинча туртламчи структураси фарк-ланади. Бирламчи структура аминокислоталарнинг оқсил зан-жирида кетма-кетлиги билан белгиланади. Оқсилнинг иккиламчи структураси альфа-спирал ва бета-структура қуринишида бўлиши мумкин. Биринчиси — глобуляр оқсиллар учун, иккинчиси — молекулалари бир-бирига параллел ётувчи фибрилляр оқсиллар учун характерлидир. Оқсилнинг учламчи структураси с п и р а л ш а к л - д а г и полипептид занжирнинг думалоқ бўлиб урғилишидан ҳосил булади. Бу структура водород, гидрофоб ва ион боғлар билан ушланиб туради. Оқсилнинг туртламчи структураси — учламчи структураларининг йириндисидан иборат. Бир неча ноактив субъ-единица бирлашиб битта функционал актив субъединица ҳосил қилади.

Оқсиллар фақат аминокислоталардан ташкил топган бўлса, *оддий оқсиллар* ёки *протеинлар* дейилади. Оддий оқсилларга ҳай-вон ҳужайраси ядроларида учрайдиган *протеин вагистон-лар*, ҳужайра цитоплазмаси ва қон плазмасидаги *альбумин* ва *глобулинлар*, мушак толасидаги *миозин* ва бошқалар мисол була олади.

Мураккаб оқсил ёки протеидлар оқсил ва оқсил бўлмаган мод-да — простетик группадан ташкил топган. Простетик группа ту-рига қараб қуйидаги мураккаб оқсиллар фарк қилинади.

*Глюкопротеидлар* — карбонсув бирикмасини ушловчи мураккаб оқсиллар. Буларга овқат ҳазм қилиш йулидаги шиллик без-лар секретарида учрайдиган муцин ва боиҳалар киради.

*Липопротеиолар* — ёрсимон моддалар, липоидлар билан би-риккан оқсиллар. Бу группага кирувчи фосфолипидлар ҳайвон ҳу-жайралари мембранясининг асосини ташкил қилади.

*Нуклеопротеидлар* — простетик группаси нуклеин кислоталардан ташкил топган. Нуклеопротеидлар цитоплазманинг доимий компоненти ҳисобланади. Цитоплазманинг оқсил синтез қилиш функцияси нуклеопротеидларга борлик. Икки турдаги нуклеин кислоталар мавжуд: *рибонуклеин* (РНК) ва *дезоксирибонуклеин* (ДНК). РНК асосан ядрода, ҳужайра цитоплазмасида, айтхса, рибосомаларда, ДНК эса асосан ядро ичидаги хроматинда (хромосомаларда) учрайди. ДНК ҳайвон ҳужайраои органеллаларидан митохондрия ва центросомаларда ҳг и топилган.

*Хромопротеидлар*—мураккаб оқсил бўлиб, простетик группаси бўёвчи моддалардан ташкил топган. Мисол қилиб, таркибида темир ушловчи гемин группаси бўлган нафас пигменти гемогло-бинни, териға ранг берувчи меланин ва бошқаларни олиш мумкин.

Ферментлар — оқсил табиатига эға бўлиб, протоплазмадаги химиявий процессларни тезлаштиради. Ферментлар фақат маълум реакцияларни катализация қилади. Қуйидаги фермент группала-рини ажратиш мумкин:

— *гидролазалар* — молекулалараро боғларни сувни бирикти-риш йули билан парчалайди. Гидролазаларға пептидаза, фосфо-таза, эстераза ва бошқалар киради;

— *трансферазалар* — атомларни ёки группаларни атомларни ва ра-дикалларни бир молекуладан иккинчисига ўтказувчи катализаторлар;

— *оксидоредуктазалар* — оксидланиш ва қайтарилиш реакцияларни тезлаштирувчи ферментлар. Буларға дегидрогеназалар, флавин ферментлар, электрон ўтказувчи занжирдаги ферментлар ва бошқалар киради;

— *изомеразалар* — ҳар хил изомер узгаришларда иштирок этувчи ферментлар.  
— *синтетазалар* — АТФ ва бошқа макроэргик боғларнинг пар-чаланиши натижасида <sup>^</sup>осил булган энергия ёрдамида кечадиган синтетик реакцияларни катализация қилади.

— *лиазалар* — ногидролитик йул билан субстратдан у ёки бу группани ажратувчи ферментлар.  
Ёғлар—нейтрал ёрлар ва ёғсимон модда—липоидлардан ташкил топган. Нейтрал ёғлар ҳужайра цитоплазма-сида томчилар шаклида булиб, озик модда ролини уйнайди. Липоидларга фосфатидлар группасига кирувчи — лецитин, кефалин ва бошқалар мисол була олади. Кенг тарқалган липоидлар стероидлардир. Холестерин, витамин О ва Е, жинсий гормонлар, буйрак усти беzi гормонлари ва бошқалар биологик актив бирикмалар саналади.

Карбонсувлар (углеводлар). Хужайрада бу бирикмалар асосан энергия манбаи сифатида ишлатилади. Оддий ва мураккаб карбонсувлар фарқланади. Оддий карбонсувлар *моносахаридлар* —. рибоза, дезоксирибоза, глюкоза. Глюкоза асосий энергия манбаи булиб, унинг оксидланиши натижасида ҳосил булган энергия протоплазмадаги синтетик процессларда ишлатилади. Мурак-Зужайралар цитоплазмасининг тузилиши ва таркиби турлича булиб, гиалоплазма, ҳужайра органеллалари ва киритмалардан ту-зилган.

Цитоплазманинг гиалоплазма, органеллалар ва киритмалар «аби таркибий қисмларга булиниши шартли булиб, уларнинг ҳам-Аласи бир-бири билан борлиқ келишиб ишлайдиган тузилмалар йириндисидир.

### БИОЛОГИК МЕМБРАНАЛАР ВА <sup>^</sup>УЖАЙРА К<sup>°</sup>БИГИ БИОЛОГИК МЕМБРАНАЛАР

Бу мембраналар мураккаб ва ута специфик тузилмалар булиб, хужайранинг ҳаётий жараёнини белгилаб туради. Мембраналар ҳужайрага моддаларнинг кириши ва чиқишини, мембраналар билан борлиқ булган биохимик процессларни ва мембраналарда жойлашган ферментлар орқали хужайра модда алмашинувини (метаболизмини) боқҳариб туради. Мембраналар чегаралаш функциясини ҳам бажаради. Турли модда молекулалари (масалан, •оксиллар| специфик хусусиятларга факатгина маълум тартибда жойлашиши ва узаро муносабати натижасида эга булади. Моддаларнинг бундай муносабати биологик мембраналарда кузатиладн.

Маълумки, ҳозирги вақтда <sup>^</sup>ужайравий тузилишнинг икки тури ажратилади: прокарот ва эукаротлар. Прокариот хужайралар ядро қобири булмаган ва ДНК цитоплазмада эркин ёгувчи ҳужайралардир. Прокариот <sup>^</sup>ужайраларга баъзи бактериялар ва сув утлари киради. Асосий купчилик тирик организм хужайралари эукариот <sup>^</sup>ужайралар булиб, уларда ядро шаклландир, бу ҳужайраларда мураккаб тузилган ядро қобири хромо-сомаларни цитоплазмадан ажратиб туради. Эукариот хужайралар мембрана тузилмаларига бой булиб, бу мембраналар турли функ-цияларни бажаради. <sup>^</sup>ужайранинг ташқи қаватин» хх>сил қилувчи плазматик мембрана ҳужайрани ташқи муҳит билан алоқасини белгилайди. Х[ужайра ичидаги мембраналар (цитомембраналар) АТФ синтезловчи митохондрияни, маълум моддаларни парчалов-чи лизосомаларни, оксил, ёғ, карбонсув ва ҳужайра учун керакли химиявий моддаларни синтезловчи цитоплазматик турни, пластин-касимон комплекси, ядро қобигини ва бошқа тузилмаларни ҳо-сил қилади.


<sup>^</sup>озирги вақтда биологик мембрананинг тузилишини талқин этувчи турли хил назариялар мавжуд. Буларнинг ичида энг кенг тарқалгани *мембрананинг қаватли тузилишини* ифодаловчи Давсон ва Даниэлли (Оаузоп Н. А., ОашеШ Л. Р.) назариясидир.

Бу олимлар бошқа тадқиқотчиларни эритроцит мембранасининг липид ва оцсиллардан иборат деган фикрни давом эттириб, липидлар бимолекуляр парда шаклида мембрана марказида жойла-шишини, оксил молекулалари эса мембранани ташқи тарафида жойлашишини талқин этдилар (5-расм). Липид молекулалари бир-бирига параллел жойлашиб, уларнинг гидрофил (поляри) қисмлари <sup>о</sup>сил молекулаларига қараб ётади. Липид молекуласининг гидро-



фоб (нополяр) цисмлари эса бир-бирига қараб ётади. Шундай қилиб, липид молекулалари икки оқсил цавати билан борланган-дир. Ф. Шёстранд эса оқсил молекулалари глобуляр тузилиш-га эга деб ҳисоблайди. Ана шундай тузилиш ҳамма мембрана тузилмалари учун характерли-дир. Бундан тузилишга эга бул-ган мембраналар *элементар биологик мембрана* (Кобейзон .I. О.), деб номланади.

Охирги вақтларда мембраналар тузилишини ифодаловчи боёҳа назариялар ҳам пайдо булди. Бу мембраналарнинг глобуляр суббирликларидан ташкил топганлигини талқин этувчи ми-целляр назариядир. Бу суб-бирликлар липопротеид комплекс-ларидан иборат булиб, оқсил молекулалари шу суббирлик таш-қарисиди, липид эса ичида жой-лашади. Купчилик олимларнинг фикрича, оқсил




молекулалари аминокислоталарининг поляр группалари ва фосфолипидлари-нинг бошчалари уртасида ҳосил буладиган электростатик куч оқсил

5-рasm. Плазматик мембрананинг схематик тузилиши: 1 — липид молекуласи; 2 — оқсил молекуласи; 3 — плазматик мембранадаги тешик (Даниэллдан).

молекуласини липид ташқарисиди жойланишини белгилайди. *Мозаик назария* эса оқсил ва липидларнинг узаро муносабатини узгача тасвирлайди. Бу назария буйича оқсил глобулаларининг айримлари липид «куллар» да эркин сузиб юрса, баъзи бир оқсил молекулалари мембрана-нинг ички тарафига эгаллаб ётади (6-рasm).

Биологик мембраналар оқсил, липиддан ташқари, углерод, ноорганик ионлар ва сув тутати. Мембрана таркибига кирувчи оқгаллар икки группага булинади: структур ва глобуляр оқсил-лар. Глобуляр оқсиллар ферментларни ҳосил қилиб, улар модда-ларнинг мембрана орқали транспортида муҳим аҳамиятга эга. Структур оқсил мембрана эластиклигини, цисқариш ва чузилиш функцияларини белгилайди.

Мембрана ферментлари ҳужайранинг химиявий характери-каси ва физик-химиявий хоссалари бобида келтирилган асосий олтита фермент группаларидан ташкил топган. Липидларнинг асосий ҚИСМИ фосфолипидлардан иборат. Ҳужайра цобирида фос-фолипидлар липидларнинг 60 процентини, митохондрияда 90 процентини ташкил қилади. Ҳамма мембраналарнинг асосий фос-



6-рasm. Ҳужайра мембранасининг мозаик модели. Мембрана асосини липид ташкили қилиб, унинг гидрофоб қисмлари бир-бирига қараган, гидрофил бошчалари эса ташқи тарафга қараган- Оқсил молекулалари липид қаватда жой-лашган.

1—липид молекулалари; 2 — оқсил молекулалари. (Зиссег, Неселзон, 1972).

фолипиди фосфатидилхолин дир. Дужайра цобигида яна бошқа фосфолипид — сфингомиелин ҳам учрайди. Митохондрия липидлари туйинмаган ёр кислоталарига бойдир. Липидлар, о^силлар билан бирга биологик мембраналарни ^осил ^илишда иштирок этади. Липидлар ёрда эрувчи моддаларнинг мембрана ор^али транспортида му^им роль уйнайди.

Биологик мембраналарнинг метаболик функцияси уларда жой-лашган ферментлар билан борлиқ. Биологик мембраналар узига хос барьерлардир, чунки улар ^ужайрани ташқи му^итдан, ху-жайра органеллаларини цитоплазматик матриксдан ажратиб ту-ради. Улар маълум қаттиқликка эга бўлса ҳам, шу билан бирга эластикдир.

Биологик мембраналар орқали хужайра органеллаларининг метаболизм билан борлиқ булган моддалар утади. Агар бу моддалар концентрацияси юкори булган қисмдан концентрацияси паст булган томонга йуналса ва бу транспорт энергиянинг иштирокисиз бўлса, бундай транспорт *пассив транспорт* (диффузия) дейилади. Моддаларнинг бундай транспорти шу модданинг химиявий гради-ентига боглиқ.

Диффузия йули билан транспорт махсус утказувчан моддалар билан ҳам боглиқ булиши мумкин. Бу моддалар оқсил табиатига эга булиб, мембрана орқали утувчи моддага (субстратга) нисба-тан спецификдир. Бу моддалар субстрат билан комплекслар ҳосил ^илиб, моддаларни тезроқ, мембрана орқали утишини таъмин-лайди.

*Актив транспорт* оқсил табиатига эга булган утказувчи моддалар билан борлиқ булиб, унда албатта энергия сарф булади. Актив транспортда молекула концентрация градиентига қарши ҳаракат цилади. Актив транспорт мембраналар билан уралган тур-ли структураларда маълум моддаларнинг етарли микдорда тупла-нишини таъминлайди. Актив транспорт хужайра мембраналари-да ҳосил булувчи электрик потенциаллар асосида ётади.

## ^УЖАЙРА ҚОБИРИ


Хужайрани ташқи тарафдан ураб турувчи цитоплазма қобири плаштак мембрананинг узидан иборат булиши мумкин. Лекин, купинча, ^ужайра мураккаб тузилган 3 зонадан: *ташқи, урта* ва *ички* зоналардан ташкил топган ^ужайра (цитоплазма) қобири билан уралган.

Цитоплазма қобирининг ташқи з о н а с и *гликокаликс* деб номланиб оқсил ва карбонсувлардан ^осил булган. У электрон микроскоп остида узлуксиз структура ^олида куринади. Гликокаликс энг ташқи қават булгани учун ^ужайранинг ташқд! му^ит билан алоқасида му^им роль уйнайди. Гликокаликс зонасининг хи-миявий таркиби турли хужайраларда фйркланади. Баъзи бир ^ужайраларда гликокаликс моддаларни парчаловчи ферментларга бой бўлеа, бошқа ^ужайралардаги гликокаликсни ^осил цилувчи гликопротеидлар иммунологик хусусиятларга эга. Бу эса шу зона-нинг иммунологик жараёнларда му^им урин тутишини белгилақ-ди. Ичак эпителиал ^ужайрасининг (энтероцит) микроворсинка-лари устидаги гликокаликс моддалар парчаланишида, сурилиши-да му^им роль уйнайди. У ^ужайра микроворсинкаларини апиқал қисмининг муста^қамлигини белгилаб, химиявий моддалар ва баъзи бир микроблар таъсиридан энтероцит хужайраларини са^лайди.

Урта зонаси *плазматик мембрана* (плазмолемма) дан ташкил топган булиб плазматик қ обикнинг энг муҳ,им ва мураккаб тузилган ^исмидир. Плазматик мембраналар элементар био-логик мембрана тузилишига эга булиб, липопротеиддан ташкил топган. Электрон микроскоп плазматик мембрананинг тузилишини аниқ куришга ва ҳар бир ^ужайра мембранасининг узига хос то-монларини ажратишга имкон беради.

Аниқ, кундаланг кесмаларда плазматик мембрана 6—10 нм қалинликда булиб, уч қ аватдан ташкил топган. Х>ар бир қаватнинг ^алинлиги тахминан 2,5 нм. Икки четқи қавати ту^ро^, урта қава-ти о^иш куринади. Ёнма-ён жойлашган ^ужайраларнинг мембрана-лари икки қррамтир чизи^лар ҳолида куринади. Бу чизиклар ора-сида 10—15 нм келадиган, электрон зичлиги қам булган бушлиқ, жойлашган (7-расм).

Нерв толаларининг миелинли (магиз) ^обиги тузилишини ур-ганиш плазматик мембрана тузилишини урганишни бойитди. Мие-



7-расм. Плазматик мембрана. Ингичка ичак эпителий з<sup>у</sup>жайраси микроворсинкасининг плазматик мембранаси. Электрон микрофотограмма. X 80.000.

1 — четки т<sup>2</sup>ч цаватлар; 2 — урта оч кават; 3 — фибриллалар.

лин қобик куп <sup>а</sup>ватли бу-либ, Швайн хужайрасининг плазматик мембранасидан <sup>а</sup>осил булган. М. Элкис ва И. Финеаннинг кам бурчак остида рентген нурларини дифракция қилиб утказган тадқиқотларига ва замонавий электрон микроскопик далилларга асосланиб мие-линнинг липопроteid струк-турасининг молекуляр тузи-лишини аниқ тасаввур этиш мумкин. Бу муаллифлар келтирган моделда миелин пардасининг бир уралиш даври мураккаб липидларнинг бимолекуляр қавати-дан иборат булиб, уларнинг поляр группалари бир қ.а-ват липид булмаган материал билан қопланган. Шундай қилиб, юқорида келтирилган далиллар плазматик мембранани элемен-тар биологик мембрана Сунгари, урта бимолекуляр липид қаватдан ва икки томонда жойлашган оксил молекулаларидан тузилган-лигини тасдиқлайди. Оц-сил — липид қават баъзи муаллифларнинг фикрича текис булмай, тешиклар <sup>а</sup>осил қилади. Плазматик мембрана лабил структурадир. Электрон микроскоп остида эса биз маълум даврлардаги статик куринишларни кура-миз, холос.

Ҳақиқатда икки қават фосфолипидлар асосан мембрананинг структур ва пластик хусусиятларини белгилайди. Оцсил гло-булалари эса функция даврида уз конфигурациясини узгарти-ради.

Ички зона (кортикал қават) плазмолеммага тегиб ётувчи цитоплазманинг юпқа қисмидан иборат. Бу ерда органел-лалар булмай цитоплазмадан микрофиламентлар келиб тугайди. Микрофиламентлар қисқарувчи оцсиллар ушлагани учун ички зона <sup>а</sup>ужайра мембранасининг <sup>а</sup>аракатида муҳим роль уйнайди. Бу ҳаракат псевдоподиялар ҳосил қилиш ва фагоцитоз, пиноцито,\* процессларида ботиклар <sup>а</sup>осил қилиш билан белгиланади.

Цитоплазматик қобикнинг бундай тузилиши ҳайвон хужайра-сининг эволюцияси даврида пайдо булган. <sup>а</sup>ужайра қобиги мбдда алмашинувида иштирок этиш билан баообап хужайоа ҳаоакати-ни, уларнинг узаро бир-бирини таниб олиш, информация алма-шиш, бир-бири билан бирлашиш, специфик таъсирларни қ,абул қилиш каби фаолиятлари мажмуасини сурункали бажариб ту-ради.

## ХУЖАЙРА ЮЗАСИНИНГ МАХСУС ТУЗИЛМАЛАРИ

Электрон микроскопик урганишлар плазматик мембранани ҳар> хил хужайраларда эмас, балки бир хужайранинг узида ҳам мурак-каб тузилишга эга эканини курсатиб берди. <sup>а</sup>ужайра цобигининг махсус структуралари турли хил булгани учун хужайранинг қай-си қисмида жойлашганига қараб улар учта асосий категорияга булинади. Булар хужайранинг устки юзасида, ён юзасида ва ба-зал ҚИСМИДЗ жойлашган махсус тузилмалардир..

<sup>а</sup>ужайра устки .юзасининг махсус тузилмалари. Купгина ху-жайраларнинг устки юзасида — апикал плазматик мембрананинг майда усимталари булган *микроворсинкалар* куринади. Купинча микроворсинкалар бетартиб жойлашади. Ингичка ичак жиякли хужайрасининг апикал қисмидаги микроворсинкалар тартибли жойлашган булиб, эни ва узунлиги бир хил.

Оддий микроскопда микроворсинкалар жияклар ҳолида куринади, ҳар бир <sup>а</sup>ужайрада микроворсинкалар тахминан 3000 та булиб, хужайранинг апикал қисми майдонини ута катталаштира-ди.

Микроворсинкалар мураккаб тузилма ҳисобланиб, унда юкрри-да айтиб утилган уч зонани (гликокаликс, плазматик мембрана ва ички зонани) фарқ қилиш мумкин (8-расм).

Микроворсинканинг гликокаликс зонаси нозик ипсимон ва до-надор элементлардан ташкил топган булиб, у гликопротеид ва гликолипидлардан иборат. Гликокаликс энтероцит маҳсулоти бу-либ, у цитоплазма цобирининг таркибий қисмидир. Плазматик мембрана таркибида жуда куп гидролитик ва транспорт фермент системалар жойлашган. Бу ферментлар гликокаликс ферментлари билан бир қаторда моддаларнинг хужайра ичига утишида катта роль уйнайди.

Ички зона (матрикс ёки мембрана ости қавати) доначалар,, марказда жойлашган 20 — 40 параллел микрофибриллалардан ва аморф қисмдан ташкил топган. Микрофибриллаларнинг бир уч» микроворсинкалар учигаги зич доначада тугаб, иккинчи учи терминал турни ҳосил қилади. Тадқиқотчилар фикрича, матрикс ва микрофибриллалар баъзи бир моддаларнинг сурилишида му<sup>а</sup>им урин тутади.

Шундай қилиб, микроворсинка бир-бири билан мувофик ишлай-диган тузилмалардан ташкил топиб, улар сурилиш жараёнини таъминлаб туради.' Микроворсинкаларнинг ферментларини чукур> урганиш А. М. Уголевга моддалар ҳазм булишининг мембрана назариясини ишлаб чиқишга асос булди.

Цушни <sup>а</sup>ужайралар ён юзасидаги махсус тузилмалар. Х<sup>а</sup>р хил хужайралар ён цисмларида

моддаларни диффузия қилишга тую-


Цитлик берувчи махсус структуралар жойлашди. Икки қушнй ^ужайра оралигида апикал қисмдан бошлаб ҳушувчи комплексна (9-расм) ҳосил қилувчи дифференциалланган тузилмалар жойлашади. Кўшувчи комплекс уч зонада ташкил топади: тоғниа осси<1еп5— хужайралар ёки мембраналарнинг зич жипслашган зонаси, тоғниа асШегепз — ён мембраналарнинг ажралган зонаси ва десмосомалар.

Биринчи иккита зона тутйштируйчи пластинкани ҳосил қилади. Биринчи зонада қушни хужайраларнинг хужайра қобиклари қу-ШилГ.ая булиб, ^ужайралараро бушлиқ маълум масофада умуман булмайди. Бу зона апикал қисмга жуда яқин жойлашиб, унда ик-кита вдшнй ^ужайра қобиклари бирлашади ва битта оралиқ қо-биқни з^осил қилади. Бу зона эпителийнинг утказувчанлигини бел-гилаб туради. Масалан, ичак бушлигидаги макромолекулалар ^ужайралараро бушливда ута олмайди. 2опи1а айНегепз да хужайра мембраналари бир-бирига параллел ётиб, тахминан 20 нм кенглик-даги хужайра орали^ моддасини ҳосил қилади.

гЭлектрон микроскопда десмосома соҳасида қушни хужайралар цитрплазмаларининг бир-бирига томон йуналган буртмалари куз-га ташланади. Бу б^ртмалар плазмолемма билан цонланган булиб, электрон зич хужайралараро жойлашган цементловчи модда ёрда-мида узаро бирлашади. Плазмолемманинг ички тарафида электрон зич диск шаклидаги тузилмалар жойлашиб, уларни бирлаш-тирувчи пластинка дейилади. Цитоплазма ичидаги тонофибрилла-лар шу пластинкага ёпишади (10-расм). Шундай қилиб, тонофиб-риллалар бир хужайрадан иккинчисига утмайди. Бу участкадаги плазматик мембраналар аниц уч цаватли тузилишга эга. Цитохи-миявий тадцикотлар хужайралараро жойлашган цементловчи модда ва диск шаклидаги тузилмалар оцсил ва мукополисахаридлар-ни сацлашини курсатди. Хужайранинг десмосомалар жойлашгая қисмининг маҳкамлиги десмосоманинг иккита булаг иртасидаги мукополисахаридга боғлиқ бўлса керак. Десмосомалар фацатги-на механик функцияни бажармасдан, моддаларнинг бир хужайрадан иккинчисига утишида муайян урин тутса керак.

^ужайра ён юзасидаги интердигитациялар тез узгарувчан ту-зилма булиб, бир хужайранинг бармоқсимон цитоплазматик усиқ-чаларини қушни хужайранинг худди шундай усиқчалари орасига кириб бирлашишидир.

**Базал** плазматик мембрананинг махсус тузилмалари. Қупчилик эпителиал хужайраларнинг базал плазматик мембранаси текис. Ленин сув ва ионларнинг транспортида иштирок этувчи хужайра-ларнинг базал плазматик мембраналари текис булмай, к^пгина бурмалар ҳосил қилади. Бурмаларнинг катталиги бир-биридан фарқ қилади. Масалан, кузнинг олдинги камераси хужайралари, миянинг хориоидал чигали хужайраларидаги бурмалар сон жиҳат-дан кам ва юза жойлашган булади. Лекин буйрак нефронининг проксимал, дистал цисмларидаги, қушларнинг туз безларидаги,



11 -раем. Буйрак проксимал каналча ^ужайрасининг базал кисмидаги бурма-лар. Электрон микрофотограмма. X12.500.  
1 — Оурмалар; 2 — митохондрия; 3 — базал мембрана.

*тик мембрана бурмаси* кучли ривожланган (11-расм). Базал плазматик мембрана бурмаси орасида йирик митохондриялар бор, Биохимиявий ва цитохимиявий тадқиқотлар натижасида ионлар-нинг актив транспортида (ҳаракатида) иштирок этувчи натрий ва калий билан активланувчи аденозинтрифосфатазининг ( $Ka^{+}-K^{+}$  АТФ-аза) базал плазматик мембранада жойлашиши аниқланди. Фермент системасининг митохондриялар билан яқин жойлашишига қараб, бу икки системани морфологик жиҳатдан плазмолеммо-митохондриал насос деб атаса ҳам бўлади.

Базал плазматик мембранада «гемидесмосомалар» (яримдесмосомалар) ҳам учрайди. Улар ёрдамида эпителий ҳужайралари базал мембрана (пластинка) билан бирлашади. Яримдесмосомалар десмосомаларнинг ярмини эслатиб бир ҳужайра цитоплазмасининг буртмасидан ва шу буртма соҳасида жойлашган дисксимон тузилмадан иборат. Яримдесмосома ва базал мембрана оралигида липидларга бой доначаларни сақловчи цават жойлашади (Келп, 1966).

#### ^УЖАЙРА ОРГАНЕЛЛАЛАРИ (Оргanelles)

*^ужайра органеллалари* — ҳужайра ингдомий таркибий қисми булиб, маълум тузил ишга эга ва махсус вазифаларни бажаради. ^ужайранинг умумий ва махсус органеллалари фарқ қилинади. Умумий органеллаларга *митохондрия, цитоплазматик (эндоплазматик) тўр, рибосома, Гольжи комплекси, лизосома, микронайча, центросома, пероксисома*; махсус органеллаларга эса *тонофибрилла, миофибрилла, нейрофибриллалар, кичрикчалар ва микроворсинчалар* қиради. ^ужайра органеллаларини тузилиши бўйича мембранали ва мембранаси бўлмаган ҳужайра органеллаларига бўлиш мумкин.

Мембранали ҳужайра **органеллалари**. Юқорида ҳужайранинг турли мембраналарининг принциплар билан бир хил тузилганлиги қайд қилинган эди. Мембраналар асосан липид, оқсил, сувдан ташкил топган. ^ужайра ички тузилмаларининг мембраналари оқсил ва липид таркибининг узгариши билангина фарқланмасдан уларнинг таркибига кирувчи молекулаларнинг жойлашиши ва ультраструктур тузилиши билан ҳам фарқланади. Мембрана-нинг бундай узига хос тузилиши уларнинг функционал ихтисосланишига боглиқ. Турли хил вазифани бажарувчи мембраналар ферментлар ва уларнинг активлик даражасига қараб фарқланади. ферментларнинг активлиги эса

хужайранинг бошқа компонентлари айниқса сув ва липидлар билан муносабатига боглиқ. Бу ҳолатда мембраналар ферментларнинг аниқ жойлашиши учун структур каркас ролини уйнайди. Шундай қилиб, хужайра цитоплазмасининг мембраналари функционал ва структур таърифдан аниқ ихтисослаштирилган ва бу ҳолат мембрананинг химиявий тузилиши ва молекулаларнинг жойлашишига боглиқ.

Мембранали хужайра органеллаларига хужайранинг умумий органеллаларидан митохондрия, цитоплазматик тур, пластинка-симон комплекс (Гольжи комплекси), лизосома ва пероксисома-лар қиради.

Мембранаси булмаган хужайра органеллалари. Бу органеллаларга турли хил тузилишга эга булган ва специфик вазифани бажарувчи органеллалар, рибосома, микронайча, центросома ва фибрилляр тузилмалар қиради.

Рибосомалар алоҳида тузилмалар ҳисобланиб, улар купинча цитоплазматик тур билан комплекс ҳосил қилади.

Микронайча ва центросомалар оксил табиатли<sup>1</sup> суббирлик-лардан ташкил топган. Оксил глобулалари маржонлар сингари узаро богланиб фибриллалар ҳосил қилади. Шунинг учун баъзи муаллифлар микронайча ва хужайра марказини фибрилляр тузилмалар қаторига қушадилар. Хужайрада центросома сингари микронайчалардан ташкил топган киприкчалар, хивчинлар ҳам булиб, улар юқорида қайд қилинган органеллалардан фарқли равишда устки тарафдан мембранали структура билан қопланган. Хужайранинг фибрилляр тузилмалари хужайрада турли функцияларни бажаради. Фибрилляр тузилмалар хужайра цитоплазмасига маълум тартибда жойлашиши ёки хужайранинг махсуо органеллалари микроворсинка, тонофибрилла, нейрофибриллар, миофибриллаларни ҳосил қилиши мумкин.

**Митохондриялар.** Митохондриялар ҳар бир ҳайвон хужайра-ларида учрайдиган органеллалардир. Митохондрия номи (юнонча  $\mu\iota\omicron\zeta$  — ип,  $\sigma\omicron\mu\iota\tau\omicron\varsigma$  — дона) биринчи марта 1898 йилда Бенда томонидан берилган бўлса-да, Флемминг (1882) ва Альтман (1890) бошқа ном билан бу органеллани ундан илгари-роқ таърифлаб берган эдилар.


Митохондрия шакли узгарувчан булиб, купинча ипча ёки донача ҳолида қуринади. Маълум функционал ҳолатларда унинг формаси узгариши мумкин. Масалан, узун митохондрия бир тарафдан шишиб ёки бир тарафидан ботиб теннис ракеткаси шаклини олиши мумкин. Баъзан митохондриянинг марказий зона-си тиниқлашиб, пуфакча тусига қиради.

Митохондрия катталиги узгарувчан. Қупгина хужайраларда бу органоидларнинг эни нисбатан узгармас (0,5 мкм га яқин). Узунлиги эса узгариб туради (энг узун 7 мкм). Лекин хужайранинг функционал ҳолатига қараб жуда ингичка (0,2 мкм) ва йутон (2 мкм) таёқчасимон хилларини учратиши мумкин.


Митохондрия шакли ва катталиги осмотик босимга ва фиксаторнинг рНига қараб узгаради. Митохондрия, асосан, цитоплазмада бир текис жойлашади. Баъзан эса бу ҷоида бузилади. Митохондриянинг бунда и жойлашиши уларнинг функционал ҳолатларига боглиқ. Улар қаерда энергия купроқ керак бўлса, ушга ерга тупланади. Масалан, диафрагманинг мушак толалари-да Митохондриялар миофибриллаларнинг дисклари атрофида булади, қуз тур пардасининг таёқча ва қолбачасимон хужайра-ларида эса ички буринининг бир қисмига йирилади. Буйрак каналчалари хужайраларида митохондрия базал плазматик мембранада ётади.

Қутбланган эпителиал хужайраларда Митохондриялар маълум апикал-базал жойлашишга эга булиб, думалоқ хужайралар (лейкоцитлар) да эса центриолаларга радиал ётади.

Хужайралардаги митохондрияларнинг сонини аниқ айтиш қийин. Уларнинг миқдори хужайра типига ва функционал ҳолатига боглиқ, жигарда 30—35%, буйракда 20% оксил митохондрия-га турри келади. Жигар гомогенатининг 1 граммига  $8,7 \cdot 10^6$  митохондрия турри келади. СОР-жигар хужайраси 2500 митохондрия, регенерация булаётган жигар хужайраларида ва жигар усмалари



хужайраларида уларнинг сони кам. Электрон мик-



12-расм, А. Митохондриянинг ультрамикроскопик тузилиши (схемаси).

1 — ташқи митохондриял мембрана; 2 — ички митохондриял мембрана; 3 — кристаллар, 4 — митохондрия матрикси;

Б — митохондриял мембрана элементар таначаларининг тузилиши (схема).

1 — элементар ганача; 2 — кристаллар; 3 — матрикс; 4 — ташқи мембрана доначаларн; 5 — ташқи митохондриял мембрана

В — молекуляр цаватларнинг осмий (унгда) в - калий перманганат (чапда) билан фиксация ^илинганда жойлашиши. Ийрик доналар шаклида глобуляр оксил молекуллари курсатилган. Синик чизиклар шаклида оксил, дойра ва чизи^ билан липид молекуллари курсатилган (А — И. В. Алмазов, Л. С. Сугулов, 1978. Б — И. А. Алов ва бошчалар, 1969. В — Ф. Шестранддан).


роскопик таддиотлар митохондриянинг иккн қоби к, билан уралганлигини курсатди (12-расм, а). Ташқи мембрана-н и н г цалинлиги тахминан 6 нм булиб, шу органелланинг .утка-зувчанлик хусусиятини белгиласа керак Ички тарафда ётувчи ички митохондриял мембрана ташқисидан фаркли уларок,, текис булмай, у с и м т а ( к р и с т а ) л а р ҳосил к,идади (13-расм, а). Бу мембрананинг ҳам цалинлиги тахминан 6 нм. Ички мембраналар орасидаги бушлиқ майда донатор моддалар билан тулган булиб, м а т р и к с деб аталади. Митохондрия матриксида электрон зич (туқ) гранулалар булиб, уларнинг зич-лиги  $\text{Ca}^{++}$  ва  $\text{Mg}^{++}$  ионларга борлик.

Митохондрия кристалари органелла матриксини бутунлай ажратмайди ва шунинг учун ҳам матрикс яхлит булади. Митохондрия мембраналари мураккаб тузилишга эга булиб, иккита ташқи электрон зич (туқ) қаватлардан ва урта оч қаватдан тузилган. ^ар хил типдаги х,ужайраларда кристалар сони турли-ча. Буйрак х,ужайраларида, скелет ва юрак мушагида кристалар сони куп ва зич жойлашган. Жигар хужайраларида, сперматид-ларда эса кам ва сийрак Вир типдаги хужайраларда ҳам митохондрия кристаларининг сони ҳар хил булиши мумкин. Баъ:иг бир ҳолатларда (скелет мушаги митохондриялари, нейрон усим-талари'да ва баъзи бир организмларнинг сперматидларида) кристалар митохондрия укига к^ндаланг эмас, балки ук, буйича жойлашиши мумкин. Баъзи оддий хайвонларда ички мембраналар кристалар урнига найча ҳосил қилади. Кристаларнинг бун-дай структураси баъзан умуртқали ^айвонлар хужайраларида, масалан, буйрак усти безининг пуст қисми (13-расм, б), куён урурдонининг интерстициал хужайраларида учраиди.

Сунггн ва^ларда митохондриялар ички мембранасида замбурурсимон яна бир нозик компонент топилган булиб, у думалок заррача (диаметри 6—10 нм) ва криста билан туташувчи оёқча-дан (узунлиги 3—5 нм) иборат (12-расм, б, в). Митохондрия ташқи мембранасида шундай заррачалар йирикрок шарчалар-дан (диаметри 20 нм) иборат булиб, оёқчаси булмайди. Бундай «элемент ар зарралар» ҳар хил типдаги хужайра мптохондрияларида топилган. Тахмин буйича ана шу замбуруглар-симон структураларда АТФ синтези билан боглик булган фер-

ментлар жойлашган. Митохондрия химиявий таркибининг асосий қисми протеиндан (уруқ оғирлигининг 65-70%), ёрдан (цуруқ оғирлигининг 23—30%) иборат бўлиб, фосфолипид, ДНК, РНК, ноорганик катионлар  $K^+$ ,  $Mg^{++}$ ,  $Fe^{++}$ ,  $Ca^{++}$  ва бошқа моддалар мавжуд. Митохондрия асосий функцияси АДФ ва ноорганик фосфатдан АТФ ҳосил бўлишини ҳамда Кребс цикли оралиқ моддаларининг аэроб йул билан оксидланишини таъминлашдир. АТФ макроэргик богларнинг энергияси механик (мушакларда), электрик (бош миёна хужайраларида, нерв хужайраларида усимталарида, рецепторларда ва балиқнинг электр органида) ёрурлик, осмотик энергияларига айланиши мумкин.

Митохондрияларда уч группа ферментлар жойлашган бўлиб, улар митохондрияда буладиган қуйидаги учта жараёнда: 1)



13-расм. Митохондриялар.

Л. 1—алкопсмон без олди беги хужайралардаги митохондрия ф. Электрой микрофотограмма. X 87.500.

Б. Буйрак усти беги тутамли зона хужайраларидаги митохондриялар. Электрон микрофотограмма. X 87.500.

1 — ташки митохондрия мембрана; 2 — пчки митохондрия мембрана; 3 — митохондрия матрикс; 4 — митохондрия кристаллари; 5 — ийспмон кристалларнинг кундалаги ксс.Масн.

Кребс циклида субстратларнинг оксидланиши (ацетил КоА) процессида; 2) электронлар, утказгич занжиридан электронлар утишида; 3) оксидланиш билан борлик, булган АТФ синтезида иштирок этади.

Кребс цикли кетма-кет кетувчи биохимиявий узгаришлардан иборат бўлиб, бунинг натижасида сирка кислотанинг иккала углевод атоми карбонат ангидрид ( $CO_2$ ) ва сувга оксидланади. Бу процессда каттагина энергия ажралади. Аслида Кребс циклида сирка кислотанинг узи «ёнмасдан» балки унинг маҳсулоти — ацетил кофермент А (ацетил КоА) ёнади. Ацетил кофермент ёғ, углевод ва аминокислоталарнинг бирламчи парча-ланишида ҳосил булади.

Электрон утказиш занжири шартли реакциялар номи бўлиб, бу реакциялар натижасида жуфт электронлар ферментлар ёрдамида донордан акцепторга утказилади. Пироузум кислотанинг оксидланиши пироузум кислотада 2 электронни акцепторга утказувчи фермент билан боглиқ. Сунгра бир қатор оксидланиш ва қайтарилиш реакциялари натижасида бу жуфт электрон охириги Н акцепторига ва  $C=O$  га утиб, сув ҳосил цилади.

Оксидланиш билан боглиқ булган фосфорланиш процесснинг ҳар бир босқичида субстратнинг химиявий тузилишидаги энергия, шундай химиявий бор (АТФ) энергиясига утказиладики, бу энергия хужайрада ишлатилиши мумкин. Электронлар утишидаги фосфорланиш бу аденозиндифосфатни ноорганик фосфор  $P_i$ -собиға фосфорланиши бўлиб, бунинг натижасида аденозинтри-фосфат (АТФ) ҲОСИЛ бўлиши ва электронларнинг донордан акцепторга утиши руй беради. Субстратларнинг оксидланишида энергия ҳосил бўлишининг мезони бўлиб, АТФ синтезида ҳар грамм-атом ишлатилган кислородга неча моль фосфор сарф булганини курсатувчи Р/О ҳисобланади. Бу ниебат кетоглутар кис-лотанинг оксидланишида 4 га, олма ва кахрабо кислоталарида мувофиқ равишда 3 ва 2 га, НАД $^+$  Н нинг оксидланишида эса 3 га тенг. Ишлаётган митохондрияда Кребс цикли



субстратининг оксидланиши, албатта, фосфорланиш процесси. билан боғлиқ. Митохондрия кристаларининг тузилиши — функционал архитек-туранинг жуда яхши тимсоли бўлиб, оксидланиш билан борли^ фосфорланиш процессининг мураккаб структурада кетишини кур-сатади.

Митохондрия узок ҳаёт кечирмайди. Митохондриянинг биологик ярим ҳаёт (бор митохондрия ярмининг янгиланиши) даври куп хужайраларда 9,6,— 10,3 кунга тенг (буйрак хужайрасида эса 12,4 кун). Парчаланаётган митохондрия урнида янгиси ҳосил булади. Бу органелла турли мембраналардан: 1) цитоплазмадаги мавжуд митохондриялардан; 2) турли мембранали структуралар-дан; 3) мембранаси булмаган тузилмалардан ҳосил булади. Куп-чилик тадқиқотчиларнинг фикрича, митохондриялар репродукция натижасида тикланади. Митохондрия куртак отиш йули билан ёки кундалангига иккита булиши натижасида купаяди. Митохондрия-нинг успши ва булиниши даврида митохондрия ичидаги синтетик процесслар митохондрия липопроteid мембранасини ва асосий ферментларини ҳ,осил қилади, баъзи бир энзимлар эса (масалан, цитохром С.) рибосомаларда синтез бўлиб митохондрияларга келтири-лади. Митохондрияларнинг янгитдан ҳрсил булиши Харвей (Нагоу, 1946) томонидан ёзилган. У денгиз типратикони тухуми фраг-ментларидан центрифугалаш нули билан митохондрияларни олиб ташлайди. Ленин шу фрагментлардан ривожланган личинкаларда митохондриялар мавжуд. Электрон микроскопик текширишлар фрагментларда митохондриялар йуцлигини тасди^лади. Балки бунда фрагментация вақтида митохондрия яшил янус билан буя-. лиш қобилятини йуқотган булиши мумкин. Шунга қарамай, митдхондрия цитоплазматик *црбх*, цитоплазматик тур ва ядро цобири пуфакчаларида ҳ,осил булади, деган далиллар ҳам йуқ эмас. Лекин цитоплазматик цобик, ядро, цитоплазматик тур ҳам-да митохондрия мембраналарининг биохимиявий ҳоссалари турли-ча булгани учун шу структуралардан митохондрия ҳосил булиши-ни тасаввур қилиш қийин.


Купчилик авторлар нафас .олиш тезлиги, оксидланиш ва цайтарилиш ферментлари активлиги ва митохондрия кристаларн орасида мутаносиблик (корреляция) борлигини аниқладилар. Умуртқасиз ^айвонларнинг мускулларидаги цитохромлар активли-гн урганилганда кристалари куп булган митохондриялард\* цито-хром куплиги ва кристалари кам митохондрияларда цитохром камлиги топилиди. Бундай ҳолни умуртқали ҳайвонларнинг бошца орглд митоХойДрияларида Ҳам куриш мумкин. Оксидланиш ва ^аМариЛиш ферментлари юзаси жуда катта булган митохондрия кристалари мембраналарида жойлашади. Ферментларнинг куплиги, активлиги ва кристаларнинг зич жойлашгани хужайраиинг такомиллашишига, ривожланишига, мухитларнинг узгаришига >^амда турлн функционал ҳолатларга қ,араб узгариб туради. )^ужайранинг функционал активлиги ошса, масалан, буйракнинг компенсатор гипертрофиясида, митохондрия йнрнклашадн ва матрнксни зич жойлашган кристалар тулдириб туради.

Охирги йилларда утказилаётган тадқиқ,отлар митохондриялар-нинг ҳ,ар хил таъсирларга носпецифик равишда бир хил шишиш билан жавоб беришини курсатди. Бунда митохондрия кенгаяди, кристалар калталашади ва камаяди. Ташқи мембранада бурма-лар хх>сил булади, натижада митохондрия ташқи мембрана билан уралган пуфакчага айланади. Митохондриянинг ультрамикроско-пик тузилиши, ^ажми, оксидланиш ферментларининг активлиги урганилганда митохондрия шишиши натижасида нафас олиш ферментларининг узгариши, яъни митохондрия шишишига сабабчи факторлар митохондриянинг оксидланиш-цайтарилиш ферментларининг активлигини сусайтириб юбориши қ,айд цилинган.

Митохондрия юқори эффектли ишни таъминловчи органелла бўлиб, структура ва функциянинг бирлнгини курсатувчи жуда ажойиб тузилманинг тимсолидир.


Цитоплазматик (эндоплазматик) тур. Цитоплазматик тур ёки ретикулум электрон микроскоп остида 50-йилларда очилган органелла бўлиб, унинг тузилишини урганиш электрон микроскопик техниканинг таравдиёти билан бирга ривожланди. Баъзи бир муаллифлар бош^а иборалар билан, масалан, «эргастоплазма», «вакуоляр система» ва «цитомембрана» деб атадилар. Цитоплазматнк тур мембранаснда рибосомалар булишига ^араб *донадор* (14-

расм) ва *донасиз* (15-расм) цитоплазматик тур фарц цнлина-



ди. Донадор ЦитопЛазматик тур мембранасининг таШқи қйсм'й-да  
рибосомалар булади.

Цитоплазматик тур хужайра нчи каналчалар системасидан,  
вакуолалар ва цистерналардан лборат булиб, цнтоплазматик мембрана  
билан уралган. Каналчалар, цистерналар ва вакуолалар узаро  
бнрлашиб, мураккаб тур системасини ҳосил қилади. Цитоплазматик  
тур бушлиги гомоген кам электрон зичликдаги модда тутади.  
Цитоплазматик тур етилган эритроцитлардан ташцари ҳамма хайвон  
хужайраларида топнлган. Цитоплазматик турнинг тузилиши такомил  
даражасй турлича булган хужайраларда >^ар хил булади. Ёр  
безларининг кам дифференциаллашган базал



15-расм. Жигар хужайраси цитоплазмасидаги силлиц Цитоплазматик тур. Электрон микрофотограмма. X30 000.

1 — силлиц цитоплазматик тўр мембранаси; 2 — силлиц цитоплазматик тўр  
3 — митохондрия.

хужайраларида цитоплазматик тур ёмон ривожланган бўлиб, марказда ётувчи етилган хужайраларда эса Цитоплазматик тур яхши ривожланган. Донадор цитоплазматик тур оқсил синтезловчи сектор хужайраларда, масалан, меъда ости безининг ацинар хужайраларида, жигар хужайраларида, плазматик хужайраларда ва бошқа хужайраларда яхши ривожланган.


Цитоплазматик турнинг шакли ва ривожланганлиги хужайранинг функционал ҳолатига қараб ҳам ўзгариб туради. Без хужайраларида Цитоплазматик цистерналарнинг формаси ва зичлиги ҳам секреция даврига қараб ўзгаради.

Ҳар хил хужайраларда цитоплазматик тур бушлик/шри ва улар мембраналарининг зичлиги ҳам бир хил эмас. Цитоплазматик тур мембранасининг қалинлиги 4 дан 7,5 нм гача бўлади. Цистернанинг ички бушлиқларининг ҳам ушбу қалинлиги фарқ қилинади. 70 нм дан (каналча) — 500 нм гача (цистерна). Цитоплазматик тур шакли ва қалинлигининг турли хилда бўлиши бу системанинг юқори функционал ўзгаришчанлиги билан ифодаланади. Масалан, меъда ости безининг ацинар хужайраларининг цитоплазматик тур мембраналарининг қалинлиги очликда 6—7 нм, каналчалар эса зич қойлашиб оралиқ масофа 100 нм га тенг бўлади. Овқат қабул қилинган бир соатдан сунг мембраналар ингичкалашади (5 нм), каналчалар қалинлиги эса бир неча марта ошади (100-700 нм), улар орасидаги масофа эса икки марта кенгайиши мумкин. Донадор цитоплазматик тур мембраналарининг ташқи томонида рибонуклеопротеид доначалари — РНК доначалари жойлашади. Донадор цитоплазматик турни ўтган асрнинг охирида «эргастоплазма» деб, номланган эди (Гарнье, 1897). Цитоплазматик тур мембранасида жойлашган РНК доначалари хужайранинг базofil қисмларини белгилайди. Рибонуклеопротеид доначалари мембрананинг ташқи томонида жойлашиб, розетка ёки айланма шаклида тупланмалар ҳосил қилади. РНК доначалари цитоплазматик турда ҳамма вақт булмагани учун юқорида қайд этилганидек, цитоплазматик турнинг грануляр ва агрануляр турларни фарқ қилинади. Бир қатор олимлар цитоплазматик турнинг каналчалари ва цистерналар системаси хужайра қобирининг туртиб чиққан жойлари билан ҳамда перинуклеар бушлиқ билан боғлиқ деган фикр юритадилар. (16-расм). Ядронинг ташқи мембранаси грануляр цитоплазматик тур сингари тузилишга эга. Ҳуний билан

бирга цитоплазматик тур Гольжи комплекси еохдеидати"цистерналар билан ҳам алоқада булади. Баъзи бир .Хужайрала'рда цитоплазматик тур мембраналари қалпоқча сингари митохондрия-ни ураб туради. Шундай қилиб, цитоплазматик турни плазматик қобик, ядро ва хужайра органеллалари билан боғлиқ булган ягона циркуляр система деб таърифласа булади. Цитоплазматик турнинг плазматик қобик билан алоқаси борлиги кам кузатилган. Бу кузатишлар ташқй му^ит билан цитоплазма орасидаги коммуникациялар бор дейишга асос булолмайди. Цитоплазматик тур билан Гольжи комплекси орасида алоқа ҳам доимий булмай, балки динамик алоқадан иборатдир.

Донадор цитоплазматик ту"рни биохимиявий текширишлар унинг мембранаси оксил ва фосфолипиддан ибораг эканлигини курсатди. Цитоплазматик турда бир қатор ферментлар: глюкоза 6-фосфатаза, НАД • Нг-цитохром С-редуктаза ва бошқа баъзи бир ферментлар ҳам бор.

ВаНгДа ГрЙнуЛйр ЦиТОЙЛаЗматНк турНИНГ оЦСЙЛ М фермент синтезидаги роли ^амма олимлар томонидан тан олина-ди. Грануляр цитоплазматик тур оксил ишлаб чицарувчи (оцсил безларн) ^ужайоаларда яхши ривожланган. Нооцсил секрет



16-расм. Перинуклеар бушликнинг цитоплазматик т^р бушлиги билан алоқаси. Меъда ости бези экзокрин қисмининг эпителий >ужайрасп. Электрон микрофотограмма. 35.000.

1—ядро; 2—перинуклеар бушлик; 3—цитоплазматик т^р қалалчалари; 4—ри-босомалар.



сулбтлари ^осйл цилувчй хужайралар (меъданмнг хужайралари, буйрак усти безининг хромофил хужайралари бошқалар) да силлик,

эндоплазматик тур яхши рйвожланган. Денгиз чучқасинииг меъда ости безининг ацинар хужайралари стимуляция к илинганда (оч долган хайвонни бодандан сунг 1—3 соат кейин) донадор цитоплазматик турнинг узгариши куза-тилган. Бу системанинг бушлиқлари кенгайди ва цистерналар ичида катта булмаган «интерцистернал» доначалйр трпилади. Бу доначалар майда булиб, тузилиши буйича зимоген гранулалйрни эслатади. Электрон микроскопик радиоавтография билан олинган далиллар ҳам радиоактив  $H^3$ -лейцин аминОкислотасининг маълум бир тартибда хужайрага киришини курсатди. Изотоп киритилган-да 4—5 мин. утгач грануляр цитоплазматик турда, 20 мш. дач сунг Гольжи комплексида, 4 соатдан сунг эса зимоген гранула-ларида лейцин борлиги кузатилади.

Шундай қилиб, келтирилган далиллар ^ужайра ичидаги оцсил синтезида ^уйидаги босқичларни ажратишга имкон беради: 1) ^ужайрага тушган аминокислоталарнинг РНК доначаларига утиши ва бу структурада оцсил синтезланиши; 2) океилнинг цитоплазматик тур мембраналаридан утиши ва каналча ичида «интерцистернал» гранулаларнинг ҳосил булиши; 3) гранулалар-нинг цитоплазматик тур орқали Гольжи комплексига утиши ва у ерда гранулалар конденцияси ҳамда зимоген доналарнинг шакл-ланиши. Бу батартиб система Хирш томонидан «%ужайра ички конвейери» деб номланган. Агар бу «конвейер»да Гольжи комплексига «уровчи цех» урни берилса, цитоплазматик тур «химия-вий цехдир». Лекин хужайра ичидаги «конвейер»да цитоплазма-тик тур ва Гольжи комплексидан ташқари хужайранинг . бошқа компонентлари ва айниқса, ядро (информацион РНК нинг дито-плазмага утиши, оцсил синтезининг контроль цилиниши) ва мито-хондриянинг (о^сил синтезини энергия билан таъминлаш) роли катта.

Силлик, цитоплазматик тур эса, купгина олимларнинг фикри-ча, бошқа—метаболик процессларда, биринчи талда' ^ужайрадагч липнд ва гликогеннинг синтезида, агрегациясида ва транспортида иштирок этади. Силлиц цитоплазматик тур асосан ёг (ёг безлари хужайралари, буйрак усти бези, урурдоннинг интерстициал ^ужайралари) ва углевод синтезида иштирок этадц. Ичакда ёр-нвдг сурилиши буйича утказилган тажрибалар цитоплазматик туриинг ёр сурилишидагина эмас, балки унинг триглицеридлардан ресинтезида ҳам иштирок этишини курсатди. Силлик цитоплазма-тик тур гликогеннинг парчаланишида ҳам иштирок этади.

.Цитоплазматик турнинг келиб чиқиши ва тупланиш .йуллари >:ам етарли маълум эмас эди. Купгина цитологлар уни ;Х,ужайра қобиридан ва мавжуд цитоплазматик турдан келиб чи^ишини айт-дилар. Хужайра қобигининг дивертикула ва пиноцитоз пуфакча-лари цитоплазматик турнинг мембраналари билан бирлашиб цитоплазматик тур системасини тулдиради. Цитоплазматик тур ядро к,обири х,исобиға тикланади, дега>\ фикр ҳам бор. Тадқиқотчилар фикрича, такомиллашиш вақдида янги мембрана материаллари



17-рәсм, А- Рибосома. Мәйдан өсті беҙишһг асһнар хужайраларидаги рибосомалар. Электрон микрофотограмма. Х 60.000.  
1—донадор цитоплазматик тР; 2 — цитоплазматик тур мембранасидаги рибосомалар; 3 — эркин рибосомалар.

17-рәсм, Б. Рибосома тузилиши (схема).

1 — кичик суббирлик; 2 — информацией РНК; 3 — транспорт РНК; 4 — аминокислота; 5 — катта суббирлик; 6 — цитоплазматик т<sup>р</sup> мембранаси; 7 — синтезла-наётган полипептид бор (Ж. К. Ролан ва бошчалар, 1978).

донадор цитоплазматик турда х,о-сил булиб, у кейинчалик силлш<sup>^</sup> цитоплазматик турга утади.

**Рибосомалар.** Рибосома дона-лари (Паладе доналари, рибонуклеопротеид доналари) цитоплазматик тур компонентлари-дан бири булиб, зич думалоқ шаклдаги диаметри 15—30 нм келадиган доналардан иборат (17-рәсм, а, б). Рибосомалар ядро к/збирининг ташкл1 мембранл-сида )(ам ётади. Мембраналар

билан бирикмаган цитбплазмада эркин ётувчи рибосомалар куп учрайди. Цитоплазматик тур ва рибрсомалар онтогенез дав-рида турли

манбалардан ҳосил булади. Масалан, каламуш меъда ости безининг ацинар хужайраларида, эмбриогенез даврида олдин рибонуклеопроteid гранулалари ва кейинчалик каналчалар системаси досил булиб, улар узаро борланадилар. Мембрана билан борлиги булган рибосомалар эркин рибосомага нисбатан радиоактив аминокислоталарни купрок қабул қилади. Ядрога, ядрочада жойлашган рибонуклеопроteid доначалари уз физик-кимёвий хоссалари билан цитоплазматик рибосомалардан фарқ қилади. Улар ядро оксиди синтезида иштирок этади.

Рибосомалар тенг миқдорда РНК ва оксиддан иборат. Рибосома таркибига ноактив рибонуклеаза, латент дезоксирибонуклеаза, лецинамино-пептидаза, галактозидаза ва бошқа ферментлар киради. Рибосомаларда магний ва кальций булади. Айвон, усимлик зужайраларидан ва микроорганизмлардан ажратиб олинган рибосомалар химиявий таркиби молекуляр орирлиги ҳамда седиментация константаси билан бир-бирига якин. Рибосомалар оддий ва бир хил типдаги моддадан тузилганга ухшаса ҳам ҳақиқатда улар майда суббирликлардан иборат (17-расм, б). Масалан, седиментация константаси 70 S булган ичак таёқчаси рибосомалари 50 S ва 30 S лик 2 суббирликдан ташкил топган. Суббирликлар орасида ерик, куринади. Ҳар бир суббирлик битта юқори полимер рибосомал РНК молекуласини узида тутати, лекин улар ажралган ҳолда радиоактив аминокислоталарни қабул қила олмайди.

**Рибосоманинг функцияси.** Рибосомаларда ядродан информация РНК (и-РНК) орқали берилган генетик ахборотга қараб актив аминокислоталар конденсацияси ҳамда уларнинг полипептид борга терилиб, оксиднинг синтези руй беради. Айрим оксидлар синтези алоҳида ажратиб олинган рибосомаларда ҳам топилган. Матрица ролини и-РНК бажариб, у рибосомаларга утади. Рибосома юзасида транспорт РНК (т-РНК) ва аминокислоталар комплекси билан и-РНК нинг комплементар нуклеотидлари узаро таъсир қилади.

Баъзи бир олимларнинг фикрига кура оксид синтези якка рибосомаларда бормасдан, уларнинг бир тудасида — *полирибосома* ёки *полисомаларда* боради. Полисомалар 5—70 та рибосомалардан иборат булиб, улар узаро диаметри 1—1,5 нм келадиган нозик ипчалар билан бирлашади ва бир-биридан 5—15 нм масофада ётади. Рибосома полипептид занжирни ҳосил қилиб оксидни узидан ажратади ва и-РНК борламидан тушиб қолади.

Купчилик муаллифлар замонавий далилларга асосланиб рибосомалар ядрога, ядрочада синтез булиб, РНП доначалари ҳолида цитоплазмага утишини қайд қиладилар.

**Пластинкасимон комплекс.** (Гольжи комплекси ёки Гольжи аппарати) 1898 йилда Камилло Гольжи кумуш тузи билан буяш усулини ишлатиб, нерв зужайраларида турсимон тузилмани курди (18-расм, а). Бу тузилмани у ички турсимон аппарат номин билан атади.

Гольжий комплексий тйрик Хужайрада урганий! қийин. Ҳанкй Гольжи комплексининг нур синдириш курсаткичи цитоплазмани-кига ЯҚИН туради. Шу туфайли узок, йиллар давомида бир-бирига зид булган илмий ишлар пайдо булиб, уларнинг купчилиги ҳозирги вақтда деярли эскириб қолди.

Электрон микроскопии куллаш Гольжи пластинкасимон комплексининг тузилиши туррисида аниқроқ тушунча ҳосил қилди. Гольжи комплекси асосан хужайра ичидаги мембраналардан иборат булиб, цитоплазматик вакуолалар системасини дифференциаллашган қисмидир. Гольжи комплексининг тузилиши узгарувчан. Биринчи марта ядро атрофида ётувчи мураккаб тур сифатида таърифланган бу тузилма баъзан ядро атрофида ётувчи тасма ёки ядро устида ётувчи қалпоқча ҳолида куринади. Ҳамма ҳолларда ҳам Гольжи комплекси турсимон тузилмадир. Гольжи комплексининг бундай жойлашиши ва тузилиши органелланинг бирдан-бир ва типик белгиси деб зисобланади. Кейинги йилларда Гольжи комплексини юқорида қайд қилинган жойлашишидан ташқари, дойра, уроксимон ва таёқчасимон (диктиосомалар ёки Гольжи таначалари) шаклида жойлашиши аниқланган. Гольжи комплексининг шакли турли зужайраларда фарқланишдан ташқари, бир зужайранинг функционал ҳолатига қараб зам узгариб туради. Турсимон структура катталаниши ёки кичикланиши мумкин. Электрон микроскопик тадқиқотлар Гольжи комплекси уч хил қимдан ташкил топганлигини курсатди (18-расм, б).

1. Ясен цистерналар системаси — силлиқ мембраналар (ламелла) билан чегараланган. Ясен цистерналар купинча 5—8 та булиб, бир-

бирига якин ётади.

Цистернанинг сони, узунлиги ва уларнинг узаро масофаси турли ҳужайраларда бир-биридан фарқ қилади. Яқин цистерналар орасидаги масофа 14—15 нм дан кўп эмас. Ҳар бир цистерна ичидаги буғлиқ эса 9—25 нм ва ундан кўпдир. Мембраналарнинг қалинлиги 7—8 нм.

2. Майда микропуфакчалар — цистерналар охирида жойлашади. Микропуфакчаларнинг диаметри 30—50 нм дан катта эмас.

3. Йирик вакуолалар. Булар ҳам цистерналар ва микропуфакчалар сингари мембраналар билан уралган. Вакуолалар катта-лиги 0,2—0,8 мкм ва кўпинча улар ясен цистерна боғламларининг урта қисмида ётади.

Гольжи комплекси мембраналари ҳам бошқа органеллалар ва ҳужайра мембраналари сингари 3 қаватли тузилишга эга бўлган оддий биологик мембранадан иборат. Гольжи комплексининг ҳар хил қисмлари узаро боғлиқ бўлиб, бир-биридан ҳосил бўлиши мумкин. Масалан, йирик вакуолалар цистерналарнинг кенгайма-ларидан ҳосил бўлган.

Умurtқали ҳайвонларнинг турли ҳужайраларида Гольжи комплекси бир хил таравдий этмайди. Гольжи комплекси кўпинча ишламаётган дифференциаллашмаган ҳужайраларда кучсиз ривожланган. Гольжи комплексининг айрим қисмлари асцит усимта ҳужайраларида редукцияга учрайди. Гольжи комплекси ҳужайра-нинг функционал



ҳолатига қараб ўзгаришга учраб туради.

18-расм. Гольжи комплекси. А - ганглиоз нерв ҳужайралари. Гольжи усули бўлап оуялган. Об. 40, оқ 10. Б — Гольжи комплексининг электрон микрофотограммаси. Х30.000.

1—ци, о., ш. г. г. д. м. н. Пш. ж. т. комплекси; 2—ядро; 3—Гольжи комплексининг мембранаси; 4—нлм-олалир; 5—пуфакча; 0—Гольжи комплекси пластинкаларини.

Гольжи комплексининг жойлашиши ҳар хил ҳужайраларда ўзига хос бўлади. У ядро атрофида ёки ҳужайра маркази атрофида жойлашади. Кўблича дифференциалланган эпителий ҳужайраларида Гольжи комплекси ядро устида, баъзан эса базал қисмда ётади.

Гольжи комплексининг дифференциал центрифугалаш орқали ажратиб олиш қийин бўлганлиги учун унинг биохимиявий



таркиби яхши урганшшаган. Умуртцали ^айвонлар Гольжи комплексида куп миқдорда ёғ, липопротеид, фосфолипид, РНК ва аргинин бор. Гольжи комплексида тиамин пирофосфатазининг юкори активлиги мавжуд. Ундан ташқари, кислотали ва ишқорий фосфатаза, нук-леотидфосфатаза ферментларн борлиги аниқланган.



Кунпша тадқиқотлар натижасида Гольжи комплекси фаолиятининг секрециясига раёни билан борликлиги аниқланган. Классик цитхэлогня усулларп билан текширилганда секрет гранулалари .-Гольжи комплекси зонасида жойлашиши маълум булди (Д. Н. Насонов ва бошқалар). Секретор гранулаларнинг Гольжи комплекси билан борлик/тги цадахсимон х,ужайраларда, меъда ости безининг ацинар хужайраларида ва шиллиқ ишловчи х,ужай-раларда яқдол тасдиқланган. ^ужайрадаги бирламчи секрет мах-сулоти биринчи галда Гольжи комплексининг цистерна ва микропуфакчаларига, сунг эса вакуолаларга утади. Гольжи комплексининг вакуолалари хужайра юзасига қараб ҳаракат цилади ва вакуола пардаси х,ужайра мембранаси билан бирлашиб, секрет таш-^арига цуйилади. Меъда ости безининг ацинар хужайралари пиллокарпин ёки овқат бериш йули билан стимуллаштирилганда Гольжи комплексининг вакуоляр компонентлари ва зимоген гра-нулалари х,осил булиши тезлашади.

Энамелобластларда Гольжи комплекси хужайранинг апикал қисмида жойлашади. Эмал секрецияси даврига келиб Гольжи комплекси хужайрани базал қисмига утади.. Охирги вақтларда Гольжи комплексини глюкопротеидлар синтезида иштирок этиши туррисида маълумотлар бор. Глюкопротеидлар ҳосил булишида қатнашадиган глюкоза  $H^2$  Гольжи комплексига йигилади (19-расм, а), Рибосомаларда синтез булган оксил ҳам шу ерга келиб карбон-сувлар билан қушилади ва глюкопротеид ҳосил булади. }^ужайра оралик моддаси >^осил булганда, коллаген оцили цитоплазматик турда, мукополисахаридлар эса Гольжи комплексида ишлаб чиқа-рилади. Шундай қилиб, Гольжи комплексида оцсил махсулотлари йирилишидан ташқари секретнинг карбонсув компонентлари (полисахаридлар, мукополисахаридлар) синтезланади.

Гольжи-комплексининг ёр с у р и л и ш и д а иштироки туррисида ҳам далиллар бор. }^айвонга ёр берилгандан сунг 40—75 мин.. утгач-купгина майда липоид томчилари ичак призматик эпите-лийси Гольжи комплексининг кенгайган цистерналарида ва вакуо-лаларида йигилади (19-расм, б). Шундай ҚИЛИБ, бу органелла ёр сурилишида ҳам иштирок этади.

**Лизосомалар.** Дифференциал центрифугалаш методи билан митохондрия ва микросомалар орасида ало^ида злррачалар ва уларнинг тупламлари тафовут цилинади. Бу заррачалар — белгиялик биохимик Де Дюв томонидан очилган булиб, лизосома (юнонча  $ly\$15$  — эритиш,  $50\mu$  — тана) деб аталади. Улар кислотали шароитда таъсир этувчи гидролитик ферментларга бой. Лизосомалар сут эмизувчиларда, к,ушлар, амфибийларда ва бош-^а хайвон ва одам организми хужайраларида топилган.

Электрон микроскоп остида заррачалар катталиги уртача— .0,4 мкм булиб, думалоқ шаклга эга. Бу таначалар бир контурли, цалинлиги 8 нм келадиган қобиц билан уралган. Лизосомалар моддаси турли хил табиатли булиб, купинча қорамтир куринишга эга. Лизосомалар цобици бузилганда гидролитик ферментлар ажралади. Лизосомаларда ҳозирги давргача 40 дан ортик фермент (кислотали фосфатаза, кислотали рибонуклеаза, арильсулфа-таза, бета-глюкуронидаза, бета-галактозидаза, катепсин ва бош-Қалар) ани^ланган. Лекин лизосомаларда липидларни (хусусан, фосфолипидни) эритувчи ферментлар булмайди. Шунинг учун



19-расм, А. Н<sup>3</sup> глюкозанинг қадагсимион ҳужайра Гольжи комплекси соз<sup>а</sup>сида на секретор доначаларда жонлашиши. Электрон микроскопик автографияХЮ.ООО.


1 — Гольжи комплекси; 2 — секретер доначалар; 3 — НЗ — глюкоза (треклар).

19-расм, Б. Гольжи комплексининг липиднинг транспорт қилинувчи шакларини (хиломикронни) <sup>а</sup>осил <sup>а</sup>илишда иштироки. Оч ичак ворсинка призматик <sup>а</sup>ужан-

раси- Электрон микрофотограммах20.000. 1 — Гольжи комплекси; 2 — липид доначалар; 3 — хиломикрон; 4 — митохондрия,

лйзбсомаларда парчаланган моддалардан (фосфолипидлардан) ташкил топган миелинсимон структура қ,олади:

Лизосомаларнинг асосий физиологич фаолияти унинг ҳужайра ичида моддаларни ҳазм қилишдаги ролидир. Бу хулоса фагоцитоз қилувчи ҳужайраларда Лизосомаларнинг куп бўлиши билан тасдиқланади. Бирламчи ва иккиламчи лизосомалар фарқланади. Бирламчи лизосомаларга Гольжи комплекси атрофида жойлашув-чи ва кислотали гидролазаларга мул майда везикулалар (йирувчи гранула) киради. Иккиламчи лизосомаларга фагоцитоз ва пиноцитоз жараёнида ҳужайрага тушган моддаларнинг бирламчи лизосомалар билан бирлашуви натижасида ҳрсил булувчи гетеро-ф а к {ҳазм) в а к у о л а л а р мисол була олади (20-расм).




20-расм. Лизосомалар. Хужайра ичида модда парчаланишининг электрон микроскопии схемаси.

1 — цитоплазматик т-р; 2 — йирувчи гранула; 3 — аутофагия цитовчи вакуола; 4 — эндотоз; 5 — фагосома; 6 — лизосома; 7 — хазм килувчи вакуола; 8 — колдик танача; 9 — чимриш. (И. В. Алмазов ва Л. С. Сутуловдан).

Иккиламчи лизосомаларга яна цитоллизомалар — аутофагоцитоз вакуола, яъни хужайранинг узининг улаётган компонентларини емирувчи вакуола киради. Цитоллизомалар одам ва айвон хужайраларида топилган. Цитоллизомалар бир Цаватли мембрана билан уралган булиб, ичида емирилаётган митохондрия, рибосома, цитоплазматик тур компонентларини куриш мумкии (21-расм). Бу вакуола ксилотали фосфатазани куп микдорда сақлайди.

Гидролитик парчаланиш тугагач, колдик таначалар хосил бўлиб, уларда бутунлай парчаланмаган, фагоцитоз цилинган материал булади. Лизосомаларнинг хосил бўлиши Гольжи комплекси билан борлик. Бирламчи лизосомалар майда пуфакчалар ёки зич танаяар шаклида Гольжи цистерналари атрофида жой-лашади. Ксилотали фосфатазанинг Гольжи комплексида бўлиши, Лизосомаларнинг хосил бўлишида Гольжи комплексининг роли борлигини курсатади. Лизосома ферментлари эса цитоплазматик турда синтез булади. Лизосомалар такомиленинг бошқа манбаи плазматик мембрана ҳисобланади. Бу мембранадан пиноцитоз ва хазм вакуолалари хосил булади. Ана шу вакуола бирламчи лизосомалар билан бирлашади. Бу ҳолатни хужайрага ҳар хил ёт моддалар — хрен пероксидазаси,



коллоид олтин 0а бошқа мод-

21-раем. Жигар хужайрасидаги лизосомалар. Электрон микрофотограмма.

X 60-000.

1 — цитоллизом; 2 — с'мирилаётган колдик танача; 3 — гиалоплазма; 4 — митохондрия; 5 — митохондрия.


далар кнрнтилнб текширилган экспериментларда куриш мумкин.

Дар хил патологиии жараёнларда лизосома ферментлари синтезининг бузилиши, бирламчи лизосомалар ривожланишининг кучайиши ёки сусайиши, улар мембранасининг эриши ва гидролазаларнинг цитоплазмага чиқиши кузатилади.

**Пероксисома (микротанача).** Пероксисомалар бир қаватли мембрана билан уралган структуралар булиб, кагталиги 0,3 — 1,5 мкм дир. Структура марказида нуклеоид жойлашган. Бу нук-леоид бактериядаги нуклеоидга ва умуман ядро структураларига ало<sup>а</sup>дор эмас. Пероксисомаларда, хусусан, жигар хужайраси пероксисомаларида нуклеоид соҳасида кристаллсимон структура-лар булади. Бу структуралар фибрилла ва найчалардан ташкил топган булиб, уратоксидаза ферментини сацлайди.'

Пероксисомалар амёбада, тетрахименада, тубан замбурурларда (ачиткида), усимликларнинг баъзи бир. эмбриопал туқималар-рда (эндоспермда), умуртқали <sup>а</sup>йвонларда эса асосан жигар ва буйрагида топилган. Каламуш жигарининг <sup>а</sup>р бир хужайрасн-да тахминан 70—100 пероксисома бор (22-расм).

Пероксисомалар цитоплазматик тур мембраналари билан ЯҚИН



алоҳада булади. Э<sup>а</sup>тимол, цитоплазматик тур кенгаймалари

22-расм. Суяк кумиги макрофаг <sup>а</sup>ужайраси цитоплазмасидаги пероксисомалар.

Электрон микрофотограмма. X12.500 1 — перокспсомалардаги пероксидаза; 2 — митохондрия.

ссаслда пероксисомалар ҳоснл булади. Усимлик хужайраларида бу органелла купинча митохондрия ва пластидаларга яқин ётади.

Дастлаб, пероксисомалар жнгар ва буйрак <sup>а</sup>ужайраларидан ажратиб олннган. Пероксисомалар фракциясида водород перок-сиди метаболизми билан борлиқ ферментлар аниқланган. Булар (оксидаза, урат-оксидаза, й-аминокислота оксидазаси) ёрдамида  $H_2O_2$  ва уни парчалайдиган каталаза <sup>а</sup>осил буладн. Жигар перокси-сомалари о<sup>а</sup>силининг 40% каталазадан иборат.  $H_2O_2$  за<sup>а</sup>рли модда булгани учун каталаза му<sup>а</sup>им з<sup>а</sup>имоя функциясини утайди.

**Микронайчалар** электрон микроскоп остида глютаральдегид билан фиксация цилинган кесмаларда шу асрнинг бО-йлларида то-пилган. Микронайчалар асосан оқсилдан ташкил топган булиб, мембрана тузилишига эга эмас.

Микронайчалар аниқ тузилишга эга булгани учун уларни эд'жайранинг бошқа компонентларидан ажратиш осон. У эукарио-тик <sup>а</sup>ужайраларнинг <sup>а</sup>аммасида булиб, бактериялар ва бошқа прокариотик <sup>а</sup>ужайраларда учрамайди. Микронайчалар цито-плазманинг муваедат тузилмаларини (булиниш дукини) з<sup>а</sup>осил цилишн мумкин.

Микронайчалар — центриола, базал танача, хивчий ва кпп-рикчаларнинг асосий структур бирлиги ^исобланади. Микронайча турри, шохланмайдиган, ичи буш цилиндрдир (23-расм), Унинг



3-расм. Ингичка ичак призматик з^ужайраси цитоплазмасидаги микронам

Электрон микрофотограмма. X87.500

Хамма хужайралар маълум муддатда яшайди. Масалан, эритроцитлар 120 кунгача, эпидермис хужайралари 4—10 кун ва ҳоказо. Нерв ва мушак туцимаси хужайралари организмнинг бутун хаёти давомида янгиланмайди, деган фикрлар ам бор. Хужайра улиш вацтида хужайра ядроси пикнозга (ядро зичлашиши ва донаторликни йукотиб кичрайиши), кариорексисга (ядронинг майда доначаларга булиниб кетиши), кариолизисга (ядронинг эриб кетиши) учраши мумкин.

Ядродаги узгаришлар окибатида (бирга) цитоплазмада ҳам цайтариб булмас узгаришлар юз бериб, бунинг натижасида хужайра з<sup>а</sup>алок булади.

## АУЖАЙРА НАЗАРИЯСИ

XIX аср бошларида кенг куламда олиб борилган микроскопик тад<sup>а</sup>ицотлар натижасида усимлик ва айвон организмлари хужайравий тузилишга эга эканлиги аниқланди. Хужайра тузи-лишини

урганишга Я. Пуркинъе, И. Мюллер мактаблари катта <sup>^</sup>исса қ)шдилар. Я- Пуркинъе физиология ва фармакологи» со.<sup>^</sup>асида йирик мутахассис бўлса <sup>^</sup>ам, <sup>^</sup>айвон ва усимлик <sup>^</sup>ужай-раларини урганиши ва таърифлаб бериши унинг номини кейинги авлодларга танитди. Унинг у<sup>^</sup>У<sup>вчилар</sup>Р<sup>Д</sup>ан булгак Г. В а л е н т и н <sup>^</sup>ужайра назариясини очишга жуда <sup>^</sup>ам яқин келди. Берлишк ботаник Ф, М е и е н ва Йене, сунгра Дерпг университетларида ишлаган М. Ш л е й д е н <sup>^</sup>ам <sup>^</sup>ужайра наза-риясининг очилишига асос солувчилардан <sup>^</sup>исобланади. Аммо <sup>^</sup>ужайра назариясини очиш И. Мюллер укувчиларидан булган Т. Ш в а н н г а муяссар булди.

Берлиндаги Иоганнес Мюллер мактаби энг кучли мактаблардан булиб, Мюллер атрофига уз замонасининг кучли та-дқиҚотчй-лари йигилган эди. Булар орасида дужайра назариясини яратув-чи Т. Шванн, йирик анатом Я. Генле, йирик эмбриолог ва нерв системаси буйича мутахассис Р. Р е м а к, гистология фанига асос солувчилардан А. К ё л л и к е р, йирик физиолог Э. Д ю б у а - Р е й м о н, патолог Р. В и р х о в ва бошқа йирик мутахассислар-бор эди.

1839 йилда немис зоологи Т. Шваннинг «<sup>^</sup>айвон ва усимлик-ларнинг усиши ва тузилишининг мутаносиблигига дойр микрос-копик тадқиқот» китоби босмадан чиқди. Бу китобда хужайра назариясининг асосларини, туцималарнинг хужайра-лардан ташкил топганлигини, хужайралар умумий ривожланиш принципига эга эканлигини, х а р б и р >;ужайра мустақил ривожланиши мумкинли-гини курсатиб берди. Аммо Шванн таъкидлашича, х у ж а и р а организмдан ажралган ҳолдаяд! ай олмайди.

Хужайра назарияси биология фанида энг буюк кашфиётлардан ҳисобланади. «Бу кашфиёт, — деб ёзган эди Ф. Э н г е л ь с узининг «*Людвиг Фейербах ва немис классик философиясининг охири*» деган асарида, — барча мураккаб организмларнинг бнтта умумий крнунга биноан ривожланиши ва усишига.ишонтириш билан бирга, хужайраларнинг узгаришга қобил эканликларини курсатиб, организмларнинг тур жиҳатидан узгаришига олиб борадиган йулни ҳам курсатиб берди, бу узгаришлар шундай узгаришлардирки, уларнинг натижасида организмлар индивидуал ривожланишига қараганда хийла ю<sup>^</sup>орироқ даражада турадиган ривожланиш процессини кечира оладилар» .

Х<sup>^</sup>ужайра назариясининг ривожланишида 1858 йилда чоп этилган немис патолог Г. Вирховнинг «*Целлюляр патология*»си кат-та урин тутади. Р. Вирховгача касалликларнинг келиб чиқиши суоцликлар таркибий цисмининг узгариши билан боғланар эди. Р. Вирхов патологii жараёни тушунтиришга материалистик ён-дошди, касалликларни хужайралар тузилишининг узгариши билан таърифлади. Бу тадқиқот янги таълимот — «хужайра патология-си» нинг келиб чиқишига асос булди. Хужайра патологияси наза-рий ва клиник медицинанинг негизини ташкил этади. Р. Вирховнинг «*ужайра %ужайрадан*» деган ибораси биологиянинг кейин-ги ривожланишига туртки булди. Х,озирги вақтда хужайралар бор <sup>^</sup>ужайранинг булиниши натижасида ҳосил булади, деган хулоса биологиянинг асосий хулосаларидан бири ҳисобланади. Р. Вирховнинг хужайрадан тақҳарида <sup>^</sup>аёт йуқ деган ибораси ҳозирга-ча уз цадрини йуцотмаган. Куп хужайрали ҳайвонларда хужайра булмаган структуралар бор. Аммо бу структуралар хужайралар ма<sup>^</sup>сулотиДир. <sup>^</sup>атто вируслар ҳам актив ҳаёт жараёнини ва бу-линишини бирор бир хужайрага киргандан сунг бошлайди. Аммо Р. Вирховнинг тушунчалари хатодан ҳоли эмас эди. У организм ; <sup>^</sup>хужайралар йигиндисидан иборат, деб ҳисоблади. Бу эса орга-низмдаги патологик жараён алоҳ,ида хужайралар йИРИНДИСИНИНГ ҳаёт жараёнининг бузилиши натижасида ҳосил булади, яъни патологик процесс ма<sup>^</sup>аллий (локал) процесс деган фикрга олиб ке-лади.

Рус физиологлари ва клиницистлари И. М. С е ч е н о в, И. П. Павлов, С. П. Б о т к и н бу гоёларга қарама-қарши улароқ организмнинг бир бутун эканлиги ҳақдаги фикрни асослаб берди-лар. Чунончи, И. М. Сеченов 1860 йили Р. Вирховнинг организм-ни муҳитдан, аъзоларини эса организмдан ажралган ҳолда урга-ниш керак, деган назариясини танқид қилди. Рус клиницистлари еа физиологлари уз тад<sup>^</sup>ицотларида организмнинг бир бутунлиги-ни унинг хужайралар уртасидаги узаро муносабати билан эмас, балки организмнинг нерв системаси орқали атроф му<sup>^</sup>ит билан буладиган алоқаси билан тушунтириб бердилар.

Умуман, Р. Вирховнинг «Целлюляр патология»си биология ва медицинанинг ривожланишида муҳим роль уйнади. Механистик хатолардан ҳоли ^илинган ва янги тадқиқотлар билан тулдирилган бу таълимот организмнинг хужайравий тузилиши туррисидаги фикрга асос булади.

Хужайра назарияси очилган даврдан бошлаб, хужайранинг элементар микроскопии тузилишини урганиш ривожлана бошлади. Утган аср охирларига келиб, хужайра органеллалари ва уларнинг вазифалари таърифланди. Бу билан цитология фанининг ривожланишига асос солинди.

## V БОБ УМУМИЙ

### ЭМБРИОЛОГИЯ АСОСЛАРИ

Эмбриология юнонча *εμβρυον* — ҳомила ва *λογος* таълимот демакдир. Аммо бу ном шу фаннинг мазмунини тула таърифлай олмайди. *Эмбриология* фани тухум ^ужайраларининг оталанишидан торғи б, тухум қуювчиларда ҳомиланинг тухум қобиридан чиққунча, тир и к турувчиларда эса ҳомиланинг турилгунча булган даврдаги ҳамма жараёнларни таърифлаб беради. Шунингдек, эмбриология фани пуштдан олдинги, яъни жинсий хужайраларнинг ривожланиши ҳамда ҳомила тугилганидан кейинги дастлабки даврни ҳам урганади. Чунки тараққиёти мутла^о тухум қобиғида ёки тугилгунча тугалланиб, сунгра ривожланмайдиган бирорта организм йук. Сут эмизувчиларда органларнинг тузилиши ва функцияси вояга етган организмнинг аъзолари ҳолатини тугилгандан сунг маълум вақт утгандан кейингина эгаллайди.

Эмбриология организмнинг нормал индивидуал тараққиёти ва патологик ^олатларда эмбрион ривожланишининг бузилиши сабабларини ва уларнинг олдини олиш йулларини урганади. Шунинг учун эмбриология организмларнинг индивидуал тараодиёти — *онтогенезнинг* бир қисми ^исобланади. Эмбриология ҳамма ^ужайрали организмлар ривожланишининг умумий қонуниятларидан тортиб, ало^ида тип, синф ва тур вакиллари учун характерли булган хусусий ривожланиш жараёнларини ҳам урганади. Шунинг учун ҳам эмбриология фани индивидуал ривожланишнинг кенг масалаларини урганувчи умумий ва айрим гурппа ҳайвонлар тараққиётини текширувчи хусусий эмбриологияга були«а-ди. Хусусий эмбриологиянинг муҳим булимларидан бири *одам эмбриологиясидир*.

Эмбрионал тараадиётни урганиш усуллари турличадир. Оддий ва қадимий усул булган тасвирий эмбриология пушт тараққиётининг қандай утганини таърифлаб беради. Турли хил ҳайвонлар тараққиёти жараёнини қиёслаб урганувчи таълимот қиёсий эмбриологиядир. А. О. Ковалевский, И. И. Мечников, Э.Геккель ва бошқаларнинг изланишлари натижасида қиёсий эмбриология эволюцион мазмунга эга булди. Эволюцион назарияни асослашда муҳим роль уйнаган эволюцион эмбриология дастлаб қиёсий-

04

тасвирий эмбриологиядан келиб чиқди. Кейинчалик тажриба *усу-ля* эмбриологиянинг асосий усули булиб қолди.

Қ. Ф. Вольф, Х. И. Пандер ва Қ. М. Бэр замонавий эмбриологиянинг асосларидан ҳисобланади. Дарвиннинг эволюцион тарихоти эмбриология масалаларига материалистик ёндошиш учун замин яратди. Рус олимларидан И. И. Мечников (1845—1916) вэ А. О. Ковалевский (1840—1901) Дарвиннинг эволюцион назарияси билан қуролланиб эмбриологияга қупгина янгиликлар киритдилар. Улар умуртқасиз ва содда умуртқали ҳайвонларни урга-ниб, турли синф ҳайвонлар эмбрионал такомил давомида ухшаш даврларни бошдан кечиришларини (масалан, эмбрионал варак-лар) қурсатиб бердилар. Бу билан ^айвонот дунёсининг бирлиги яна бир бор тасдиқланди. И. И. Мечников ва А. О. Ковалевскийнинг бу тадқиқотлари эволюцион гистология ва эмбриологияга асос булди. ^айвон организми индивидуал тараққиётининг ^амма жараёнларини 3 даврга булиш мумкин.

1. Тараедиётнинг ^омиладан олдинги даври — бу жинсий ,%у-жайраларнинг ривожланиши ва етилишини уз ичига олади.

2. Оталаниш жараёнидан бошлаб тугилгунча давом этадиган ^омиланинг ривожланиш даври.

3. Таравдиётнинг ^омиладан кейинги даври — турилгандан то жинсий балоратга етгунча булган узгаришлар даври.


^омиладан аввалги давр, юқорида айтганимиздек, жинсий ^у-жайраларнинг тараққиёти ва етилишини уз ичига олади.

## ЖИНСИЙ ХУЖАЙРАЛАР (ГАМЕТАЛАР)

Жинсий ^ужайраларнинг ёки гамета­ларнинг 2 хил тури тафовут этилади — эркаклар ва аёллар жинсий хужайралари. Улар бир-бирларидан ҳам морфологик, ^ам физиологик хусусиятлари билан фарқ циладилар.

### ЭРКАКЛАР ЖИНСИЙ ^УЖАЙРАСИ - СПЕРМАТОЗОИДНИНГ ТУЗИЛИШИ

Сперматозоиднинг *бошчаси, буйни, тана цисми* ва *думчаси* тафовут қилинади (39-расм). Сперматозоиднинг бошчаси унча катта булмаган зич ядро ва цитоплазманинг юпқа цаватидан ташкил топган. Бошчанинг олдинги ярмида рилофча (*акробласт*) жойлашиб, унинг ичида бевосита бошчанинг олдинги учида *акросома* (юнонча асгоп — устки, зота — танача) зич танача шаклида ётади. (40-расм). Акросома уругланиш учун зарур тузилма булиб, у узида куп миадорда тухум хужайра цобирини емирадиган *гиа-луронидаза* ферментини сацлайди. Электрон микроскоп остида бошча мембранасининг ^амма ташки томони Сперматозоиднинг шу кismi учун механик муста^камлик бериб турувчи жуда ҳам нозик фибриллалардан иборат эканлигини курамиз. Сперматозоиднинг б)йин кismiда, ядронинг орқа кутби со^асида *проксимал* центриола жойлашиб, типик цилиндрсимон шаклга эга. Урурла-ниш вақтида проксимал центриола тухум хужайрага утади ва




39-расм. Эркак жинсий ^ужайралари — сперматозоидлар. Сперма сукиушгининг суртмаси. Об. 40, оқ 10.

1 — бошча; 2 — дум кismi.

урурланган тухум хужайранинг ёки зиготанинг булинишида ишти-рок этади. Ядродан бирмунча узокда булган *дистал* центриола икки булакдан иборат. Унинг таёқчасимон куринишга эга булган биринчи ярми буйин чегарасини хосил қилади ва ундан сперматозоиднинг танаси орцали думчасига утувчи ук ип бошланади. Дистал центриоланинг халқасимон шаклга эга булган иккинчи була-ги эса тана охирида жойлашади. Шундай цнлиб, сперматозоид-нинг танаси дистал центриоланинг таёқчасимон ва ^ал^асимон бу-лаклари орасида жойлашган тузилмалардан иборат. Бу ерда аксиал ёки ук

ип атрофида спирал ҳолатда митохондриялар жойлашади. Сперматозоиднинг тана қисмида оксидланиш фермент-ларининг юқори активлиги аниқланган. Бу қисмда гликоген, фос-фатлар, шунингдек, куп миқдорда АТФ сақланади. АТФнинг бу-лиши ҳа митохондрияларнинг куплиги тана қисмининг сперматозоидни энергия билан таъминлаб туришидан далолат беради.

Сперматозоиднинг думчаси асос ва охири булақларга булинади. Думчанинг асоси фацатгина уқ иплардан ва уни ураб турув-чи аденозинтрифосфатаза (АТФ-аза) ферментини тузувчи цитоплазмадан иборат. Бу фермент митохондрияларда синтезланган АТФ ни парчалайди ва шу йул билан энергия ажралишини таъминлайди. Цитоплазмада уқ ип атрофида спиралсимон куриниш-да нозик иплар жойлашиб, уларни *кортикал спирал* деб номла-шади. Уқ ип киприкчаларнинг уқ ичига ухшаш булиб, классик тузилишга эга. У гомоген матриксда жойлашган, 10 жуфт микро-



40-расм. Сперматозоид тузилиши. Электрон микрофотограмма. 33—19. Урта қисмининг кундаланг кесмаси.х54.000. 33—20. Тана қисмининг турли со^аларидан кундаланг кесмалар. Х40.000 33—21. Дум қисмининг кундаланг кесмаси. Х36.000-33—22. Бошчанинг олд қисмининг буйлама кесмаси.Х35.000. 33—23. Бошча, буйин ва тананинг олд қисмининг буйлама кесмаси. Х25.500 33—24. Тана ҚИСМИНИНГ буйлама кесмаси. Х 32.000. 33—25. Тананинг дум қисмига я^ин со^асининг буйлама кесмаси Х48.000.

1 — х.ужайра цобири; 2 — акросома; 3 — акросома калпончаси; 4 — субакросомал бушлиц; 5 — ядро; 6 — ядро қобиғи; 7 — ядронинг орқа қисми; 8 — узгарган проксимал центриола; 9 — дистал центриола; 10 — марказий микронайчалар; 11 — периферик микронайчалар; 12 — ташқи зич фибриллар; 13 — буйлама уқ; 14 — тоғали пластинканинг чети; 15 — митохондриялар (Родиндан).

найчадан иборат булган тутамдир. Бунда 9 жуфт микронайчалар уқ ипнинг перифериясида ётса, 1 жуфти марказда жойлашади. Думчанинг охири булими секин-аста турри жойланишини йуқо-

тиб борувчи жуда ингичка ук ипчадан ташкил топган, Охирги булимнинг ук ипи ташци томондан фацатгина плазмалемма билан уралган. Урурланиш жараёнида сперматозоидлар 3 асосий вазифани бажаради: 1) булгуси организмга оталик генларини узатади; 2) узининг махсус ҳаракат аппарати ёрдамида тухум хужайраси билан туцнашишни таъминлайди ва таркибидаги гиалуронидаза ферменти ёрдамида тухум хужайрага сперматозоиднинг бошчаси ва буйин қисмининг киришини енгиллаштиради; 3) тухум хужайрага урурланган тухум хужайранинг булиниши учун зарур булган центрсомани олиб киради.

Турли ҳайвонларнинг сперматозоидлари бир-биридан катталиги ва асосан бошчасининг тузилиши билан фарқ цилади. Одам сперматозоидининг узунлиги 60 мкм га тенг.

Сперматозоиднинг силжиши унинг дум ҳаракати билан бажарилади. Одам сперматозоиди минутига 1—2 мм тезлик билан ҳаракат цилади. Бачадон буйнидан то тухум йулининг охиригача булган оралиқни сперматозоид тахминан 3 соат мобанида босиб утади. Сперматозоид яшашга ута чидамлилиги билан ажралиб туради. Урурдонда ва унинг ортирида улар ойлаб тирик саъланади, мурдада эса улар узининг ҳаракатчанлигини 2—3 кунгача саълаб олади. Танадан ташарида, яъни термостатда урурлантиришга цобилиятли ҳолатда бир ҳафтадан ортх сацлаш мумкин. Уларнинг узоқ муддат яшаши муҳитнинг рНига, температурага, урур суюцлигидаги сперматозоидларнинг концентрациясига ва бошқа шу каби факторларга борлицидир.

#### АЕЛЛАР ЖИНСИИ ҲУЖАЙРАСИ - ТУХУМ ЦУЖАЙРАНИНГ ТУЗИЛИШИ


Тухум хужайра ҳамма хужайралар учун умумий белгилардан ташари, бир атор узига хос хусусиятларга эга булади. Буларга Ҳуйдагилар киради.

1. Янги организмнинг тараъиёти учун зарур булган озица моддаларнинг куп ёки кам миқдорда булиши.

2. Цитоплазма (тухум хужайрада ооплазма) нинг периферии !исмида юзаки ёки кортикал (сoгЧех — пуст) каватни ва тухум хужайрани коплаб турувчи ва уни таиҳи муҳит зарарли таъсиротларидан ҳимоя қилувчи узига хос қобикларнинг булиши.

3. Ҳужайранинг кутбли тузилганлиги, яъни ҳар хил тузилишдаги кутбларнинг мавжудлиги.

Тухум хужайра купинча думалоц шаклга эга (41-расм). Унинг катталиги цитоплазмадаги озица модда — сариқликнинг миқдори га борлиқ. Ҳужайранинг ядроси анчагина катта булиб, эксцентриқ жойлашади ва марказида катта ядроча тутати. Етилган тухум хужайрада электрон микроскоп остида кучсиз ривожланган цитоплазматик тур, эркин рибосомалар, цитоплазмада тенг тарцалган митохондриялар борлиги аниланган.



41-раем. Сут эмизувчиларнинг етилган, тухум Ҳужайраси. Гематоксилин-эозин

билан бўялган. Об. 40, ок- 10.

1 — ядро; 2 — цитоплазма; 3 — ялтирок кават; 4 — фолликуляр аджайралардан );осил бул-ган «нурли тож». 5 — фолликула эпителийси.



42-расм. Етилган овоцит  $\wedge$ ужайрасининг бир  $\wedge$ исми. Электрон микрофотограмма. 1—дроча; 2—ядро; 3—кортикал таначалар; 4—овоцит юзаси; 5—ялтирок кават; 6—фолликуляр аджайраларнинг ядролари; 7—ялтирок кават оркали ўтувчи нурли тож вд-жайралари ва овоцитнинг кичик усикчалари; 8—фолликуляр суюклик билан тулган фолликуляр бушлик (Родиндан).

Тухум ҳужайра такомилининг илк босқичларида Гольжи комплекси ядро атрофида жойлашади. Тухум ҳужайра етилган сари пластинкасимон. комплекс цитоплазманинг чекка қисмига сурилади. Цитоплазманинг шу қисмида кислотали мукополисахаридлар-га бой булган доначалар жойлашиб, улар *n/(стло%* (кортикал) цаватни ҳосил  $\wedge$ илади. Тухум ҳужайра урурлангандан сунг кортикал гранулалар $\wedge$ урурланиш қобирини ҳосил қилишга сарф булиши натижасида пустюк, к ават йуқолади.

Турли з $\wedge$ айвон тухум з $\wedge$ ужайралари цитоплазмасида сархлик булиб, унинг миқдори турлича. Уларнинг жойлашиши ва миқдори эмбрионал ривожланиш йулларини белгилайди. Сариклик цитоплазмадаги ҳар хил озица моддалардан ташкил топган киритмалардир. Таркибига кура сариқлик — углеводли, ёрли ва оксилли булиши мумкин. О $\wedge$ силли сариклик айни $\wedge$ са катта аҳа-миятга эга, чунки унинг миқдориға қараб тухум ҳужайралар классификацияланади. Сариклик айрим ҳолларда тухумда куп миқдорда тупланувчи оксил доначаларидан ёки пластинкалари-дан ташкил топади.

Овоцит ташки тарафдан ҳужайра қобири билан уралган булиб, у куп миқдорда микроворсинкалар з $\wedge$ осил қилади. Сут эмизувчиларда тухум ҳужайранинг усиши тухумдонда, етилиши эса бачадон найларида кечади. Тухумдондаги овогоний з $\wedge$ ужайраларининг усиш даврида уларни ураб турган фолликуляр ҳужайралар купа-йиб куп цаватли булиб  $\wedge$ олади. Бу з $\wedge$ ужайралар фолликуляр суюц-ликни секреция қилиши натижасида фолликуляр з $\wedge$ ужайралар орасида бушлик  $\wedge$ осил булади (42-расм). Бу бушлик,нинг кенга-йиши давомида тухум з $\wedge$ ужайра бир  $\wedge$ ават фолликуляр з $\wedge$ ужайра-лар (нурли тож) билан уралган з $\wedge$ олатда к $\wedge$ олади.  $\wedge$ ужайралар ясси ёки кубсимон шаклга эга булиб, уларнинг узун усимталари тухум ҳужайра микроворсинкаларининг орасига кириб, озуқа моддаларнинг тухум з $\wedge$ ужайрага утишига шароит яратади. Тухум з $\wedge$ ужайра цобири ва фолликуляр ҳужайралар оралирида, шу ҳужайранинг маз $\wedge$ сулоти булган мукополисахаридларга бой ялтирок  $\wedge$ ават жойлашади. Сув з $\wedge$ айвонларида уни дирилдо $\wedge$  қобиц деб з $\wedge$ ам юригилади.


„Тухум  $\wedge$ ужайралар ози $\wedge$  моддасининг миқдори ва жойлашиши буйича классификацияси. Тухум з $\wedge$ ужайраларнинг классификация-си ооплазма таркибидаги сариклик миқдориға асосланган. Сариклик миқдори эса ҳомиланинг з $\wedge$ аёт шароитига боглик. Тухум ҳужайранинг,улчамлари ози $\wedge$  моддасининг миқдориға борлик, шу-нинг учун  $\wedge$ ;ам турли ҳайвонларда тухум ҳужайраларнинг катта-лиги турличадир. Масалан, таркибида кам озиқа модда тутувчи сут эмизувчиларнинг тухум ҳужайраси диаметри 100—150 мкм га



тенг. Товук, тухум хужайраси эса 3,5 см гача боради. Сарикликнинг цитоплазмада тарқалишига қараб тухум хужайраларда 2 та цутб фарк, цилади. Соф цитоплазма билан ядродан ташкил топган юкори ёки анимал кутб ва озға киритмаларини сақловчи пастки ёки вегетатив кутб. Кутбларга ажралиш сариқликка бой булган тухум хужайраларда, айниқса, яхши куринади. • Куйидаги тухум хужайралар тафовут килинади.

1. *Изолецитал тухум хужайра* — бу хужайра саршунгиккам ва нисбатан ҳамма ерига тенг тарчалган хужайрадир. Бундай тухум хужайралар ланцетникда, сут эмизувчиларда ва одамда уч-райди.

2. *Телолецитал тухум хужайра* — бу хужайра сариқликка бой булиб, уз навбатида 2 га булинади: а) сариқлик моддаси куп булиб, у асосан вегетатив кутбда жойлашган. Ооплазманинг долган қисмида саршунгик камрок; Амфибийларга хос булган бундай тухум хужайралар мезолецитал (урта телолецитал) тухум хужай-



43-расм. Тухум хужайра турлари (схема).

1 — ланцетник изолецитал тухум хужайраси; 2 — амфибийларнинг урта телолецитал тухум хужайраси; 3 — кушларнинг кескин телолецитал тухум хужайраси.

ралар деб аталади; б) саршунгик моддаси куп ва унинг ҳаммаси вегетатив кутбда жойлашган тухум хужайралар — полилецитал (кескин телолецитал) тухум хужайра деб аталади. Анимал кутб эса тор булиб, узида сариқлик тутмайдиган цитоплазма ва ядродан иборат (тухум хужайранинг бу кутби пуштни ҳосил қилишда иштирок этиб, уни пушт гардиши деб аталади). Бундай тухум хужайралар кушлар ва рептилийларга хосдир (43-расм).

## УРУРЛАНИШ

Хайвонларда ва одамларда эмбрионал таравдиётни 4 даврга булиб урганилади.

1. *Уругланиш* даври — зиготанинг ҳосил булиши билан тугайди.


2. *Майдаланиш* даври — бластула ёки ҳомила пуфагининг ҳосил булиши билан тугайди.

3. *Гаструляция* даври.

4. *Органогенез* ва *гистогенез*. Туқима ва органларни, шунингдек, ҳомила қобиклари ёки муваққат органларнинг ҳосил булиши.

Урурланиш эркак ва аёл жинсий хужайралари — гаметаларнинг қушилишидан иборат. Урурланиш 2 хил булади: ташқи ва ички. -Купчилик сув ҳайвонлари узларининг тухум ва урурларини сувга ташлайди ва жинсий гаметалар сувда қушилади. Гаметаларнинг бундай содда қушилиш усулига *ташқи уругланиш* дейилади. Жинсий гаметаларнинг урроchi ҳайвоннинг жинсий йулларида қушилишига *тки- урурланиш* дейилади. Тухум хужайранинг битта сперматозоид билан урутланишига моноспермия, куп сперматозоидлар билан уругланиши полиспермия дейилади.

Полиспермия телолецитал тухум хужайрали ҳайвонларда учрайди. Лекин полиспермия руй берган тақдирда ҳам тухум хужайра билан фақат битта сперматозоид қушилади, қолганлари эса телолецитал тухумнинг вегетатив кутбига утиб, сариқликнинг қайта сурилишида (резорбация) ва сариқлик эндотермасининг ҳосил булишида иштирок этадиган *мероцит* хужайраларига айланади.



44-расм. Уруланишнинг кетма-кет босқичларининг схематик тасвири.

1 — тухум хужайра цитоплазмаси; 2 — аёл пронуклеуси; 3 — эркак пронуклеуси; 4 — цент-риолалар (уҗайра маркази); 5 — синкарион.


Уруланиш жараёнида 2 та фаза фарқ этилади: 1) Уруланишнинг ташқи фазаси; 2) Уруланишнинг ички фазаси. Уруланишнинг ташқи фазаси сперматозоидларнинг тухум хужайрага интилиши ва тухум хужайрада қабул қилувчи думбоқчаларнинг ҳосил бўлиши билан ифодаланади. Эффектна (чаедон) сперматозоидларнинг биттаси бу думбоқчага етиб бориб, унга ёпишиб олади. Сперматозоид тухум хужайрага теккан заҳоти сперматозоид бошчасининг акросомасидаги гиалуронидаза ферменти таъсирида фолликуляр хужайралар орасидаги ва тухум хужайра қоби-ридаги мукополисахаридлар эриб кетади. Сперматозоид бошчаси, буйни ва танаси тухум хужайрага кириб, дум эса ташқарида қолади (44-расм). Сперматозоид тухум хужайрага киргач, корти-кал гранулалар боққа сперматозоидларнинг киришига тусқинлик этилувчи уруланиш қобигини ҳосил этилади. Полиспермияда эса сариклик пардаси билан тухум хужайра қобири оралида сариклик бўлири ҳосил бўлиб, бу ерда сариклик мембранасидан утган сперматозоидларнинг бир қисми ҳалок бўлади. Шу даврдан бошлаб уруланишнинг ички фазаси бошланади ва қуйидагилар билан характерланади. Хужайранинг ядросидан иборат бўлган сперматозоиднинг бошчаси цитоплазмага кирганидан сунг шишади ва тухум хужайранинг ядросига нисбатан  $180^\circ$  га бурилади. Натижа-да сперматозоиднинг центросомадан иборат бўлган буйни олдин-да бўлиб қолади ва тухум хужайранинг ядроси томон ҳаракатланади. Центросома атрофида ахроматин тури ҳосил бўлади. Тухум хужайранинг ядроси ҳам шишади ва сперматозоиднинг ядроси томон ҳаракатланади, икки ядро бирлашиб, зигота деб аталувчи урулланган тухум хужайра ҳосил бўлади. Шундай қилиб, уруланиш жараёнида сперматозоид тухум хужайрага ота организмнинг ирсий белгиларини сақловчи ядродан ташқари центросома ва митохондрияларни ҳам олиб киради. Шундан сунг эмбрионал тарандиётнинг иккинчи босқичи — майдаланиш бошланади.

## МАЙДАЛАНИШ

Майдаланиш оддий хужайра бўлинишидан шу билан фарқ қиладики, бу жараёнда хужайралар фақатгина бўлинади, лекин усмайди. Бунинг натижасида ҳажми жиҳатидан тухум хужайра зиготасининг ҳажмидан катта бўлмаган кўп хужайралардан ташкил топган, майдаланган шар ҳосил бўлади. Майдаланаётган хужайралар *бластомерлар* деб аталади (юнонча *blastos* — куртак, тегоз — булак). Майдаланиш майдаланиш эгatlари ҳосил бўлиши билан бошланади. Майдаланиш эгатининг 4 тури тафовут этилади: 1) меридионал эгат — зиготанинг меридионал ЧИЗИРИДЭН утади; 2) экваториал эгат — зиготанинг экватор ЧИЗИРИДЭН утади; 3) лонгитудинал эгат — зиготанинг экваторига параллел утади; 4) тангенциал эгат — тангенциал йуналишда утади.

Зиготанинг майдаланиш жараёни тухум хужайранинг цитоплазмасидаги озика микдорига борлиқ, негаки озиқа модданинг қуплиги майдаланишини қийинлаштиради ёки унга қаршилиқ қурсатади. Шунга қура умуртқали ҳайвонларда тухум хужайра майдаланишининг 2 тури фарқланади.

1. Голобластик ёки тулиқ майдаланиш, бунда тухумнинг ҳаммаси майдаланади ва майдаланиш эгати зўам ани-мал, зўам вегетатив цутблардан утади. Голобластик майдаланиш уз навбатида 2 турга бўлинади: а) *гʻлх текис майдаланиш* (45-расм, а). Бунда майдаланиш натижасида зўосил бўлаётган блас-



45-расм. Майдаланиш турлари. А — т<sup>г</sup>лик текис майдаланиш; Б — тулик нотекис майдаланиш; В — кчсман майдаланиш.

томерларнинг з<sup>г</sup>аммаси бир хил катталика эга булади. Бундай майдаланиш ланцетникнинг изолецитал тухумига хосдир; б) *тулик нотекис майдаланишида* (45-расм, в) тухум хужайранинг з<sup>г</sup>аммаси майдаланади. Лекин вегетатив кутбда сариқлик моддаси

103


куп булганлиги сабабли бу кутбдаги майдаланиш анимал кутбнинг майдаланишидан орқада қолади. Анимал кутб бластомерлар тезроқ булганлиги сабабли сариқликка бой булган вегетатив кутб бластомерларидан майдароқ булади. Бундай майдаланиш амфибияларда учрайдиган мезолецитал тухумларга хосдир.

Бундан ташқари, голобластик майдаланиш синхрон ва асинхрон булиши мумкин. Синхрон майдаланиш натижасида ҳосил булган бластомерлар сонининг усиши турри геометрик прогрессия усулида боради (2, 4, 8, 32, 64, 128). Бундай майдаланиш ланцетникларда кузатилади. Асинхрон майдаланишда эса бластомерлар сонининг турри геометрик прогресси буйича олиб бориши бузилади. Масалан, 3, 5, 6, 10 сонли бластомерлар ҳосил булади. Тулик асинхрон майдаланиш сут эмизувчилар ва одамнинг изолецитал тухум хужайраларида кузатилади.

2. *Меробластик ёки цисман майдаланиш*. Бу усулда тухум хужайранинг пушт гардишидан иборат анимал кутбигина майдаланишда иштирок этиб, буни диск оидал майдаланиш ҳам дейилади. Тухум хужайранинг озика моддадан иборат булган вегетатив кутби эса майдаланмайди.

Бу йул билан баликлар, қушлар ва рептилийларнинг полилецитал тухумлари майдаланади (45-расм, в).

Майдаланиш ҳомила пуфаги ёки *бластуланинг* ҳосил булиши билан тугайди. Ланцетникда ва амфибийларда кузатиладиган типик бластулаларда *бластодерма* деб аталувчи девори ва буш-лик — *бластоцел* фарқланади (46-расм, а). Бундан ташқари,



46-расм. Бластула турлари.

а - ланцетникнинг бир қаватли бластуласи; б - амфибийларнинг қ<sup>г</sup>п наватли бластуласи; в - скатнинг диск шаклидаги бластуласи; г - сут эмизувчиларнинг з<sup>г</sup>ч бластуласи - стеробластула.

бластуланинг томи, туби ва қиргоқ зоналари фарқланади. Ланцетникларда майдаланиш фақат уч хил эгатлар (меридионал, экваториал, лонгитудинал эгатлар) орқали утгани учун бластодерма бир қаватли булади. Амфибийларда майдаланиш жараёнида яна тангенциал эгат ҳам утганлиги учун бластодерма куп қаватли булади (46-расм, б). Нотекис майдаланиш натижасида

бластуланинг томи ва кирроқ зоналари майда, туби эса бластоцелга буртиб чикувчи сарикликка бой булган йирик blastomerлардан иборат.

Ланцетник ва амфибийларда белгилаш (маркировка) усулк билан бластула давридаёқ пушт вараклари ва органларнинг куртаклари борлиги аниқланган. Бластуланинг томи булажак эктодерма куртагидир. Бластула туби булажак эндотерма, кирроқ зоналари эса булажак хорда ва мезодерманинг куртагидир. Баликлар, цушлар ва рептилийларда меробластик майдаланиш натижасида фақат томи ва кирроқ зоналари фарқ цилинадига» blastomerлардан иборат *дискобластула* ҳосил булади (46-расм, в). Бластуланинг тубини эса майдаланмаган сариклик ташкил-этади. Бластула бушлири — blastocell кичик Бу ерда сариклик билан борлиқ булмаган марказий blastomerлар ва сарикликда ётувчи кирроқ blastomerлари фарқланади. Кирроқ blastomerларининг бир қисми сариклик энтодермасини ҳосил қилишда қолганлари эса ортикча сперматозоидлар каби мероцитларга ай-ланиб сарикликнинг резорбциясида иштирок этади.


Сут эмизувчиларда ва одамда майдаланишнинг бошидаёқ бир хил булмаган *оцили* ва *орамтир blastomerлар* ҳосил булади. (46-расм, г). Майдаланиш натижасида blastocell ҳосил булмай, балки зич бластула ёки *стерробластула* шаклланади. Унда трофобласт деб номланувчи бир қават булиб жойлашган периферик blastomerлар ва эмбриобласт деб номланувчи марказий *цсрамтир* blastomerлар фарқ қилинади. Трофобластлар пуштни озиқлантиришда, эмбриобластлар эса пуштнинг ривожланишида иштирок этади.

Стерробластула босқичида пушт бачадонга утиб, унинг дхл лик қаватиға ёпишади (имплантация). Бачадоннинг шўъяи қава-тидан стерробластулаға суяқлик киради ва хужайра элементларини икки томонға суради. Натижада стерробластула *цомила пуфагига* айланади. Унинг девори бир қават трофобласт хужайраларидан тузилган булиб, ичида, кутблардан бирида, эмбриобласт — цомила тугуни жойлашади. Бластуланинг ҳосил булиши билан цомила таракқиётининг иккинчи даври тугалланади ва 3-давр — гастрүляция бошланади.

### ГАСТРҮЛЯЦИЯ ВА УЦ ОРГАНЛАРНИНГ ХОСИЛ БУЛИШИ

Гастрүляция мобайнида цомила варацилари ва ук органларининг бошлангич куртаги ҳосил булади. Гастрүляция умуртқали хайвонларда тухум хужайралардаги озиқамоддасининг миқдорига қараб турлича кечади. Гастрүляциянинг 4 тури фарқланади (47-расм): 1) *инвагинация*; 2) *иммиграция*; 3) *эпигения*; 4) *деламинация*.

Инвагинация (лотинча т — ичкариға, уадта — цин) да бластула деворининг бир қисми бластула ичига ботиб киради. Миграцияда бластула деворини ҳосил қилган blastomerларнинг бир қисми бластула ичига (иммиграция) ёки ташқарисига (эмиграция) кучиб иккинчи қаватни ҳосил қилади. Эпигения



47-расм. Гастроуляция турлари.


А — инвагинация; Б — эпнболия; В — миграция;  
Г — деляминация (В. Г. Елисеев ва бошчалар,  
1972).

(юнонча  $\epsilon\rho\sigma\eta\lambda\epsilon$  — крп-  
лаш) — бластула девори-  
нинг секин булинаётган  
қисм  $\wedge$ ужайраларининг тез  
булинаётган қисм  $\wedge$ ужайра-  
лари билан қопланиши. Д  $\epsilon\kappa$   
л  $\mu$  и  $\eta$  а  $\kappa$  и  $\alpha$  (лотинча  
йе — ажралиш,  $\lambda$  атта —  
пластинка) бластула дево-  
рини  $\chi$ ОСИЛ цилган бласто-  
мерларнинг тангенциал бу-  
линиши натижасида блас-  
тула деворининг икки қа-  
ватли булиб қолиши. Хор-  
дали ҳайвонлар ривожла-  
нишида гастроуляциянинг  
бир йула бир неча турини  
кузатиш мумкин, лекин шу-  
лардан маълум бир тури  
асосий урин тутади.

Ланцетникларда  
I гастроуляция инвагина-  
ция тури буйича кечади.  
! Бластуланинг туби ичкари-  
га ботиб кириб, устки дево-  
ригача бориб етади. Нати-  
жада бластоцел торайиб,  
ТЗШҚИ пардз — *эктодерма*,  
ички вэрак — *энтодерма*дан  
иборат икки цават деворли  
кадах  $\wedge$ осил булади. К,а-  
да $\wedge$ нинг бушлири бирламчи  
ичак ёки *гастроцель* дейи-  
лади. Бушликка кириш ери  
бирламчи ОРИЗ ёки *бласто-*

пора деб номланади. Бир-  
лзмчи ОРИЗ 4 тз лаб билан чегараланган:  $\wedge$ омиланинг орка томо-  
нига турри келувчи *дорсал* лаб, олд томонига турри келувчи *вент-*  
*рал* лаб ва улар орзсидаги 2 ён лаблар. Лаб  $\wedge$ ужайралзрини блас-  
тула киррок зонасининг майдз хужзйрзлари  $\wedge$ осил цилзди. Хомила  
буиига усади ва бластопора лаблари бир-бирига яцинлашади. Тэш-  
Ки варақ  $\wedge$ исобига дорсал лабдан бошланувчи  $\wedge$ ужайралар торт-  
маси  $\wedge$ осил булиб, бу тортмани *нерв пластинка* деб юритилади  
1 $\wedge$ еинчалик ундан нерв найчаси э $\wedge$ осил булади. Унинг остида, ле-  
кин ички варақ  $\wedge$ исобига  $\wedge$ ужзйралар тортмаси  $\wedge$ осил булиб уни  
*хоре/ал пластинка* деб аталади. Ундан  $\wedge$ айвоннинг ук скелети "хо-  
сил булади. Шундай қилиб, иккала куртакнинг хосил булишида  
бластопоранинг дорсал лаб мзтериали иштирок этади Икки де-  
ворли домяла  $\wedge$ осил булгач ук органларининг  $\wedge$ осил булиши бош-  
лззди. Нерв пластинкаси  $\wedge$ омиланинг буйи буйича нерв арикчаси

хрлида ташки варақдан ажралиб чицади. Таиҳи варақнинг учлари бир-бирига караб усади ва бирла-шади. Шундай қилиб, ташки варақ — *эктодерма* шаклланади. Нерв ариччаси четлари буралиб, *эктодерма* остида ётувчи *нерв пай-часу* х осил булади. Худди шундай йул билан, лекин ички варақ *эктодерма* хордал пластинкадан хордал трубка, ундан эса *хордал тортма* ҳосил булади (48-расм, а, б). Шу вақтнинг узида ички варақ тарки-бида қирроқ зонанинг х ужайралари хордал тортма атрофида ички ва таққи варақ орасига ушиб ки-рувчи икки чунтак хрсил булади. Сунгра бу чунтаклар гастротель-дан ажралиб, гастротель буйи буйи-ча жойлашувчи *мезодерма* осил қилади. Мезодерма халтача шак-лида ушиб, унда париетал ва вис-церал варақларни фарк, қилиш мумкин. Мезодерма тортмалари-нинг барча қисми бир хил булмай, дорзал қисми сегментларга — *со-мигларга* ажралган. Улар *сегмент* оё-чаларига давом этади. Вентрал қисми сегментларга ажралмайди. Бу қисм *спланхнотом* деб юритила-ди. Хорда ва мезодерма бирламчи ички варақдан ажралгандан сунг ички *эктодерма* варақи — *энтодерма* шаклланади.



48-расм. А, Б. Ланцетникда уш органларининг з'осил булиши.


Амфибийларда гастротель инвагинация ва эпи-болия турида утади. Чунки амфибийлар бластуласининг туби сарикликка бой булиб, уларнинг майдаланиши жуда секин руй беради. Гастротель жараёни қирроқ зона со-асида бошланади. Бу ерда *уроқсимон эгат* ҳосил булади. Уроқсимон эгат чуқурла-шиши натижасида гастротель бушлиги, бластопора, олдинги ва ён лаблар хрсил булади. Орқа лаб эса ҳали вужудга келмаган булади. Унинг урнида эса сарикликка бой бластомерлар жойлашади. Инвагинация билан бир вақтнинг узида бластуланинг йирик ху-жайрали тубини купаяётган майда хужайралар босиб кетиб, эпиболия >ам бошланади. Инвагинация ва эпиболия натижасида *эктодерма* ва *энтодерма*, шунингдек орқа лаб хх>сил булади. Олдинги лаб соҳасида булинаётган майда ужайралар гастротель ичига ушиб кириб, *мезодерма* осил қилади. Мезодерманинг з'амма майда хужайрали материали *хомиланинг* дорзал томонида интил-са, *энтодерманинг* йирик сарикликка бой бластомерлари кам ҳаракатлиги сабабли з'омиланинг вентрал томонида қолади. Нати-жада мезодерманинг *энтодерма*дан узилиши руй беради ва у *экто-ва энтодерма* уртасида мустил уса бошлайди. Амфибийларда з'ам ланцетниклардаги каби *эктодерма*дан *нерв пластинкаси*, *энтодерма*дан эса *хорда* куртаги з'осил булади.

Балиқларда гастротель инвагинация ва деляминация йули билан кечади. Яъни майдаланган пушт гардиши сари-ликда бирмунча чузилади, унинг устида кутарилади ва орқа қиррорида бурала бошлайди. Бунинг натижасида ўрроқ *кертиги* осил булади. Бу қирроқ узунлашади, чуқурлашади, натижада з'омила гардиши икки қават булиб қолади. Ташқи қавати *экто-дерма*ни, ички қавати эса *энтодерма*ни ташкил этади. Бирламчи ичак бушлиги гастротель з'осил булади ва у ланцетникларнинг, амфибийларнинг бирламчи ичагидан, тубининг булмаслиги билан фарқ лади. Уларда туб булиб парчаланмаган сариқлик з'исобт ланади. Бу ерда з'ам лаблар билан чегараланган бластопор булиб, ланцетник, амфибийларникидан орқа лабнинг булмаслиги билан фарқланади, орқа лаб урнида эса сариқушк булади. Инвагинация ва қирроқ кертигининг з'осил булиши билан бир вақтда деляминация з'ам руй беради, яъни сариқушк устида ётувчи қир-роқ бластомерларининг ажралиши натижасида з'ам *энтодерма* осил булади. Шундай қилиб, балиқларда 2 та *энтодерма* фарқланади. Бир инвагинация йули билан з'осил булган гастрал *энтодерма* ва деляминация натижасида

>осил булган сари^лик энто-дермаси. Бир вақтнинг узида лаблар соз^асида майда з^ужайра материалнинг ажралиши >исобига хордомезодермал куртак хо-сил булади ва улар гастрюляциянинг бошланишидаёқ экто-ва энтодерманинг орасида су^илиб кириб, алоз^ида уса бошлайди. Эктодерманинг таркибида олдинги лабдан нерв пластинкаси усади.

К, у ш л а р д а гастрюляция д е л я м и н а ц и я буйича кечади. Майдаланган з^омила гардиши 2 варақда ажралади. Энтодерма остида унча катта булмаган гастрюцель деб юритилувчи тирчиш з^осил булади, унинг туби сариқлик з^исобланади. 1^ушлар туху-мини босиб ётмагунча пушт гардишида ўзгаришлар булмайди. Пушт гардишининг марказида булинаётган майда з^ужайралар *пушт цал^ончаси* деб аталувчи туплам ҳосил қилади. Унинг ат-рофида бластомерлар сариқлик устидан бирмунча кутарилиб *о^иш майдонни* (agec pellis<1a) зфсил цилади. Унинг орқасида эса *цорамтир майдонни* (agea ораса) >осил цилувчи сариқликка зич ёпишиб ётган бластомерлар ётади. Унда к он томирлар ри-вожланади. Пушт ^алқончасининг орқа чеккасида булинаётган майда з^ужайрали материалнинг концентрацияланиши натижасида *бирламчи тасма* з^осил булади. Унинг олдинги учи цалинлашиб *бирламчи (Гензен)* тугунни ҳосил қилади. Мана шу тугундан олд томонга хордал усимта ушиб чиқади. Бирламчи тасма соҳасида майда з^ужайрали материал зур бериб булинишда давом этади ва экто-з^амда энтодерманинг орасига ушиб кирувчи мезодермани беради. Шундай қилиб, кушларда инвагинация булмаслиги сабабли, бластопора х<sup>осил</sup> булмайди. Унинг аналогиси бирламчи тасма з^и-собланади, чунки у ерда бирламчи куртак ва уқ органларининг комплекси х,осил булади.

Сут эмизувчиларда гастрюляция — д е л я м и н а ц и я ва и м м и г р а ц и я типига боради. Трофобласт тагида жойлашган эмбрионал тугунча бирмунча ёзилади ва 2 варақда ажралади. Эктодерма устида жойлашган трофобласт ^ужайралари эриб кетади, бунинг натижасида эктодерманинг четлари трофобласт билан қушилиб кетади. Эмбрионал тугунчанинг марказида бирламчи тасмали пушт қалқончаси (Гензен тугуни) ва хордали усимта ҳосил булади. Бирламчи тасма соҳасида майда хужайра материали ичкарига ушиб кириб экто-ва энтодерма орасида таксимланади ва мезодермани х,осил қилади. Энтодерманинг эркин қирғоқлари



49-расм. Тову^ эмбрионида у^ органларнинг з^осил булиши.

1—нерв найчаси; 2—ганглиоз пластинка; 3—хорда; 4—маводерма; 5—сомитлар; 6—мушак ^ужайра; 7—мезодерма; 8—нефротомлар; 9—спланхнотом висцерал вараги; 10—спланхнотом париегал вараги; 11—ичак энтодермаси; 12—чон хужайралари; 13—эктодерма. (З. Д. Земцовадан).

трофобластнинг ички юзасини ураб уса бошлайди. Шунинг билан бир вақтда эмбрионал тугундан з^ужайра элементлари миграция-га учраб, экто-ва энтодерманинг орасига ушиб киради. У ҳам трофобластнинг ички юзасини ураб уса бошлайди ва пуштдан таш-қари мезодермани беради.

^омила варақлари ва уқ органларининг куртаклари ^осил булиши билан гастрюляция даври тугайди ва эмбрионал та-ракқиётнинг туртинчи даври — г и с т о г е н е з ва о р г а н о г е н е з бошланади.

Тупима ва органларнинг тараққиёти ^амма умуртқали ^айвонларда бир хилда утади. Эктодермадан нерв пластинкаси ажралади, у

аввал букилиб нерв тарновчасини, кейинчалик туташиб, нерв найини ҳосил қилади, устини эса эктодерма қоплаб олади (49-расм).

Хордал пластинка нерв найчасининг тагида хордани ҳосил қилади- Мезодерма сегментларга (дерматом, склеротом, миотом), сегмент оёчалари (нефротом) спланхнотомларга дифференцияланади;

Спланхнотомлар энтодермага туташувчи висцерал ва экто-дермага туташувчи париетал варацларга ажралади. Уларнинг орасида иккиламчи бушли — целом ҳосил булади. Энтодерма туташиб битиб кетади ва доимий ичак шаклланади. Эмбрионал таракдиёт давомида турли тупима ва органларнинг ҳосил булиши шу аъзолар таърифида келтирилади.

Ҳамила варақлари ҳосил булишининг илк даврларидаёқ мезенхима ёки эмбрионал бириктирувчи тупима шаклланади. Мезенхима асосан мезодермадан кучиб чиққан усимтали хужайралар булиб, улар гуруҳ/гуруҳ булиб ҳомила варақлари орасида жойлашади. Қисман мезенхима бошқа варацлардан кучган хужайралардан, хусусан, эктодермадан ривожланади. Мезенхимадан қон ва лимфа, қон яратувчи аъзолар, бириктирувчи тупима, қон томирлар ва силлиқ мушак тукдшаси ривожланади.

### ПРОВИЗОР ОРГАНЛАРНИНГ \*ОСИЛ БУЛИШИ

Хордали ҳайвонлар тузилишининг мураккаблашиши билан ҳомила ривожланишини таъминловчи *провизор* (мувақдат) органлар ҳосил булади. Улар *дефинитив* аъзолардан фарқли равишда. Ҳомила мустақил ҳаёт кечиргунча ёки тугилгунча булиб, сунгра йуқолиб кетади.


Провизор органларга <sup>^</sup>уйидагилар киради: 1) *сариқлик халтаси*; 2) *амнион*; 3) *сероз парда*; 4) *аллантоис*; 5) *хорион*; 6) *йулдош*; 7) *киндик каналчаси*;

Провизор органлар балик ларда дастлаб *сариқлик халтаси* куринишида ҳосил була бошлайди. Маълумки, гастрюляциянинг илк босқичларидаёқ гастрал ва сариқлик энтодермаси ҳосил булади. Сариқлик энтодермасининг эркин <sup>^</sup>иргоцлари ушиб сариқлик-ни ураб олади. Хордо-мезодермал куртак ҳосил булгач, экто-ва энтодерма оралигига мезодерманинг париетал ва висцерал вараги ҳам ушиб киради.

Шундай қилиб, сариқлик қопининг девори эктодермадан, мезодерманинг париетал ҳамда висцерал варагидан ва энтодермадан ташкил топган. Ривожланиш давомида ҳомила сариқлик-дан кутарилади ва фақат тана бурмаси орқали сариқлик халта-си билан борланади. Сариқлик халта бушлирининг озиқ моддаси сариқлик билан тулган булиб, у сариқлик поячаси орқали ҳомила ичагига тушади. Шундай қилиб, сариқлик халтаси озиқланти-риш вазифасини утайди. Сариқликнинг ҳаммаси ҳомиланинг озиқланишига сарф булгандан кейин сариқлик халтаси <sup>^</sup>урийди ва тушиб кетади, унинг урнида эса тери ва ичак киндиги келади. Сут эмизувчиларда сариқлик халтаси эмбриобластдан амнион билан бир вақтда ҳосил булади, лекин унда озиқ модда сариқлик булмаганлиги сабабли унчалик ривожланмайди. Лекин у муҳим вазифани утайди, чунки унинг деворида, яъни мезодерманинг висцерал варагида дастлабки қон оролчалари ҳосил була бошлайди.

*Амнион ва сероз парда.* У цушларда, рептилий ва сут эмизувчиларда булади. Тана бурмаси ва сариқлик халтаси шаклланиши билан ҳомиланинг уст томонига усувчи эктодерма ва мезодерма-кинг париетал варагидан ҳосил булган иккинчи бурма — амнион бурма юзага келади. Амнион бурма ҳамма тарафдан х/эмилани ураб олади ва бир-бири билан бирлашиб кетиб, бевосита ҳомила-ни урайдиган амнион ва сероз пардани ҳосил қилади. Сероз. парда тухум пучори остида ушиб, х/чила, амнион, сариқлик ва оксплини урайди (50-расм). Амнион узиш давомида сутоқлик би-





В

50-расм. Сут эмизувчиларда мувадат (провизор) органларнинг ривожланиш схемаси. А, Б, В — уч кетма-кет бос^ич.

1 — эмбрион таяси; 2 — тана бурмалари; 3 — амнион бурмалари; 4 — амнион кобик; 5 — сарицлик халтача; 6 — аллантаис; 7 — хорион. Яхлит йуғон чизик — трофобласт ва эктодерма; яхлит ингичка чизик — энтодерма; узун чизик — мезодерма. (В. Г. Елисеев ва бошқалар, 1972).

лан тулади. Унинг бушлирида ҳомила тараний этади. Сут эмизувчиларда ҳам унинг тараедиёти айнан шу йул билан содир булади. Амнионнинг девори хримланинг тери ёпичига утувчи эктодерма ва мезодерманинг париетал вараридан ташкил топади. Амнионнинг вазифаси ҳомила таравдиёти учун суюқсуюв муҳитини ҳрсил қилиш, шунингдек, уни ҳар хил ташқи таъсирот-лардан ^ и м о я қилиш билан белгиланади. Сероз парда рептилий ва қушларда мувадат нафас олиш органи вазифасини бажаради.

Аллантаис ёки сийдик цони. Қушларда, рептилий ва сут эмизувчиларда булади. Сарицлик халтаси ва амнионнинг тарацциё-ти билан бир вақтда ичак деворидан сийдик қопи ёки аллантаис-дан иборат усик, пайдо булади ва у ҳомиладан таҷҳарига цараб усади. Қушларда у сезиларли усиб, сероз пардага зич туташади ва 3 хил вазифани (озиклантириш, нафас, ажратиш вазифасини) бажаради.

Аллантаиснинг девори сероз парда билан бирга оцсил атрофи-да ворсинкалар билан қопланади ва улар оқсилнинг резорбциясида (сурилишида) иштирок этади.

камераси атрофида аллантаис девори ва сероз пардага

томирлар усиб киради ва ҳомиланинг нафас олишини таъминлайди. Аллантаис бушлирини тулдириб турувчи суюқ/шқда сийдикнинг турли хил тузларининг булиши унинг ажратиш вазифаси нормал бажарилаётганлигидан далолат беради.

Сут эмизувчиларда аллантаис хорионгача усиб бориб тортма ^олида усади. Унинг девори буйлаб ҳомиладан она организм-га қон томирлар утади, яъни у механик вазифани утайди.

Хорион ёки ворсинкали қ^бик, фақатгина сут эмизувчиларда ривожланади (50-расмга қ.). Унинг девори трофобластдан, ҳомиладан ташқари мезодермадан ташкил топган булиб, ворсинкалар билан цопланган. Дастлаб ворсинкалар фақат трофобласт хужайраларидан ташкил топган булади. Булар бирламчи ворсинкалар булиб, ҳамма хорионни қхшлайди. Кейинчалик ҳомиладан ташқари мезодерма томирлар билан биргаликда бирламчи ворсинкалар орасига суцилиб киради ва улар иккиламчи ворсинкаларга айланади. Иккиламчи ворсинкалар хорионни ҳамма юзасида эмас, балки бачадон деворининг шиллиқ қавати хорионга тегиб турган еридагина ҳосил булади ва хорионнинг бу цисми ворсинкали хорион (сбогюп Ггопйозшп) деб юритилади. Хорионнинг бош-қа ҳамма юзаларидаги ворсинкалар йуқолади ва хорионнинг бу ерлари силлиқ хорион — संबюп лаеуе деб аталади. Ворсинкали хорион йулдошнинг ҳосил булишида иштирок этади. Бундан ташқари, йулдошнинг ^осил булишида бачадоннинг шиллиқ қавати ^ам иштирок этади. Она организмнинг ворсинкали хорион эпи-телиysi билан бевосита туташувчи туқимасининг характерига қараб сут эмизувчиларда 4 хил йулдош фарқ қилинади.

1. Эпителиоҳориал йулдош (51-расм, а). Бунда ҳомиланинг хорион эпителиysi бевосита бачадон шиллиқ цавати эпителиysi билан алоцада бўлса ҳам бачадон шиллиқ ^аватининг

эпителийси ^амма ерда бутунлигини сақлаб қолади. Хорионнинг ворсинкалари бачадон крипталарининг ичига киради ва турилиш пайтида бармоқлар кулқопдан чикдани каби ажралиб чи^ади. Бундай йулдошнинг ворсинкалари бачадон безлари эпителийси-нинг секрет, ма^сулотларини актив равишда қайта ишлайди {бачадон сути). Буларни ди ф ф у з й у л д о ш л а р деб ҳам юритилади ва улар айрим туёқуш сут эмизувчиларда (от, чучцалар-да) учрайди.

2. Д е с м о х о р и а л й у л д о ш (51-расм, б). Бу йулдош хорионининг ворсинкалари бирмунча масофада бачадон шиллиц каватининг эпителийсини емиради ва хориал эпителий бачадон бириктирувчи туцимаси билан бевосита бирикади. Бириктирувчи туциманинг тукима суюқлиридан хорионнинг ворсинкалари озика моддаларни суриб, моддаларни кейинчалик хомиланинг қон-томир системасига утишини таъминлайди. Бундай йулдош ковиш цайтарувчи ^айвонларда учрайди.

3. Э н д о т е л и о х о р и а л й у л д о ш (51-расм, в). Бу йулдошнинг она организму билан ало^аси жуда якин. Хорионнинг ворсинкалари бачадон бириктирувчи туцимасини ҳам емириб, бачадон қон томирлар деворини к/шлаб турган эндотелийга етиб боради. Улар она цонидан озик^а моддаларни цон томирлар эндотелийси брЦали олади. Бундай йулдош йиртқич хайвонларда булади.

4. Г е м о х о р и а л й у л д о ш (51-расм, г). Бу тур йулдошлар мураккаб тузилган ва у приматларда ва одамда учрайди. Бу ерда хорион бачадон шиллиц.цавати бириктирувчи туцимасинигина емириб ^олмасдан ^он томир деворларини ҳам емиради ва емирилган цисмлар урнн,га ^он цуйилади, кейинчалик эса буш-



51-расм. Йулдош турлари (схема)<sup>1</sup>. А — эпителиохориал йулдош (чуч^а, отда); Б — десмохориал йулдош (ковуш ^айтарувчиларда); В — эндотелиохориал йулдош (йиртқичларда); Г — гемохориал йулдош (маймун на одамда).

1 — трофобласт; 2 — эмбрионал бириктирувчи туцима; 3 — бачадон эпителийсини; 4 — бачадон шиллиц каватининг бириктирувчи туцимаси; 5 — цон лакуналари. (В. Г. Елисеев ва бошцалар. 1972).

лицлар (лакуналар) х^осил булади. Йулдошнинг бу турида хомиланиннинг таравдиёти учун зарур булган моддаларни бевосита она цонидан олади.

Турли умурт^али хайвонларда провизор органлар (аъзолар-

нинг) тузилишини урганиш уларнинг эволюция давомида мураккаблашishiни курсатади. Агар балй^ларда йробйЗбр' аъзолар фацатгина сарицлик халтачасидан иборат булса (асосан трофик функцияни бажарса), судралиб юрувчиларда ва кушларда нафас олиш ва чиқарув функцияларини бажарувчи бошца тузилмалар х,ам х,осил булади. Сут эмизувчиларда янги аъзо — хорион ҳосил б^либ, у орқали ^омила она организми билан алок,а урнатади. Умуман сут эмизувчиларда провизор аъзолар х/эмила ривожла-нишининг илк даврида х,осил бу^лади. Бу эса сут эмизувчиларнинг ривожланиш даврида к^п миқдорда озик,а модда ва кислород ист\*еъмол цилишига борлиц.

#### ^ОМИЛА ТУРЛИ КИСМЛАРИНИНГ УЗАРО ТАЪСИРИ

Эмбрионнинг ривожланиш даврида ҳомиланинг бир бутунлигини, бир-бирига мутаносиб булган турли системаларнинг (турли хужайралар орасидаги узаро таъсирлар, ягона цон айланиш сие-темаси, гормонлар ва асаб системасининг)мавжудлигини ёдда ту-тиш керак ^омила аъзоларининг узаро таъсири майдаланишнинг биринчи бос^ичларида пайдо б^лади. Биринчи майдаланиш нати-жасида пайдо булган икки бластомерлар бир-бирига таъсир цилади. Агар шу икки бластомерларни киздирилган игна билан улдириб (Вильгелм Ру тажрибалари), уз жойида қолдирсак, бу ҳолда соР қолган бластомердан фақат организмнинг ярми ҳосил б^лади, холос.- Демак, ҳалок булган бластомер булишининг узи-гина соР ^олган бластомер тақдирини белгилар экан.

^омила усаган сари ҳомила қисмларининг узаро таъсири куч-лироқ сезилади. Бутун эмбрионал ривожланишни узаро таъсир-ларнинг мураккаб занжири деб айтиш мумкин. Бир куртакнинг ҳосил булиши иккинчи бир куртакнинг ривожланишини, у эса учинчи куртакнинг ҳосил б^лишини белгилайди ва ҳоказо. Турли қисмларнинг узаро таъсири нерв найчасининг ҳосил б^лишида ёрцин к^зга ташланади. Нормал ҳолатда нерв найчасининг ҳосил булиши хорда куртаги томонидан тормозланса, сомитлар эса стимулловчи таъсир курсатади. Шунинг учун хорда со^асида нерв найчаси ингичка бўлса, сомитлар со^асида анча йурон булади. Агар хорда куртаги ривожланишини хлорли литий билан сусай-тирилса, бу со^адаги нерв найчаси нонормал йу>онлашади.

Организмдан ташқарида жойлашган туқималарни ^ам индук-циялаш (таъсирлаш) мумкин. Бунинг учун озиклантирувчи му^итга индуктордан ажратиб олинган макромолекулаларни (асосан нуклеотидларйи) кушиш керак Товуқ эмбрионининг орқа миясининг вентрал цисмидан тайёрланган масса^ мезодерма ^у-жайраларининг буйрак найчаларига айланишини тезлаштиради.

Табиий х/элатда организм ичидаги туцималарнинг узаро муно-сабатини сунъий йул билан эришиладиган индукция билан ара-лаштирмаслик керак Нормал х,олатда ^омила турли қисмларида модда алмашинув фарц қилади, шунинг учун экспериментал эмбриологияда метаболии градиентларни ^рганишга катта мият берилади.

Маълумки, баъзй хДйЛарДа бДам екй ҳайвон тайасида у\*смасй-мои тузилмалар — тератома (юнонча Iεγας — майиб-майрик) ҳосил булади. У асосан бетартиб жойлашган турли орган куртак-ларидан (куз, тиш ва боиҳалардан) иборат. Бу ҳолат эмбрионал ривожланишнинг бузилиши натижасида, бир аъзо бошк,а аъзолар ривожланишидан ажралган х,олда, уз ҳолича, такомиллашиши натижасида ҳосил булади.

Дагал толали суяк тузимаси. Бундай суяк тузимаси асосан хомилада, янги турилган чакалоқларда учрайди. Катталарда эса, •факат торайларнинг суякка бириккан жойида, калла суякларининг чокларида учрайди. Бу суякни дарал толали дейилишига •сабаб шуки, суяк тузимасининг оссеин толалари жуда дарал ва турли йуналишда жойлашган булади. Толалар бир-бири билан кесишиб, ёки бурчак ҳосил этилиб ёки мураккаб тур ҳосил қилиб жойлашади. Бу толалар ораси асосий модда билан туйинган булади. Суяк туқдшасининг асосий моддасида узунчоқ-овалсимон шаклдаги суяк бушлилари ёки лакуналар жойлашиб, булар узун бир-бири билан анастомозлар ҳосил этилувчи каналчаларга давом этади. Ана шу бушлиқларда шакли шу бушлиқнинг шаклига мое келадиган остеокит хужайралар жойлашади. Шунининг айтиб ўтиш керакки, хомилада осил булган дарал толали суяк усти ва кейинги тарафети натижасида секин-аста пластинкасимон суякка айланади.

Пластинкасимон суяк тузимаси. Вояга етган организмда барча суяклар — ясси, найсимон суякларнинг асосий расми пластинкасимон суякдан ташкил топган булади. Бу суякнинг асосини суяк пластинкалари ташкил этиб, пластинкалар ингичка бир-бирига параллел ҳолда жойлашган коллаген толалардан ва остеокит хужайраларидан иборат. 5-ар бир пластинкада жойлашган коллаген толалар қушни пластинкадаги коллаген толаларга нисбатан

910

перпендикуляр жойлашади. Пластинкаларда толаларнинг бундай йуналиши суяк туқимасини ута мустақам қилади.

Суяк пластинкаларининг жойланишига қараб икки хил суяк моддаси фарқ қилинади: *компакт* ва *говак* суяк. Компакт суякда пластинкалар бир-бирига жипс бирлашиб жойлашса, ровак суякда пластинкалар ҳар хил йуналишда бир-бирига нисбатан турли хил бурчак ҳосил қилиб жойлашади ва уларнинг орасида кичик-кичик бушлиқлар ва найчалар ҳосил булади.

Нишонланган фосфор билан утказилган тажрибалар шунин курсатадики, ровак модда узида ҳаракатчан фосфор тутиб, у осонлик билан қонга ўтиши мумкин. Компакт модда эса ровак моддага арағанда уч марта камроқ ҳаракатчан фосфор тутати. Шундай қилиб, минерал тузлар алмашинувида говак модда асосини роль уйнайди.

Компакт суяк бир-бирига жуда ҳам жипс бирлашган суяк пластинкаларидан иборат бўлиб, унинг тузилишини урганиш учун, найсимон суякнинг тузилиши билан танишиб чиқиш керак

#### НАЙСИМОН СУЯКНИНГ ГИСТОЛОГИЯ ТУЗИЛИШИ

Маълумки, найсимон суякда анатомик жиҳатдан диафиз ва эпифиз қисмлари тафовут этилади. Диафиз қисми найсимон шакл\* да бўлиб, девори компакт қисмдан ташкил топган. Компакт моддаси эса бир-бирига жуда ҳам зич бирлашиб кетган суяк пластинкаларидан ташкил топган (105-расм). Эпифизлар эса ташқи томонидан юпка компакт суяк билан қопланган бўлиб, ички томони ровак моддадан ташкил топган. Суяк ташқи томонидан юпка бириктирувчи туқимали парда билан, яъни суяк усти пардаси (*periost*) билан уралган. Суяк ички канали эса жуда юпка парда (*эндост*) билан суяк қумигидан ажралиб туради. Найсимон суякнинг компакт моддадан тузилган диафизиди қуйидаги қаватлар: *ташқи умумий суяк пластинкалар системаси, остеонлар (Гаверс) системаси* ва *ички умумий суяк пластинкалари системалари* тафовут этилади. Таққи суяк пластинкалар системасининг қалинлиги 4—12 мкм бўлиб, бир-бирига параллел йуналган бир неча пластинкалар йигиндисидан иборат (106-расм). Шуниси характерлики, бу пластинкалар суякни ташқи томондан бутунлай ураб туради, лекин пластинкаларнинг охири бир-бири билан туташмай, уст-ма-уст

жойлашиб тугайди. Бу қаватда тешиб угувчи каналлар жойлашиб, улар орқали суяк усти пардасидан суяк ичига қараб <sup>^</sup>он томирлар утади. Бу каналлар *озиқлантирувчи каналлар* бўлиб, уз деворига эга бўлмайди ва Фолькман каналлари деб ата-лади. Бундан ташқари, суяк усти пардасидан ҳар хил бурчак ҳосил қилиб, суякка томон коллаген толзлар йуналади, бу толалар *тешиб угувчи толалар* деб аталиб, остеонлар қаватига етиб кели-**ши** мумкин.

Суяк деворининг урта қаватини *остеонлар* ҳосил қилиб, улар компакт *суякнинг структура бирлиги* ҳисобланади (107-расм). Остеонлар <sup>^</sup>ам пластинкалардан иборат бўлиб, улар концентрик сифатида <sup>\$</sup>н томирларни ураб жойлашади. Остеон

220




105-расм. Найсимон еуюкнинг тузилиши (схема).

А —суякнинг уст пардаси (периост);- 1 — толали қават; 2 — камбиал қават; а — кои томир. Б — суякнинг компакт моддаси; 3 — ташқи умумий пластинкалар қавати; 4 — остеон; <5 — остеон канали; в — тешиб угувчи канал; 5 — оралиқ пластинкалар системаси; 6 — ички умумий пластинкалар қавати; В — суяк кўмнги бушлиги; 7 — говак суяк трабекуласи; Г — суякнинг ички пардаси (эндост) (В. Г. Елисеев ва бошқалар, 1970).



марказида қон томир жойлашиб, девори эса қалинлиги 5—20 мкм булган, бир-бирининг ичига кирган цилиндрлар системасидан тузилган. Остеон халқаларини <sup>^</sup>осил <sup>^</sup>илган пластинкаларнинг оссеин толалари уз йуналишига эга булгани учун суякнинг буйлама ва кундаланг кесмаларида пластинкаларни ани<sup>^</sup> ажратиш мумкин. Остеонлар бир-бирига зич тегиб ётмайди, балки улар орасида концентрик <sup>^</sup>алк,а) <sup>^</sup>осил қилмайдиган суяк пластинкалари жойлаша-ди. Бу пластинкалар *оралик<sup>^</sup> ёки интерстициал пластинкалар* деб номланади. Муаллифлар фикрича, оралиқ пластинкалар физиоло-гик <sup>^</sup>олатда емирилаётган эски остеонларнинг кх>лдиқ қисмлари-дир.



106-расм. Найсимон суякнинг буйлама кесмаси. Шморль усули билан буялган.

Об. 10, оқ 10. 1 — Гаверс системаси; 2 —

орали<sup>^</sup> пластинкалар системаси.

Найсимон суякнинг марказида эндост билан к/эпланган суяк кумиги канали жойлашиб, у билан остеон системаси оралигида йчки умумий суяк пластинкалари жоилашади.

Найсимон суякларда остеонлар суякнинг узун ук ига параллел жойлашиб, улар узаро анастомозлар орқали туташади. Бу анастомозлар ташқ,и умумий пластинкаларга кирувчи каналлар сннгари қон томир сақлагани учун озиқлантирувчи каналлар деб номланади. Остеон каналларидаги қон томирлар узаро боғланибгина қрлмай, улар суяк кумиги ва суяк усти пардасининг қон томирлари билан *ам* бирлашгандир. Суяк усти пардасида озиқлантирувчи қон томирлар ва нерв толалари х,ам жойлашган. Бу ерда мие-линли ва миелинсиз нерв толаларининг чигаллари мавжуд. Нерв толаларининг бир қирми кх>н томирлар билан танҳи умумий пластинкалар орқали остеон каналига, у ердан эса суяк кумигига етиб боради. Нерв толаларининг бир қисми эса суяк усти пардасида эркин ва капсулага уралган нерв охирларини <sup>^</sup>осил қилади.

**Суяк усти пардаси (периост) ва эндост.** Суяк танҳи томондан суяк усти пардаси билан уралган. Унда икки қават: *ички толали* ва *ташқи адвентициал* қаватлар фарқланади. Ички қисми нозик толали бириктирувчи туцимадан ташкил топган булиб, коллаген толалардан ташқари узида эластик толаларни <sup>^</sup>ам тутади. Бу ерда майда қон томирлар ва остеобласт <sup>^</sup>ужайралари жоилашади. Эндост — жуда нозик парда булиб, суякни ички томондан коплай-ди. У остеобласт ҳужайраларини ушловчи бириктирувчи туқи.ма-

дан тузилган булиб, унинг коллаген толалари суяк кумигининг строма тузилмаларига утиб кетади.

#### СУЯК ТУҚИМАСИНИНГ ГИСТОГЕНЕЗИ ВА РЕГЕНЕРАЦИЯСИ

Суяк туқимаси м е з е н х и м а д а н икки усулда: турридан-турри мезенхимадан (калла суякларининг купчилиги шу усулда ҳрсил булади) ёки мезенхимадан ҳосил булган *тоғай модели ур-нида* **ҲОСИЛ** булиши мумкин (бу усул билан найсимон суяклар ривожланади).

Суяк туқимасининг мезенхимадан ривожланиши. Булруси суяк урнида мезенхима хужайралари купая бошлайди (*остеоген оролча-лар уносил булади*. 108-расм). ^ужайралар орасида коллаген тола-лар ҳосил булади ва бу толалар хужайраларни бир-биридан узо^лаштиради. Бу хужайраларни преостеобластлар деб ҳисоблаш мумкин. Улар коллаген толалардан ташқари мукополисахарид-лар ҳам ҳосил қилади. Натижада хужайра оралик модда базофил буялади. Преостеобластлар остеобласт хужайраларига айланиб, яна купрок хужайра оралик модда ишлай бошлайди. Бу даврни *остеоид Оавр* деб ^ам юритилади. Шу даврга келиб остеобласт хужайралари хужайра оралик моддаси билан урилиб, купайиш цобилиятини йўқотади ва остеоцит хужайраларига айланади. %о-сил булган хужайралараро модда мукополисахариддан ва колла-гендан тузилган. Минерал тузлар бу ерда йўқ, чунки мукополисахарид кальций тузларининг коллаген толаларига утиришга йўл ^уймайди.

Тараққиётнинг кейинги босқичида (*минерализация даврида*) •туқ,имада куп микдорда фосфгЯтаза тупланади. Улар органик фос-фатларни парчалайди ва минерал тузларнинг чуқишига йўл очади. Шу билан бирга хужайралараро моддада деполимеризация, яъни мукополисахарид моддасининг парчаланиши ва эриб кетиши кузатилади. Шу вак,тдан бошлаб хужайралараро модданинг органик қисми фақат коллагендан ташкил топади. Коллаген толалари атрофида жуда кичик апатит кристаллари йирилади. Кальций туз-лари жуда тез туплана бошлайди. Бунга сабаб қонда ва суяк ту-цимасида куп мик,дорда тупланган фосфатаза ферменти булиб, периферии ^ондаги глицерофосфатни карбонсувга ва фосфор кис-лотага парчалайди Фосфор кислота эса кальций хлорид билан бирикиб кальцийнинг фосфор тузини х^эсил қилади.. Улар эса. кальций карбонат билан хужайралараро моддада тупланади. „Дастлаб хрсил булган суяк туцимаси ноаник; тузилишга ;<га була-ди ва куп микдорда дарал коллаген толалар ва тартибсиз жой-лашган апатит кристалларидан иборат булади. Шундай йўл билан дастлабки *дарал толали суяк туцимаси* ^осил булади. Бу аста-секин *пластинкасимон суяк тук^имасига* айланади. Мезенхима хужайраларидан ^осил булган остеокласт хужайралари ху-жайралараро моддани емира бошлайди ва дагал толали суяк ту-қимасига қон томирлар ушиб қиради. Янги суяк пластинкалари қон томирлар атрофида х,осил була бошлайди. Оссеин толалар тартибли жойлашиб, улар устида янги остеобласт ^ужайралар'и

991


з^осил булади ва янги суяк пластинкаси ривожланади. Шу йўл билан суяк остеонлари зфсил булади. Ташки генерал пластинка-лар қавати эса, суяк усти пардаси остеобласт ^ужайралари >;исо-бига зфсил булади. Натижада суяк энига уса бошлайди. Суяк усти пардаси ва эндост атрофдаги бириктирувчи туқимадан шаклла-нади. Кейинчалик эмбрионал даврда з^осил булган суяк қайтадан тузилади. Бирламчи остеонлар емирилиб, янги остеонлар з^осил булади. Эски остеонларни урнига янгиларини з^осил булиши бутун умр давом этади.

**Тогай урнида суяк з^осил булиши.** Эмбрион тараққиётининг 2-ойида булруси суяк урнида мезенхимадан *тогай модели* з^осил булади. Бу модел гиалин торайдан иборат булиб, қон томир бул-майди ва маълум давргача ривожланади, кейинчалик у дегенера-цияга учраб, торЭЙНИ диафиз цисмида торай урнида оуяк туқима-си з^осил була бошлайди. Суяк туцимасининг пайдо булиши торЭЙ усти пардасида типик остеобласт з^ужайралар з^осил булиши билан бошланади. Остеобласт з^осил булишидан бошлаб, торЗЙ усти пардаси узгариб, суяк усти пардасига айлана бошлайди.


Остеобласт з^ужайралар тогай модел атрофида суяк тук,имаси-ни з^осил ^ила бошлайди. Натижада суякнинг торай модели диафиз цисмида *перихондрал суяк манжеткаси* билан уралади (109-расм), улар говак тузилишга эга булиб, дарал толали суяк-дан ташкил топади. Торай модел атрофида суяк ^осил булишига *п е р и х о н д р а л с у я к л а н и ш* дейилади. Секин-аста ушиб жараёнида манжет кенгаяди ва эпифиз тарафга қараб катталаша борди. Суяк манжетининг з^осил булиши билан бу ерда тогайнинг озикланиши бузилади ва тррайнинг диафиз қисми марказида дис-трофик узгаришлар содир була бошлайди. Торай з^ужайралари гипертрофияга, ядролари пикнозга учрайди. ^ужайралараро мод-

дада кальций тузлари йирила бошлайди. Шу йул билан оз^акланган торай пайдо булади (110-расм). торзйнинг оз^акланиши диафиз қисмидан эпифизгача ^араб боради. Айни вақтда торай устн пардаси урнида з^осил булган суяк усти пардасидаги қон томир-лар уларни ураб турган мезенхима ҳужайралари. билан бирга суяк манжеткасидаги тешикчалар орқали оз^акланаётган тоғай зонасига кириб боради. 1^он томир билан кирган ҳужайраларнинг баъзилари куп ядроли остеокласт (хондрокласт) з^ужайраларйга айланиб оз^акланган торайни емира бошлайди. Тоғайнинг емири-лиши диафиз марказидан бошланиб эпифизларга ^араб сурилади. Аммо торай туқимаси диафизда бутунлай парчаланмайди ва торайни емирилиши натижасида ҳосил булган бушлиқлар атрофида торай тусинлар сакланиб қолади. Шу тусинлар атрофидаги кам дифферен^иаллашган ҳужайралардан остеобластлр хрсий булади.

Янгидан ҳосил булган остеобластлар оз^акланган тоқай тусинлар устида суяк туқимасини з^осил қилади. Суяк туқимасининг торай ичида з^осил булишга эндохондрал суякланиш де-йилади (111-расм). Эндохондрал суякланиш натижасида *дағал тоғай суяк* з^осил булади. У перихондрал қупаяётган суякдан шу билан фарк



қиладики, унинг таркибида оҳакланган з^ужайралара-




109-расм. Тоғай урнида суякнинг ривожланиши. Перихондрал суякланиш. Гематоксилн-эозин билан буялган. Об. 10, оқ 10.

1 — перихондрал суякланиш; 2 — то. гайкинг танга устунчаларн со^аси; 3 — қон томир; 4 — тоғай орол-чалари.

110-расм. Тоғай Урнида суяк ривожланиши. Гематоксилн-эозин билан буялган. Об. 10, оқ 10.

1 — пуфакчасион узгарган ад-жайралар зонаси; 2 — тангасион устунчалар зонаси; 3 — суякланиш



111-расм. Тогай урнида суякнинг ривожланиши. Энхондрал суякланиш.  
Гематоксиллин-эозин билан бўялган. Об. 40, оқ 10.  
1 — остеобласт; 2 — остеоцит; 3 — асосий модда.

ро тогай модданинг қолдиқлари сақланиб долган булади. Аммо бу суяк узок, турмайди. Мезенхима (кам дифференциаллашган) хужайраларидан такомил этган остеокласт хужайралари ҳосил булган суякни емира бошлайди.

Эндрохондрал суяк туқимасининг парчаланиши натижасида калта бушлиқлар ва чуқурчалар ҳосил булади ва улар бирлашиб суяк кумиги учун бушлиқ пайдо булади. 1<sup>он</sup> томирлар атрофида парчаланаётган дагал толали суяк урнида остеобласт хужайра-лар *концентрик пластинкалар* ҳосил қила бошлайди. Улар маълум тартибда жойлашган параллел коллаген толалардан тузилган, улардан остеонлар ҳосил булади. Периост тарафдан эса ташқи генерал пластинкаларнинг тараққиёти руй беради.

Шундай қилиб, торай урнида суяк <sup>></sup>осил булиш жараёнида маълум босқичлар курилади. Дастлаб дагал толали суяк туқимасидан иборат перихондрал суяк манжеткаси ҳосил булади. Сунгра тогай моделда бир қатор узгаришлар (дистрофия, хондролит) юз бериб торай ичида эндрохондрал суякланиш ҳам содир булади. Ниҳоят, дарал толали суяк туқимасининг парчаланиши ва уни нозик толали компакт пластинкасимон суяк туқимаси билан алмашилиши содир булади.

Суякнинг эпифиз ва диафиз қисмлари орасида торайдан иборат метафизар ёки эпифизар пластинкаси жойлашади. Унинг диафизга ЯҚИН қисмида торай хужайралари шишган, хужайралараро модда эса охланган булади. Чунки унинг остидаги хужайралар

15\*

оо?

парчаланиб, у ерда эндохондрал суякланиш давом этади. Торай тупима билан эндохондрал суяк орасидаги чегара қисм суякланиш ёки *оссификация чизиги* деб аталади. Эпифизар пластинка-нинг долган қисмларида тогай хужайралари булинишда ва янги хужайралараро модда ҳрсил цилишда давом этади, натижада эпифизар пластинка хужайралари бир-бирининг устида жойлашиб, танга устунчаларини эслатувчи туцима ҳосил қилади. Худди ана шу зона торайининг усиши ҳисобига суяк узунасига усади. Эпифизар пластинканинг узунасига усиши эмбрионал таравдиёт давридан бошланиб 17—23 ёшгача давом этади, сунгра эса суяк-нинг усиши тухтайди.

Эпифиз тогайининг суякка айланиши диафизга нисбатан аича кеч содир булади. Инсон тугилганда диафиз перихондрал ва эндохондрал суякланиш натижасида ҳосил булган дарал толали суяк-дан иборат бўлса, эпифиз ҳали торай куринишга эга булади. Янги турилган чацалоқ найсимон суягининг эпифизида суякланиш нуқтаси <sup>5</sup>осил булиб, у ердаги торайда худди диафиздаги сингари бир қатор дегенератив узгаришлар содир булади. Сунгра диафиздаги сингари эпифиз ичига қон томирлар ва мезенхима хужайралари ушиб кириб, у

ерда эндохондрал суякланиш кетади. Кейинчалик эндохондрал суякланишда ҳосил булган дарал толали суяк ту<sup>и</sup>-маси урнига пластинкасимон суяк ривожланади. Суякнит диафиз цисмидан фарқли равишда эпифизда пластинкасимон еуякнинг ровак тури ҲОСИЛ булади. У суяк тусинчаларидан иборат булиб, остеонлар х<sup>э</sup>сил қилмайди. Эпифиз суякланиши натижасида эпифизар пластинка чегаралари аниқ, булиб қолади.

Суяк туцимасининг регенерацияси. Суяк туцимасининг регенерацияси суяк усти пардаси-ҳисобига булади. Бунга агар суяк бутунлиги бузилса, бу ерга қушни қисмларнинг суяк усти пардаси хужайралари интилади. Натижада икки томоннинг суяк усти пардаси бирлашади. Суяк усти пардасида жуда қон томирлар ва остеобластлар пайдо булади. Шу ерда нозик суяк пластинкалари х<sup>э</sup> осил була бошлайди. 10—12 кундан сунг суяк пластинкаси еуякнинг синган ҚИСМИНИ муфта шаклида ураб олади ва буни *суяк ҷадоғи* дейилади. Дастлаб суяк ҚЭДОРИ остеон тузилишга эга булмайди, лекин кейинчалик унинг урта қисми шундай тузилишга эга булиши мумкин.

Баъзи патологик ҳолатларда суяк туқимаси СОР организмларда учрамайдиган ер<sup>лар</sup>да х<sup>э</sup>ам, буйрак, упка, қал<sup>он</sup>симон без, куз пардалари, қон томир деворларида ҳосил булиши мумкин. Бундай суякланиш ҳолати эктопик ёки скелетдан таш<sup>ари</sup>да суякланиш дейилади. Экспериментал ҳолатларда эктопик суякланишни тери остига сийдик қопининг узгарувчан эпителийсини ут-казиб якҚол кузатиш мумкин. Муаллифлар фикрича, турли таъ-сирлар натижасида бириктирувчи туқимада остеобластлар сингари хужайралар ҳосил булиб улар суяк туқимасини <sup>э</sup>осил қилади.

#### СУЯК УСИШИГА ТАЪСИР КУРСАТУВЧИ ОМИЛЛАР

Суякнинг нормал усиши ва ривожланиши ташқи ва ички омилларга борлиқ. Шундай омиллардан бири овқат режимидир. Каль-

228

ций ва фосфорнинг қонда етишмаслиги хужайралараро модданинг о<sup>а</sup>кланишининг сустлашишига сабаб булади, шундан сунг улар юмшоқ, булиб, осон эгилувчан булиб кх<sup>э</sup>лади. Агар овқатда витамин О етишмаса, кальций меъда-ичаклардан сурилмайди ва натижада рахит аломатлари пайдо булади.

Тестикуляр гипоплазияда ёки кастрация цилинганда эпифизар пластинканинг суякланиши секинлашади. Натижада бундай шахеларнинг цули билан оёгининг тенг пропорционал узунлиги бузилади. Агар вақтдан илгари жинсий балогатга етиши содир бўлса, бу ҳолда эпифиз билан диафизнинг чатишиб кетиши <sup>э</sup>исобига суяк усишдан тухтайди. Бундан ташқари, қалқонсимон без олди безининг фаолияти ҳам суякларнинг усишига ва умумий ҳолатига катта таъсир курсатади.

## IX БОБ

### МУШАК ТҶҚИМАСИ (ТЕХТУ8 мизсиёАК15)

Мушак туқимаси одам ва ҳайвон организмнинг >аракатга келишини таъминлайди. Мушакларнинг тузилиши уларнинг бажа, раётган функциясига мослашган, яъни уларнинг шакли чузи<sup>э</sup>, учлари таянч тузилмаларга туташгандир.

Тузилиши ва бажараётган функциясига кура силлиқ, кундаланг-таррил (*скелет*), юрак мушаги ва баъзи аъзоларда учровчи махсус мушак туқимаси фарқ цилинади. Махсус мушак туқимаси келиб чиқиши, тузилиши ва вазифасига кура турличадир. Кундаланг-таррил юрак мушаги ҳамда махсус мушак тупима — миоэпителиал х<sup>э</sup>ужайралар (тер, сут ва сулак безларида учровчи хужайралар), кузнинг цилиар ва қорачур мушаклари хусусии гистологиянинг тегишли бобларида келтирилган.

Умуртқасиз ҳайвонларда, бундан таш<sup>ари</sup>, икки ёцлама <sup>э</sup>и таргил мушаклар учрайди.

### СИЛЛИК МУШАК ТҶҚИМАСИ

Силлиц мушак туқимаси з<sup>э</sup>ужайра тузилишига эга. Силлиц мушак

купгина ички органлар,— меъда-ичак йули, таносил органла-ри, томирлар деворининг шаклланишида қатнашади. Силли<sup>^</sup> мушак тузилиши <sup>^</sup>амда функцияси буйича кундаланг-таррил мушак-дан анча фарқ цилади. Силли<sup>^</sup> мушак секин ва узок, вақт (*тоник*) қисқариш хусусиятига эга. Силлиқ мушаклар вегетатив нерв системаси томонидан иннервация <sup>^</sup>илинади ва шу сабабли киши ихтиёрига буйсунмайди. Юқорида қайд қилинганидек, силлиқ мушак туқимаси хужайра тузилишига эга булиб, чузиқ, дуксимон ва тармо<sup>^</sup>ланган булади. Хужайраларнинг улчамлари турлича булади, яъни узунлиги 50—250 мкм, ядро сат<sup>^</sup>ининг максимал диа-метри 5—20 мкм. Туцимада бир-бирига ёндошиб ётган хужайралар қатламлар ҳосил цилади (112-расм). Улар бир-бирига нисба-

112-расм. Силлиқ мушак туцимаси- Ингичка ичакдан тайёрланган. Тема- ; токсилин-эозин билан буялган. Об. 20, оқ 10.

1 — буйлама кесилган силлиқ мушак \*; хужайралари; 2 — кундаланг Кесилган силлиқ мушак <sup>^</sup>хужайралари; 3 — ядро.

тан шундай жойлашадики, бир хужайранинг- марказий цисмига бошқа хужайранинг уткир уч <sup>^</sup>исми ёпишади. Силлиқ мушак хужайралари сиртдан *сарколемма* билан қишланган, унда цалинлиги тахминан 7,5 нм га тенг плазматик мембрана ва ташки базал мембрана фарқ, қилинади.

Ёнма-ён ётган хужайраларнинг плазматик мембраналари баъ-зи жоиларда жуда Я<sup>^</sup>инлашиб туталиш нукдаларини <sup>^</sup>осил цила-ди. Мембраналарнинг бундай яқинлашиб жойлари силлиқ, мушак <sup>^</sup>хужайраларининг биридан иккинчисига қузғалиш утишига хизмат <sup>^</sup>илади, деган тахминлар бор. <sup>^</sup>хужайра цитоплазмасида *ядро*, *умумий органеллалар* ва *миофибриллалар* жойлашади. Ядро ва органеллалар хужайранинг трофик а п п а р а т и н и ташкил этади. Силлиқ мушак хужайрасининг ядроси унинг марказида жойлашиб, чузиқ отал ёки таё<sup>^</sup>часимон шаклга эга (113-расм). Ядронинг шакли кис<sup>^</sup>ариш пайтида узгаради. Унда иккита ёки ундан купрок, ядроча булади. Ядро ёнида суёт ривожланган пластинкасимон комплекс жойлашади Шу ерда з<sup>^</sup>хужайра маркази х,ам ётади. Мушак <sup>^</sup>хужайрасида цитоплазматик тур суёт ривожланган. Митохондриялар кичик, шакли чузиқ, оз мицдорда булиб, цитоплазмада таркоц жойлашади. Аммо ядро ёнида уларнинг сони купроц булиши мумкин. Митохондрияларнинг кристалари кундаланг-таргил мушаклардагига нисбатан кам.

Махсус органеллалар — миофибриллалар мушак хужайрасининг ц и с <sup>^</sup> а р т у в ч и а п п а р а т и н и ташкил этиши сабабли улар энг му<sup>^</sup>им а<sup>^</sup>амиятга эга. Миофибриллалар скелет мушагига ҳос булган кундаланг-таррилликка эга эмас ва од-дий микроскопда бир жинсли ипчалар шаклида куринади. Электрон микроскоп билан силлиқ, мушак х,ужайралари урга-нилганда <sup>^</sup>хужайранинг бутун узунлиги буйича ётувчи узлуксиз миофибриллалар аниқланган эмас. <sup>^</sup>хужайра цитоплазма-сида буйлама жойлашган субмикроско-пик *протофибриллалар мавжуд* булиб, улар тутамлар х,осил цилмайди. Протофибриллалар узунлиги 1—2 мкм, эни эса 5—8 нм га тенг, улар *актин оцсилидан* тузилган. Силлиқ мушак қисқарган х,о-латда хужайра цитоплазмасида йурон, Қалинлиги 20—30 нм келадиган иккинчи хил протофибриллалар <sup>^</sup>ам аниқланган. Бу протофибриллалар мушак бушаш-ган пайтда аниқланмайди. Иугон протофибриллалар *миозин оцсилини* сацлай-ди. Силли<sup>^</sup> мушак хужайра цитоплазмасида кальций йонини сақловчи майда пуфакчалар ҳам булиб, худди кун-даланг-таргил мушакдаги сингари, улар Қис<sup>^</sup>аришни таъминлашда му<sup>^</sup>им омил-дир.

Паннер ва Хониг силлиқ мушак ху-жайраларида электрон зич таначалар борлигини ва бу тузилмалар кундаланг-таргил мушакдаги чизи<sup>^</sup>ларни эслати-шини қайд қиладилар. Муаллифлар фик-рича, мушак қисқариши жараёнида миозин протофибриллалар шаклланиб, улар актин протофибриллалар уртасида жой-лашадилар. }<sup>^</sup>ар бир миозин молекуласи икки актин макромолекулалари билан бирикиб уларни узаро яқинлаштиради, натижада мушак қисқариши содир бу-лади. Ху дақиқада электрон зич таначалар узаро яқинлашганини кузатиш мум-кин.

<sup>^</sup>ар бир мушак хужайраси атрофида бириктирувчи туцима толалари тур ҳо-сил қилиб жойлашади. Мушак хужайра-ларининг группалари ёки муайян қават-лари бириктирувчи туқима қатламлари билан уралади. Ана шу бириктирувчи ту-<sup>^</sup>има сарколемма билан бирга силлиқ мушак ту<sup>^</sup>имасининг т а я н ч

аппара -

113-расм. Силлиқ мушак Меъда девори шилли<sup>^</sup> Каватининг мушак пластинкасидан олинган силли<sup>^</sup> мушак<sup>^</sup>ужайралари. Электрон микрофотограмма X 8.500.

1 — ядро; 2 — цитоплазма; 3 —  
<sup>^</sup>ужайра атрофидаги коллаген  
толалар.

тин и ҲОСИЛ қилади. Баъзи ички органларнинг (масалан, томирларнинг) бириктирувчи тупима қатламларида эластик элементлар куп. Булар орган деворининг эгилувчанлигини таъминлайди. Силлик мушак туқимаси яхши тарақдий этган қон томирлар система-сига эга. 1<sup>^</sup>он томирлар тупима ичида капилярларгача тармоқ-ланиб, мушак хужайралари тутамлари орасидаги бириктирувчи туқ,има қатламларида капилярлар турини ҳосил қилади.

#### **Силлик, мушак туқимасининг тарақдиёти ва регенерацияси.**

Силлик мушак туқимаси мезенхимадан ривожланади. }<sup>^</sup>осил бўлаётган мушак хужайралари дастлаб усимталарга эга бўлиб, унинг ёрдамида узаро боғланади ва шу туфайли мезенхима тузилишини эслатади. Уларда миофибриллалар пайдо бўлиши дифференциалланиш бошланганлигининг белгиси бўлиб хизмат қилади. Кейинчалик силлик мушак хужайралари усимталарини йу<sup>^</sup>отиб, дуксимон шаклни олади ва бир-бирига зич ёпишиб ёгади. Уларда фибриллаларнинг сони ортиб, хужайранинг узун йуналиши бўйлаб тартибли равишда жойлаша боради.

Силлик мушак анчагина яхши ифодаланган *регенерация* қобилиятига эга. Мушак хужайраларининг митоз нули билан бўлиниш қобилиятига эга эканлиги ҳақида маълумотлар бор. Уларнинг амитоз усулида бўлинишини куп учратиш мумкин. Силли<sup>^</sup> мушак хужайраларининг гипертрофияси ва купайишини қон томирлар-



нинг узиши ва тикланиши жараёнларида куриш мумкин. Тажрибада йирик артерия боғлаб қуйилган ҳолларда 1\он айланиш кам жойлардаги майда томирларнинг кенгайиши кузатилади. Бунда уларнинг деворида янгидан х осил булган мушакнинг ^алин 1^ат-ламлари пайдо булади. Силлиқ мушак ҳужайраларининг гипертрофияси ва гиперплазияси бачадонда ҳомиладорлик даврида юз беради.

## КУНДАЛАНГ-ТАРРИЛ МУШАК ТУЦИМАСИ

Ку'ндаланг-таргил мушак туцимаси скелет мушакларини, овкат ҳазм цилиш трактининг баъзи органлари (тил, танглай, қизил^нгач бир қисми) мушакларини, куз мушакларини, мимик ва нафас олиш мушакларини х,осил дилади. Юрак мушаги кунда-ланг-таргил мушак тўқимасининг махсус тури булиб, уни тегишли булимда урганилади.

**Кундаланг-таррил ^иушак толаларининг тузилиши.** Кундаланг таргил мушак туцимаси мушак толаларидан иборат булиб, уларнинг узунлиги бир неча сантиметргача етиши мумкин. Шу сабаб-ли кундаланг-таррил мушак толалари *симпластик тузилмалар* деб аталадй. Улар узун цилиндрик тузилмалар булиб, сиртдан яхши ифодаланган парда — *сарколемма* билан қопланган. Мушак толасининг цитоплазмаси *саркоплазма* деб аталадй. Мушак толаларининг ядролари овал шаклли, хроматини кам, периферияда, сарколемма остида жойлашади. Мушак толалари митохондрияларга бой булиб, улар миофибриллалар орасида тизилиб ётади. Шуни цайд қилиш лозимки, мушакнинг ҳаракат активлиги цанча юқори бўлса (қисқариш тезлиги қанча катта бўлса), мушак толасида

232

*саркосомалар* (митохондриялар) шунча куп булади. Мушак толалари саркосомаларинийг кристалари кучли ривожланган булиб, саркосомаларнинг узун укига нисбатан перпендикуляр йуналган. Донатор цитоплазматик тур сует ривожланган, ядро атрофида жойлашади. Сует ривожланган пластинкасимон комплекс ҳам шу ерда ётади.

Кундаланг-таррил. мушакда силлиқ *каналчалар системней* мавжуд булиб, уни мушак толаларининг махсус структураси деб ҳисоблаш мумкин. Каналчалар системаси толанинг узун уки буйлаб миофибриллалар оралирида жойлашади ва 2 чизик қарши-сида ёки *A* ва *I* дисклар чегарасида кенгаймалар  $xx>$ сил цилиб тугайди. Бу система саркоплазматик ретикулум (тур) деб номланади. Бундан таиҳари, 2 чизик соҳасида (амфибийларда) ёки *A* ва *I* дисклар чегарасида (сут эмизувчиларда) сардолемманинг плазматик мембранаси тола ичига ботиб кириб *T* система найчаларини ҳосил қилади. Бу найчалар толанинг узун укига кундаланг йуналган (1иби1из {гапзуегзаНз). *A* ва *I* диск чегарасида *T*. система каналчалари атрофидаги симметрик жойлашган саркоплазматик тур найча кенгаймалари билан триадалар  $xx>$ сил қилади. Саркоплазматик тур қисқаришнинг юзага чиқишида иштп-рок этади.

Миофибриллалар толанинг қисқаришини таъминловчи махсус.органеллалардир. Бу ипсймон тузилмаларнинг цалин-лиги 2 микрон келади. Кундаланг-таррил мушакнинг миофибриллалари силлиқ мушакдан фарқ қилиб, кундалангига тарам-тарам булиб буялади. Бу уларнинг нозик тузилиш хусусиятларига бор-лик. Миофибриллаларда *A* ва *I* дисклар фарқ қилинади. *A* дисклар ҳар хил бўёқлар билан яхши буялади. *I* дисклар эса унча яхши буялмайди. Анизотроп *A* дисклар икки хил нур синдириш (анизотропия) хусусиятига эга ва уларнинг номи ҳам ана шу хусусиятга асосланган (114-расм). *I* дисклар анизотропия хусусиятига эга эмас ва шу сабабли уларни *изотроп дисклар* дейилади. Мушак толаси фибриллаларнинг бир хил дисклари бир сатҳда ёнма-ён ётиб, бутун мушак толасининг кундаланг-таргиллик манзарасини юзага келтиради. Электрон микроскоп фибриллаларнинг нозик тузилиши тафсилотларини аниқлашга имкон берди. *A* дискнинг уртасида *Я* зона булиб, унинг марказидан ёса *М* чизик утган (115-расм). *I* дискнинг уртасида 2 чизикчаси ётади. У баъзи бир адабиётларда эски ном билан *T* чизик (телофраг-ма) деб аталади. *X*^ар икки 2 чизикчаси орасида ётган миофибрилла булакчасига *саркомер* ёки *инокома* дейилади. Саркомер таркибига

*A* диск ва *A* дискнинг ҳар иккала томонидаги бир бутун *II* дискларнинг 2 чизикча булган кисми (ҳар бир *II* дискнинг ярми) киради (115, 116-расм). Электрон микроскоп миофибриллалар янада ингичкароқ ипчалар — миофиламентлардан (протофибриллалардан) тузилганлигини курсатади. Икки хил протофибриллалар фарқ қилинади. йурон протофибриллалар *A* дискда, ингичка протофибриллалар эса *II* дискда ва қисман (*H* зона чегарасига қадар) *A* дискда жойлашади. Шундай қилиб, *II* дискда фа-цат



ингичка протофибриллалар, *A* дискда эса *Я* зона чегарасига



114-расм. Кундаланг-таргил мушак туъимаси. Тилдан тайёрланган. Гематоксин-эозин билан бўялган. Об. 20, оқ 10.

1 — буйлама йўналган тола; 2 — ядролар; 3 — кундаланг таргиллик

қадар ингичка ва йугон протофибриллалар жойлашади. Ингичка протофибриллаларнинг бир учи 2 чизикча ёпишади, иккинчи учи эса йурон протофибриллалар орасида эркин ҳолда тугайди.

Шундай қилиб, мушак толасининг структура бирлиги саркомер бўлиб, 2 чизирги эса таянч тузилма вазифасини утайди. Мушак толасининг кундаланг кесимида ингичка ва йугон протофибриллаларнинг гексогонал система шаклида узаро тартибли жойлашувини кузатиш мумкин. Чунончи, туташуш зонасида ингичка ва йугон ипчалар шундай жойлашадики, ҳар бир йурон, протофибрилла атрофида 6 та ингичка протофибрилла ва ҳар бир ингичка протофибрилла атрофида 3 та йурон протофибрилла ётади (117-расм). Электро-микроскопда жуда катталаштириб қурилганда туташуш зонасида ингичка ва йурон протофибриллалар ингичка кундаланг куприкчалар — усимталар ёрдамида узаро бор-ланганлиги куринади.

Миофибриллаларнинг ультраструктурасига асосланиб, мушак қисқариш механизми ҳақида турли назариялар ишлаб чиқилган. Ҳақсли тақлиф этган икки хил протофибриллаларнинг *сирпаниш* назарияси энг кенг тарқалган. Бу назариянинг асосий ҷоидаларидан бири қисқариш жараёнида протофибриллаларнинг узунлиги узгармайди, деб ҳисобланади. Йурон протофибриллалар инозин оксидидан иборат. Ингичка протофибриллалар эса актнн-дан тузилган. Туташ зонасида йугон протофибриллалардан чин/ майда усимталар- ингичка протофибриллаларга ёпишади. Бу

## 237 бетни китобдан кучириб езиш

### керак

сацланади. Митохондриялар эса қисқариш жараёнида сарф буладиган АТФ ни ишлаб чицаради. Муаллифларнинг фикрича, *T* система орцали нерв импульси келади. Бу система мушак тола усти-га очилгани учун керакли моддалар (озик моддалар) ҳам шу каналчалар орқали саркоплазмага етиб келса керак Мушак толалари к исқарганда тана қисмлари ҳаракатланади. Мушак толалари цисқариш кучининг узатилиши мушак туқимасининг т а я н ч с т р у к т у р а л а р и томонидан амалга оширилади. Сарколемма шундай структуралар жумласидан булиб, унга пайларнинг коллаген толалари ёпишади.

Кундаланг-таргил мушакнинг орган сифатида тузилиши. Мушакнинг орган сифатида шаклланишида бириктирувчи туқима ҳам иштир'ок этади. У мушакни парда шаклида урайди ва кон юмирлар билан биргаликда мушакнинг ичига ҳам усиб киради. Мушакни сиртдан ураб турувчи бириктирувчи туқима парда *этимизий* ёки фасция деб аталади. Мушак ичидаги бириктирувчи туқима қатламлари мушак толаларини алохдда тутамларга булиб, ички *перимизий* деб аталади.

Бириктирувчи туқима толалари ҳар бир мушак толасини на-фис тур шаклида урайди. Бу нозик тур *эндомизий* номини олган. Ички перимизий таркибида йуналувчи кон томирлар тармоцла-ниб, ҳар бир мушак толасини урвчи капиллярлар турини ҳосил қилади. Мушак толаларига пайнинг коллаген толалари туташади. Бу ерда мушак толаларининг учлари бармоқсимон усимталар ҳосил қилади ва булар орасига коллаген толалар усиб киради. Электрон микроскоп коллаген толаларнинг мушак толаси ичига кирмаслигини курсахди.

Мушак туқимасида шу туқима учун хос булган *миоглобин* пигмент жойлашади. Миоглобин икки қисмдан — *гем* (темир) ва оқ-сил компонента *глобиндан* иборат. Миоглобин мушак физиология-сида катта роль уйнайди. Унинг асосий вазифаси узида кислород сацлаш хусусиятидир. Мушак қисқарган пайтда кислороднинг мушак туқимасига кириши қийиилашади, лекин куп мицдорда сарф қилинади. Бу ҳолда миоглобин узида ушлаган кислородни сарфлайди. Саркоплазмада миоглобин цанча куп бўлса, мушак кислородга шунча бой булади.

Айрим сут эмизувчи ҳайвонлар мушагида жуда куп ми<sup>^</sup>дорда запас кислород булади. Масалан, тюленларда 47% кислород миоглобин билан богланган ҳолда булади, фақат 38% и к,онда була« ди. Миоглобин мушакка қизил ранг бериб туради. Рангига қараб қизил ва оқ; мушаклар тафовут қилинади. Қ,изил мушаклар оқ мушакка нисбатан секин қисқаради, лекин айрим .<sup>^</sup>олларда оқ мушак (масалан товукнинг кукрак мушаги) қизилга нисбатан секин-роқ қисцариши мумкин. Бундан ташқари, ҳар бир қизил мушак толасида оз миндорда оқ толалар 5<sup>^</sup>ам учраб туради. 1\изил мушак толаларида оксидланиш процесслари жуда юқори ривожлан-ган булиб, оқ мушак толаларида эса модда алмашинув процесси купрок анаэроб гликолиз шаклида боради.

Кундаланг-таргил мушак туқимасининг тарац<sup>^</sup>иёти ва регенерацияси. Скелет мушаклари м и о б л а с т ҳужайраларининг

мушак группаларининг куртаклари жойлашадиган ерларда туплана боради. Миобластлар ядроларининг жадал булиниши натижасида йирик, куп ядроли тузилмалар — *миосимпластларга* айланади. Кейинчалик уларда миофибриллалар пайдо булиб, миосимпластнинг перифериясида жойлашади.

Симпластларнинг марказида саркоплазма ва цитоплазма тизилган ядролар ётади. Таракдийнинг бу даврида уларни мушак найчалари деб юритилади. Кейинчалик миофибриллаларнинг сони купаяди, ядролар периферияга сурилади ва шу йусинда кундаланг-тартиб мушак толалари шаклланади.


Кундаланг-тартиб мушак туцимаси жароҳатлангандан кейин кулай шароитларда тикланиш цобилятига эга булади. Реператив тикланиш вақтида мушак толаларида куп микдорда дифференциаллашмаган миобластлар ҳосил булади. Баъзи муаллифларнинг фикрича, миобластлар жароҳатланган мушакнинг ядро ва цитоплазма сацлайдиган бир булагидир. Мушак туқимасида сарколемманинг базал қавати ва асл плазмолеммаси орасида йулдош хужайраларнинг топилиши миобластлар йулдош хужайралардан ҳрсил булади, деган фикрга олиб келади (Студиц-кий А. Н.). Худди нормал гистогенезда булгани каби, миобластлардан мушак толалари тараний этади. Қайта тикланишда ҳам таравдийнинг 3 фазаси кузатилиши мумкин: 1) миобластлар фазаси, 2) мушак найчалари фазаси, 3) мушак толаларининг шаклланиш фазаси. Улай шароитлар булмаган ҳолларда мушак туқимасининг регенерацияси тулиқ ниҳоясига етмайди ва шикастланишда ҳосил булган дефект бириктирувчи туқима чандири билан алмашинади.

## Х БОБ

### НЕРВ ТБИЛИСИ (ТЕХТИЗМНУКОЗИЗ)

Нерв туцимаси юкори даражада ихтисослашган туқима булиб, туцималар ва организмнинг барча аъзоларини узаро алоқада булишини амда организмни ташқи муҳит билан боғланишини таъминлайди. Нерв туцимасининг асосий вазифаси таъсиротни қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш, организмнинг турли системаларининг фаолиятини уйрунлаштириш, координациялаш қабилардан иборат. Туқиманинг бу вазифаси тирик организмларнинг тарихий тараққиёти жараёнида вужудга келган.

Нерв туқимаси марказий ва периферик нерв системасини оқиб, бир-биридан бажарадиган вазифасига қараб кескин фарқ қилувчи икки хил зужайралардан ташкил топган. Биринчи тури *нейронлар* (невроцитлар) булиб, нерв хужайра ибораси худди шу хужайрага тегишлидир. Нейронлар нерв импульсини ҳосил қилади ва унинг тарқалишини таъминлайди. Нерв туқимасининг



118-расм. Нерв хужайралари ва нейроглиянинг турлари (схема).

1 — мультиполяр нейрон; 2 — биполяр нейрон; 3 — униполяр нейрон; 4 — псевдоуниполяр нерв цужайраси; 5 — эпсндимоглия; 6 — плазматик астроцит; 7 — толали астроцит; 8 — олигодендоглия; 9 — микроглия.

иккинчи хил ҳужайралари — *нейроглия* (глиоцитлар) келиб чиқиши буйича нейронлар билан боглиқ; бўлса ҳам бир атор ердмчи вазифаларни бажаради (118-расм).

**Нерв туцимасининг тарациёти.** Нерв туцимаси ташқи эмбрионал вара — *эктодермадан* ривожланади. Эмбрионнинг дорзал деворида *нерв* ластўнкасм.шаклланади. Сунгра у эгилиб, нерв тарновчасини ҳосил қилади. Нерв тарновчасининг четлари бура-

94 қ

либ, бир-бирига яқиялашади ва сунгра бирйкиб, *нерв найини* х бсил қ илади. Шу ваътнинг узида *эктодерма* четлари а(м узаро бирикиб, нерв найидан ажралади. Нерв найининг тери *эктодер-масидан* ажралиши давомида нерв тарновчасининг кутарилган четидаги хужайралар (тудаси) ажралади ва улар нерв найининг ев томонида жойлашади, булардан *ганглиоз пластинка* шаклланади. Нерв найидан кейинчалик бориб, бош ва орқа мия ҳамда нерв системасининг периферик цисмлари ривожланади, ганглиоз плас-тинкадан эса сезувчи нерв тугунлари ва вегетатив нерв системаси шаклланади. Таракъиётнинг илк босқичларида нерв найининг девори бир қават цилиндрсимон хужайралардан иборат булади. Бу хужайралар тез митотик булиниш натижасида нерв найи йуронлашади, куп қаватли (сохта куп қаватли) булиб қолади. Бу даврда нерв найи бир хужайра туридан — *медуллобластлардан* (тейиПа — мия, УзъБз — куртак) иборат булиб кейинчалик икки турга дифференциаллашади: 1) *нейробластлар* — думалоқ шаклдаги бирламчи нерв

хужайралари, улардан нейронлар ривожланади; 2) *спонгиобластлар* бирламчи нейроглиал хужайралар булиб, улардан ҳар хил нейрология хужайралари ривожланади. Бу хужайралар цисман узаро к\_ушилиб микроскоп остида ровак тузилишига (зроп^а — говак, губка) ухшагани учун улар спонгиобласт номини олган.

Юмалоқ шаклга эга бўлган усимтасиз нейробластлар диффе-ренциаллашиб, чузиц ноксимон шакл касб этади ва уларнинг уткирлашган учидан турноричсимон буртма шаклида нерв усимта-си ушиб чицади. Бундан келгусида нейрит ривожланади.

^ужайралар купайиши ва нерв найча деворида сурилиши натижасида нерв найида қуйидаги уч ^ават тафовут қилинади: 1) *ички — эпендима цавати*; 2) *(рта — ёпқич (мантия) цавати*; 3) *ташици — ^ирго^ вуали (парда) цавати*.

Ички эпендима цаватида жуда куп митоз булиниш руй беради ва ривожланишнинг илк босқичларида бу қават спонгиобластлар ва нейробластларни ҳосил ^илса, сунгра фацат *нейроглия* учун камбий булиб цолади. Аста-секин ички эпендима хужайралари призматик шаклни олиб бош мия к/эринчалари ва орқа мия кана-лининг эпендима хужайраларига айланади. Урта қават, нейроб-ласт ва улардан шаклланувчи *нейронлар* ^амда бирламчи нейроглиал асосни **ХОСИЛ** қилуьчи хужайралардан иборат. Шу к ават ^исобига орқа миянинг кулранг моддаси ^осил булади. Таш^и ^ават — циррок вуали (пардаси) нейробласт хужайраларини тутмайди, бу цаватга эпендима ҳамда ёпқич (урта) қават хужай-раларининг усимталари утиб, орца мия *утказувчи йулларининг* шаклланишида иштирок этади.

Нейронлар ва нейроглиал хужайраларнинг ихтисосланиш нерв системасининг турли қисмларида баробар бўлмайди.

Нейробластлар дифференцировкасининг илк белгиси — уларнинг таркибида ингичка иплар — *нейрофибриллалар* ҳосил бу-лишидир. Ядро ва цитоплазманинг субмикроскопик тузилиши ^ам узгаради: нейробласт цитоплазмасида рибосомаларнинг микдори ошади, цитоплазматик тур каналчалари ва пластинкасимон

— 497

Гольжи комплекси пайдо булади. Ядрога турли электрон зичлик-даги доналар ва иплар ҳосил булади. НатижЯда нейробластлар етук нейронларга айланади.

Сунгги пайтгача нейтробластлардан ҳосил булувчи нейронлар булиниш цобилятига эга эмас ва барча нейробластлар эмбрионал даврдаёқ нейронларга айланиб кетиши сабабли нерв систем асида янги нейрон ҳосил қила оладиган камбиал элементлар мутлако цолмайди деб ҳисобланар эди. Шу билан бирга ҳозирги даврда нерв туқимасини организмдан тацҳарида устирилганда (куль-турасида) нейронларнинг купайиши, шунингдек баъзан эмбрионал даврдан кейин ҳам периферии ва марказий нерв системасида нейронлар амитоз ва митоз йули билан булиниши маълум бўлди.

## НЕЙРОНЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ

Нейрон нерв хужайраси булиб, танаси, усимталари ва нерв охирларида^н ташкил топган. Невр хужайрасининг шакли ва катта-лиги нерв системасининг турли қисмларида турличадир. Уларнинг катталиги 4—6 мкм дан (миячанинг донадор ^авати) ШО—130 мкм; гача(бош мия пуст.Лок; ^исмининг Бец ^ужайралари) булишй мум-^кин. Невр ^ужайраларининг шакли, уларнинг усимталари сонига *борлх*. Вир усимтали нерв ^ужайраларининг шакли одатда дума-лок ёки колбасимон, икки усимтали нерв ^ужайралари дуксимон, куп усимтали нерв ^ужайралари эса нотурри шаклда булади. Невр ^ужайраларининг узига хос хусусияти уларда усимталар булишидир.

Невр х,ужайрасининг ядроси купинча хужайра марказида жой-лашиб, хроматини кам бўлгани учун оч буялади. Унинг ичидаги ядроча ядрога нисбатан буёкларни яхши цабул қилади, шунинг учун у оч буялган ядродан яцқол ажралиб туради. Ядро, ядроча ва ядро тешиклари комплекси жуда лабил (таъсирчан) тузилма-лар булиб, турли таъсирлар ва патологик ҳолатларда Узгаради.

Невр хужайрасининг цитоплазмасида умумий органеллалар ва

шунингдек фақат нерв хужайраларига мансуб булган махсус тузилмалар—*тигроид модда* (Ниссель таначалари) ва *нейрофибрилларнинг* борлигини куриш мумкин. Тигроид модда ва нейрофибриллар оддий микроскоп остида қаралганда перикарион цисмларда жойлашганлиги куринади.

Тигроид модда % ёки Ниссель субстанцияси биринчи марта Ниссель томонидан 1889 йилда аниқланган. Еруғлик микроскопи остида тигроид модда чегаралари аниқ куринмайдиган тузилмалар булиб, нерв хужайрасининг цитоплазмаси ва дендритларида жойлашади (119-расм). Нейритлар эса бу моддадан мустаснодир. Базофил модданинг тузилиши, шакли ва жойлашиши барча хужайраларда бир хил эмас. Масалан, орқа миянинг мотор хужайраларида тигроид модда йирик нотурри шаклда ва ядронинг атрофида зич, цитоплазманинг четки қисмларида эса одатда майдароқ ва сийракроқ жойлашади. Спинал ганглийнинг сезувчи з<sup>у</sup>жайраларида чангсимон доначалар ҳолатида, вегетатив нерв системасининг купгина тугунларида базофил модда майда доначалар шаклида булади. Бошқа ганглийларда • (цуёш чигали тугунлари ва бопхалар) тигроид модда хужайра танаси, дендритларини тулдириб турувчи йирик доначалардан иборат.

Базофил модда электрон микроскоп остида цитоплазманинг рибосомалар, биобарин, РНК ва донадор цитоплазматик тур куп жойлашган соҳасига турри келади. Агар РНК оцсил синтезида фаол иштирок этишини назарга олсак, тигроид модда нейронларнинг махсус вазифаси учун зарур булган оксил моддани актив синтез цилади, деб ҳисоблаш мумкин. Дендритларда донадор цитоплазматик тур баъзан кенгаймалар ҳосил қилувчи найчалар шаклига эга.

Базофил модданинг миқдори ва тузилиши ҳамма вақт хужайранинг функционал ҳолати билан узвий *борлх* булиб, доимо бир хил булмайд. Агдан ортик зуриқданда, давомли нерв кузгали-шида ёки баъзи бир шикастланишларда (нерв усимталарининг кесилишида), кислороднинг етишмаслиги, заарланиш кабиларда базофил модда аввал дендритларда, сунгра ядро атрофида эриб кетади ва йуқолади. Базофил модданинг эриб кетишига *хроматолиз* (*тигролиз*.5) дейилади. Тигроид к айта осил булиши мумкин. Шунинг учун нейронлар нормал ҳолатга утганда базофил модданинг тикланиши руй беради.

Нерв з<sup>у</sup>жайрасининг нейроплазмасида куп сонли митохондриялар булиб, улар аксоннинг чициш жойида, рецепторлар ва нейронлараро синапслар со<sup>а</sup>сида купроқ жойлашган. Ядрога яцин ср<sup>а</sup>да кучли ривожланган Гольжи комплекси элементлари аниқланади. У айница мия пустлогининг «<sup>а</sup>ракатлантирувчи хужайраларида, ор<sup>а</sup> мия олдинги шохлари ва спинал ганглий хужайраларида кучли ривожланган.

Нерв хужайраларининг цитоплазмасида икки хил пигмент киритмалар учрайди. *Меланин* қора, дагал, турли катталиқдаги доналар сифатида фақатгина цора модданинг нейронларида ва сайёр (п. уа<sup>ш</sup>из) нервнинг дорзал ядросида учрайди. *Липофусцин* липоидлар сақловчи модда булиб, майда доналар сифатида ҳамма нерв хужайраларида учрайди. Ёш улрайиши билан бу пигментнинг миқдори ошади.

Нерв хужайрасининг усимталари тузилиши ва функцияси жиҳатидан бир<sup>а</sup>биридан фарқ цилувчи *дендрит* ва *нейрит* (аксон) га булинади. Нерв импурсини ҳаракат потенциали сифатида ҳосил қилувчи хужайра усимталари *дендритлар* (юнонча йеппйгоп — дарахт) деб номланади. Дендрит буйича импульс хужайра танаси томон интилади. Улар унчалик узун эмас ва нейрон танаси яқинида дарахтга ухшаб шохланиб тугалланади. Дендритлар -миқдори турли нейронларда турличадир. Купчилик дендритлар махсус тузилишга эга булган сезувчи нерв охирлари (рецепторлар) билан тугайди. Иккинчи хил усимталар *нейрит* ёки *аксон* (юнонча ах!5 — уқ) нерв хужайрасидан анча узок, масофа-гача давом этади. Усимталар узунлиги бир неча микрондан 1 — 1,5 м гача булиши мумкин. Нейритлар .нерв хужайрасидан чиққандан сунг ён шохчалар — коллатераллар ҳосил қилиши мумкин. Нейритлар нерв импульсларини нерв з<sup>у</sup>жайраси танасидан бошқа нерв з<sup>у</sup>жайрасига ёки ишчи органларга (мушак, безлар) утказди ва уларда нерв охирлари з<sup>а</sup>осил қилиб тугалланади.

Дендритлар бутун буйи буйича бир хил йуронликка эга булмай, баъзи жойларида буртиб чиққан *думбоцалар* (шипиклар) з<sup>а</sup>осил

Килади. Думбо^чаларда электрон микроскоп остида параллел жойлашган цитомембраналар мавжуд булиб, думбоцча юзасига перпендикуляр жойлашган. Улар з^ужайра танасининг ва дендритлар юзасининг 40% эгаллайди. Думбоқчаларда бошқа ^ужайранинг усимталари келиб тугайди ва нейронлараро контактлар зуэсил цилади.

Аксонлар бутун буйи буйича думбоқчалар ҳосил қилмайди, лекин охири конуссимон кенгайиб аксон «тепалиги» (холмик) билан тугайди. Аксон тепалиги тигроид моддадан ҳоли булиб, уни дендритдан ажратиш қийин эмас. Бу соҳада электрон микроскоп остида купина нейрофиламентларни ва микронайчаларни куриш Шумкин.

Усимталар сонига қараб: 1) *униполяр* — битта усимтали хужайралар; 2) *биполяр* — икки усимтали хужайралар; 3) *мультиполяр* — уч ва ундан ортиқ усимтали нерв ^ужайралари фарқланади (118-расмга 1^). Бундан ташқари, псевдоуниполяр нерв з^ужайралари з^ам мавжуд. Униполяр з^ужайралар жуда кам ва асосан кам дифференциалланган >ужайралардир. Улар ноксимон шаклга эга-булиб, ундан битта усимта —нейрит чиқади. Муаллифлар фикрича, бу нейрит з^ужайра танасида з^осил булган импульс-ни бошқа з^ужайраларга узатади. Псевдоуниполяр з^ужайралардан з^ам бир ^симта чиқиб, нерв з^ужайрасининг танасидан чиққандан сунг «Т» шаклида иккига булинади: булардан бири маркЭзий нерв системасига импульс олиб келувчи нейрит ва иккинчиси периферия томон йуналиб, у ерда сезувчи нерв охирини ҳосил қилиб тугалланувчи дендритлардир (бу хужайралар спинал ганглийларда жойлашади).

Биполяр нерв з^ужайраларидан 2 усимта чициб, улардан бири нейрит, иккинчиси дендритдир. Одам организмида улар унча тарқалмаган булиб, кузнинг тур пардасида, ички қулоқнинг спирал ганглийларида учрайди.

Мультиполяр нерв, з^ужайралари — одам ва з^айвон организмида энг кенг тарқалган нерв хужайралари турларидан булиб, уларда учта ва ундан ортиқ усимталар бор. Бу ^симталарнинг фақат биттаси нейрит булиб, қолганлари дендритдир.

Бажарадиган вазифаларига қараб нейронлар сезувчи (рецептор), ассоциатив ва эффектор (ҳаракатлантирувчи ёки мотор) нейронларга булинади. Биринчилари ташқи ёки ички муҳит таъсирида нерв импульсларини ҳосил қилади. Эффектор нейронлар қузрзлхни турли органларнинг туқималарига утказиб, уларни >аракатга ундайди. Ассоциатив (оралик) нерв з^ужайралари нейронларни узаро боғлаш вазифасини утайди.

Нейронларнинг цитоплазмаси ва усимталарида нейрофибриллалар булиб, улар ингичка иплар шаклида аниқланади,- Кумуш тузлари билан импрегнация ^илиш бу ипларнинг ани^лашнинг энг яхши усулидир. Нерв хужайрасининг танасида улар зич тур ҳрсил қилиб, усимталарда узунасига йуналиб узаро параллел жойлашади.

Нейрофибрилляр аппарат жуда уйрун булиб, хужайранинг турли ҳолатига қараб тез узгариши мумкин. Узок, йиллар давомида нейрогистологлар нейрофибриллаларнинг сонига, жойлашишига қараб нерв системаси касалликларини тушунтириб келишган. Аммо электрон микроскоп остида олинган далиллар нейрофибриллаларнинг оддий микроскопда курунган ипчалар ҳолида эмаслигини тасдиқлади. Электрон микроскоп нерв хужайрасининг цитоплазмасида ва унинг усимталарида эни 10 нм атрофдаги фибрилляр тузилмалар (нейропротофибриллалар) мавжудлигини, бу протофибриллалар бошқа хужайралардаги микрофиламентларга ухш^аш тузилганлигини курсатди. Кумуш билан импрегнация килинганда аниқланадиган диаметри 0,3—0,5 мкм келадиган анчагина йугон нейрофибриллалар протофибриллаларга кумуш тузи утириши натижасида ^осил булиши мумкин.

Нерв ^ужайрасининг цитоплазмасида ва дендритларида диаметри 25 нм булган микронайчалар ҳам булиб, улар фақат оксилдан ташқил топган ва турли таъсирларга ута сезгирдир.

Нейросекретор з^ужайралар. Миянинг маълум булимларида куп сонли мукопротеид ёки гликопротеид табиатли секретер доначалар тутувчи нейронлар мавжуд («Гипоталамуснинг тузилиши» сарлав^асига ^). Бундай секреция цилиш ^обилияти бор хужайралар — *нейросекретор* ^ужайралар деб номланади, Бу э^ужай-



ралар нейроннинг физиологик белгилар билан бирга без ҳужайра-ларининг белгиларини ҳам мужассамлаштиргандир. Нейросекрет, чамаси, донатор ретикулумдан иборат булган тигроид модда билан борлиқ >олда синтезланади. Нейросекрет Гольжи система-сида доналар куринишида шаклланади, бундан таихари, полисахаридлар билан туйиниши ҳам мумкин. Етилган секретор мах,сулотлар аксонлар буйлаб сурилади ва усимталарнинг, рхиридан ажралади. Шунн таъкидлаш керакки, одатдаги нейрбнлардан фарцли улароц, секретор ма^сулот синапслар соҳасида ажралмас^дан, балки конга ёки мия суюқлигига ажралади. Умуртцали хайвонларда нейросекретор хужайралар бош миянинг преоптик ядроси ^амда гипЛаламик соҳанинг супраоптик ва паравейтрикуляр ядроларида учрайди. Бу нейросекретор хужайраларнинг аксонлари нейрогипофиз ва аденогипофиз томЪн йуналиб, улар билан бирга умумий системани ташкил қилади. Ажраладиган секретор махсулотни гормон деб қараш керак

## НЕЙРОГЛИЯ ^ЕиКОСЎА)

Нейрогдия (юнонча §Па — елим, нерв елими) ёрдамчи туки-ма булиб узининг тузилиши ва фаолияти буйича турлича булган купгина х^жайралардан иборат.

Нейроглия — *таянч* (марказий ҳамда периферик нерв систе-масининг стромасини ташкил к;илади), *чегараловчи* (чегараловчи

246

глиал пардалар ҳосил қилиб нерв элементларини атрофдаги **бн-**риктирувчи туцимадан ажратиб туради), *трофик* (нерв ^ужайрала-ридаги модда алмашинишида иштирок этади, *%имоя* (мультипо-тенциал ва микроглия хужайралари) ва \* *секретер* вазифани утайди.

Нейроглия нерв охирларининг тузилишида иштирок этиб, нерв импульси ҳосил булишида ва уни утказишда ҳамда нерв толаларннинг дегенерацияси ва регенерациясида иштирок этади.

^амма нейроглия элементлари икки генетик турга — м а к-роглия ва микроглияга булинади.

## МАКРОГЛИЯ

Макроглия элементлари эктодермадан ривожланади. Унинг хужайраларини кумуш билан ишланган препаратларда куриш мумкин. Макроглия уз навбатида *астроглия*, *эпендимоглия*, *олигО' дендроглия* ва *мультипотенциал* глияга булинади.

**Астроглия.** Астроцитар глия марказий нерв системасининг ~ (МНС) таянч аппаратнўй хрсил қилади. У майда куп ^симтали кичик хужайралардан иборат булиб, нурли юлдуз куринишига эга. Бундай типдаги нейрология хужайралари астроцитлар (юнонча аз!го — юлдуз: су!оз — ^ужайра) номини олади. (118-расмга қ.).

Усимталарининг тузилишига қараб 2 хил астроцитлар фар^-. ланади: 1) *плазматик* ёки қисқа нурли астроцитлар; 2) *толали* ёки узун нурли астроцитлар.

**П л а з м а т и к** ёки қисқа нурли астроцитлар МНС асосини х,осил қилади ва асосан кулранг моддада, яъни нейронлар соҳа-сида жойлашади. Бу хужайраларнинг танаси куп ^иррали булиб, ундан катта куп тармоқланувчи ва «оёқчалар» ҳосил қилиб тугов-чи усимталар чи^ади. ^ужайра катталиги 15 — 20 мкм булиб, ядроси нисбатан катта, хроматини камдир. Цитоплазмасида к^п микдорда гликоген, митохондриялар ҳамда сует ривожланган донатор цитоплазматик тур топилган.

**Т о л а л и** ёки узун усимтали астроцитлар асосан МНС оқ мод-дасида, яъни нерв толалари со^аси^да жойлашган. Уларнинг ^ужайра танаси нисбатан кичик булиб, шакли чузинчокдир. Кат-талиги 10 — 20 мкм булиб, цитоплазманинг куп қйсмини ядро -эгаллаган. Дужайра танасидан 20 — 40 тагача ингичка кам шох-ланувчи усимталар чиқиб, глиал толаларга айланади ва миянинг таянч аппаратини ташкил цилади. Астроцитларнинг усимталари купинча майда қон томирлар деворларида турногичсимон кенгай-малар (периваскуляр оёқчалар) ҳосил қилиб тугалланади.

**Эпендимоглия.** Нерв найининг ички эпендима қаватидаги спон-гиобластлардан ривожланади. Нерв найининг ички сиртини қоп-ловчи бир қават хужайралар призмасимон ёки кубсимон эпите-лийга ухшаш шаклни олади.

Етук эпендимокитлар эпителий каби цилиндрсимон шаклда

булиб, орқа мия канални ва бош мия қоринчаларининг деворини қоплаб туради (118-расмга қ.). Бош мия қоринчаларининг қон томирлари чигалларини ҚОГЛОБЧИ эпендима хужайра-лари кубсимон шаклга эга.

947

Эпендимоцитлар цитоплазмасида митохондриялар, ёғлар, пигментлар ва бошқа тузилмалари учратилиши мумкин. Эпендимоцитлар чегараловчи, таянч вазифаларни бажаради ҳамда цереброспинал суюқликни ҳидеил қилишда иштирок этади. Айрим хужайра-лар эса секретор функцияни утайди. Эпендимоцитларнинг нерв найининг ичига қараган юзасида эмбрионал даврда килпикчалар булади, улар постэмбрионал даврда йуқ булиб кетади ва МНСни фахатгина айрим цисмларидагина сақланиб қолиши мумкин. Бу ^ужайраларнинг базал қисмидан эса биргина узун усимта чиқади. Бу усимта тармоқланган ва тармоқланмаган булиши мумкин. Тармоқланмаган усимталар миянинг оқ ва қуланг моддасида жойлашган нейронлар ва глия хужайраларининг усимталарига тегиб этади. Глиоцитларнинг усимталари купинча шохсимон тармоқланган булиб, улар нерв найининг х^амма қаватларидан утиб, ташқи чегараловчи мембранани хрсил ^илишда иштирок этади.

Олигодендроглия. Унча катта булмаган з^ужайралардан иборат булиб, шакли турличадир (118-расмга қ.). Уларда думалоқ кичик ядро булиб, у юбка донатор цитоплазма билан уралган. Бу яужайраларнинг усимталари кам ва суёт тармоқланган (юнонча ойдоз—кам). Олигодендроглиоцитлар миянинг оқ ва қуланг моддасида кенг тарқалган булиб, МНС ва периферик нерв тугунларининг ^ужайраларини ураб туради (глиоцит сателлитлар) ёки миелинли ва миелинсиз нерв толаларининг пардалари хрсил булишида з^амда нерв охирларининг шаклланишида иштирок этади (Шванн хужайралари — леммоцитлар). Улар трофик функцияни бажаради, нерв хужайраларининг модда алмашинув процессида иштирок этиб, нерв толаларининг дегенерацияси ва регенерациясида аҳамияти катта. Ва ниярат, нерв охирларини ^осил қилишда иштирок этганлиги сабабли, нерв импульсини қабул қилишда қатнашади.

Олигодендроглиоцитлар актив оксил ва бошқа моддаларни синтез қилиш қобилиятига эга. Бу хужайрада донатор цитоплазматик тур ва Гольжи комплекси кучли ривожланган. Олигодендроглиоцитлар узига сув йириш ва натижада шишиш қобилиятига эга булиб, бу ҳолат турли патологик шароитда юзага келади ва огир клиник симптомларга сабаб булиши мумкин.

Мультипотенциал глия. Сунгги йилларда макроглия хужайраларининг туртинчи мультипотенциал глия деб номланувчи тури аншуханди (Уайдън Л. Е. ва бошқалар, 1968, 1971 и. и.) Бу з^ужайраларнинг ульттаструктураси, микроморфологияси, мияда тарқалганлиги ва жолашишига кура макроглиядан фарқ қилиш цийин. Булар майда ^ужайралар булиб, кичик усимталарга эга. Бирок, келиб чиқиши ва функцияси жи^атидан бу ^ужайралар макроглиядан тубдан фарқ қилади. Булар нейроэктодермал хужайралардан ҳосил булган бўлса, макроглия хужайралари клас-<sup>1</sup> сик текиришлардан асосан миянинг юмшоқ, пардасининг мезенхима элементларидан ёки адвентиция хужайраларидан (перикцитлардан) ҳосил булади. Мультипотенциал глия номига яраша булиниш ва дифференциалланиш қобилиятига эга. Бу хужайралар бошқа типдаги макроглия хужайраларига — астроцитларга, олигодендроглиоцитларга шаклланишида цитоплазмасида шу хужайраларга хос узгаришлар руй беради. Мультипотенциал хужайралар *макрофагларга* ҳам айлана олади. Кейинчалик улар миелин парчаларини қамраб олади (нервнинг Уоллер дегенерациясида) ва уларни эритади, баъзан эса куп микдорда липид киритмаларини туплаб олади. Цитохимиявий усул билан мультипотенциал глиоцитларда куп микдорда кислотали фосфатаза борлиги, электрон микроскопик текширилганда уларнинг цитоплазмасида куп сонли лизосомалар аниқланган.

#### МИКРОГЛИЯ (ГЛИАЛ МАКРОФАГЛАР, ГОРТЕГ ^УЖАЙРАЛАРИ)

Улар майда ядролари яхши буяладиган хужайралардир. Х^ужайралар танасида унча катта булмаган нотурри шаклда усимталар чиқади (118-расмга қ.). Шу усимталар ёрдамида амёбасимон ҳаракатланиши мумкин.

Амёбасимон ҳаракатланиш даврида хужайранинг шакли узга-

ради, усимталар хужайра танасига тортйлиб узига хос донали шар шаклини олади. Микроглия халок буллаётган нейрон, нерв толаси ва бактерияларни фагоцитоз цилиш қобилиятнга эга. Охирги пайтда мезенхимадан такомиллашувчи микроглия тугри-сидаги далиллар баъзи муаллифларда шубҳа турдирмоқда.

Шундай қилиб, иейроглия нерв системасининг ёрдамчи туки-маси булиб, у билан узвий борли^ ва нерв системасининг асосий вазифасини бажаришида фаол қатнашади.

#### НЕРВ ТОЛАЛАРИ ^Е11КОР1ВКА)

Нерв толалари деб глиял парда билан уралган нерв хужайра-ларининг ^симталарига (нейрит ва дендритларга) айтилади. Нерв толалари пардаларининг тузилишига кура икки группага булина-ди: 1) *Миелинсиз нерв толалари*. 2. *Миелинли нерв толалари*.

Миелинли ва мнелинсиз нерв толаларининг марказида ук цилиндр жойлашган булиб, у нерв хужайрасининг усимтасидир. Ук цилиндр олигодендроглия хужайралари ҳисобига з^осил булгак пардалар билан уралган. Бу хужайралар Шванн хужайралари ёки леммоцитлар дейилади.

Миелинсиз нерв толалари ҳам марказнй, ҳам пери-ферик нерв системасида учрайди. Асосан вегетатив нерв системасининг нерв стволларини х,осил қилади. Миелинсиз нерв толаси Шванн хужайраси билан уралган ук цилиндрдан иборат. Бунда Шванн хужайрасининг цобиги ук, цилиндрни рилоф сингари ураб туради. Леммоцитларнинг пардалари жуда юпқа булганлиги са-бабли ёрурлик микроскопида хужайра чегаралари куринмайди. Шванн х,ужайраларининг цитоплазмаси нозик лента сифатида ку-риниб, унинг маълум ерларида ядролар жойлашган. Ядро чужин-чоц ёки таёкча шаклида булиб, ук цилиндрининг узунаси буйлаб жойлашган. Ташқи томондан Шванн хужайраси базал мембрана билан қопланган,. Бир Шванн ^ужайрасининг танасидан бир неча (3—5, баъзан 10—20) ук цилиндр утган булиши мумкин. Бунда и бир неча ук цилиндрга эга булган нерв толасини «кабель типид а г и» толалар дейилади (120-расм).



120-рaсм. «Кaбeль» типидaгнeрв тoлacининг элeктpoн мпкpoфoтoгpaммacи.  
X 25.000.

1 — Швaнн ^ужaйpaси цитoплaзмa cи; 1 — Швaнн вджaПpaси ядpoси; 3 — </к цялкндpяap.



Электрон микроскоп остида текши-ришлар шуни курсатадики, ук; цилиндр таракдиёт давомида Шванн хужайра ичига ботиб киради ва шу йусинда леммоцит деворида чуқурча ҳосил қилади. Чуқурчанинг деворлари ук/ цилиндрни ҳамма томонидан ураб олади ва унинг сч деворлари бирлашиб икки мембраналч тузилма — *мезаксонни* х,осил цилади (121-рсм).

Миелинли нерв толалари узун ипсимон тузилишга эга бўлиб, бу толалар миелинсиз толаларга Караганда анча йугон ва уларнинг диаметри 1—20 мкм гача етади. Миелинли нерв толасида 2 цисмни — ички, анча йугон ^исмни ҳамда ташқи юпқароц — Шванн ^ужай-раларининг юпқа цитоплазмасидан ибo-


122-расм. Миелинли нерв толаси. Осмий кислота-си билан буялган. К,уймич нервидан тайёрланган. Об. 40, оқ 10.

1 — ук цилиндр; 2 — *миелинли* парда; 3 — *неврилемм*» (Шванн пардаси); 4 — Ранвье бурицлари.

251

рат цисмни фарқ цилиш мумкин (122-расм). Толаларга осмий кислотаси билан таъсир цилганда унинг миелин цисми қора ёки тук, жигар рангга буялади, чунки унинг таркибида липоид ва оқ-сил моддалар бор. Парданинг миелинли цисми маълум бир масо-фада (бир неча юз мкм дан, бир неча мм гача ) узилади — буни *Ранвье бугицлари*, тугун буриқлар ОзШтиз посН) дейилади. Ранвье бугицлари ёрдамида тола айрим сегментларга булинади. Буриқлар з^ар бир леммоцитнинг чегараси бўлиб, улар орасидаги миелин цаватда оз ёки куп микдорда қия жойлашган чизиклар-Шмидт — *Лантерман кертцлари* бор. Уз таракқиёт даврида булруси миелинли нерв толасининг ук цилиндри, миелинсиз нерв толаси каби, Ҳваин

Ужайралари тизимчасига ботиб киради. Леммоцит аксил қилган чуқурчанинг ён деворлари анча кутарилган бўлиб, уқ, цилиндрни белбор каби ураб туради. Аста-секин леммоцитнинг четки учлари узаро яқинлашади ва бирикади, натижада икки мембранали структура — мезаксонни аксил қилади. Сунгра мезаксон узунлашади ва концентрик зрлатида уқ цилиндр атрофида (121-расмга қ.) 1?ралади. Хуявнг натижасида леммедит цитоплазмаси тораяди ва уқ цилиндр атрофида зич зона — *миелин цавати* аксил булади (123-расм).



123-расм. Миелинли нерв толасининг аксил булиш схемаси.

1 — аксолема ва Леммоцит қобигининг «заро муносабати; 2 — ерик; 3 — аксолема ва леммоцит қобиги; 4 — леммоцит цитоплазмаси; 5 — мезаксон (Робертсондан).

Маълумки, икки конурли мембрана липид ва оксиллардан ташкил топганлиги сабабли ёр аниқловчи бўёқлар билан бўялганда у мусбат реакция беради. Электрон микроскоп миелинни мезаксоннинг концентрик тақрорланишидан иборат эканлигини курсатди. Миелин парда мезаксоннинг устма-уст қатламларидан иборат бўлиб, бунда оч ва туқ бўялувчи қаватларни криш мумкин. Оч бўялувчи қават липоид молекулаларидан, туқ бўялувчи қават эса оксил молекулаларидан тузилган. Хуни инобатга олиш керакки, мезаксоннинг уқ цилиндрга урालиши Шванн ужайрасининг усиши ва уқ цилиндрнинг узунлашиши билан бир вақтда боради. Шунинг учун мезаксонни ар бир урами бир-бирининг устига тушса ам, ар бир урамнинг чети албатта уқ цилиндрга

252

етиб тегади. Боқхача қилиб айтганда мезаксоннинг кейинги урами олдинги урамларидан кенгроцдир. Шмидт — Лантерман кертиклари миелин пардаси маълум цисмларининг зич тегиб ет-маслиги натижасида хрсил булгани учун улар миелин қаватнинг боиха қисмларига қараганда очроқ бўялади. Миелин қават Шванн хужайраларининг ядро ва цитоплазмасини четга суриб ниҳа а-ватни аксил қилади.

Уқ цилиндр нерв зужайрасининг аксимтаси бўлиб, унинг нейроплазмасида узунасига жойлашган нейрофибриллалар ётади. Электрон микроскопда нейрофибриллалар нейрофиламент ва нейротубулаларга мос келади. Сиртдан уқ цилиндр нерв импульси утказилишини таъминловчи мембрана—аксолема билан уралган. Уқ цилиндрдаги митохондриялар асосан Ранвье буриқларч соасида амда нерв толаларининг охириги аппаратларида тупланган. Шундай қилиб, электрон микроскоп остида миелинли нерв толаси қуйидаги қисмлардан тузилганлигини қайд қилишимиз мумкин. Миелинли тола марказида нерв зужайрасининг аксимтаси уқ цилиндр жойлашади. Уни чегаралаб турувчи плазматик мембрана — аксолема эса мезаксоннинг бир неча қаватидан иборат миелин қаватига тегиб ётади. Миелин ташқи тарафдан Шванн хужайрасининг (леммоцитнинг) ядро сақловчи юпка цитоплазма-си билан уралган. Цитоплазма леммоцитнинг ташқи плазмолем-маси воситасида уни ураб турувчи базал пластинкадан ажралиб туради. Базал пластинка атрофида коллаген толаларни ва баъзан фибробласт хужайраларни учратиш мумкин.



Нерв толаси буйлаб импульснинг тарқалишида аксолема асосий урин тутади. Мембрана назариясига мувофиқ импульснинг утиши аксолемманинг танлаб ўтказиш қобилиятига боғлиқ. Маълумки, ҳамма ўжайралар сингари нерв ўжайраси ҳам поляризацияланганга олатда бўлади. Нейроннинг поляризация олати асосан натрий ва калий ионлари концентрациясига (микдорига) боғлиқ бўлиб, одатда ўжайра ичида ҳужайра ташқарисидагига Караганда тахминан натрий-ионлари 8 — 10 марта кам, калий ионлари 40 — 50 марта к<sup>п</sup>. Нейрон аксолеммаси ионларни танлаб ўтказиш қобилиятига эга бўлиб, тинч ҳолатда калий ташқарига, натрий эса ичкарига киришга мойил бўлади. Калий ионларни ташқарига натрий ионининг киришига нисбатан тезроқ чиқади. Натижада ўжайра ичида манфий анионлар кўпроқ йирилиб, ўқ цилиндр ичининг манфийлигини белгилайди. Потенциал маълум <Зирликка етгач нейрон ичидаги манфий потенциал калийнинг ташқарига чиқишига арилиқ курсатади. Потенциалнинг ўзгармас (стационар) ҳолати сақланишида натрий-калий насоси муҳим роль уйнади. Бу насос натрий ионларини ҳужайра ташқарисига, калий ионларни эса ҳужайра ичига актив транспорт қилади. Шундай қилиб, ўжайранинг тинч (қузғалмаган) олатдаги потенциали юзага келади. Бу потенциал ўжайрадаги модда алмаши-нув жараёнлари ёрдамида (хусусан АТФ зисобига) ўшланиб туради.

Турли таъсирлар натижасида нерв импульсининг зосил бўлиши нерв ўжайраси мембранасининг натрий учун ўта тез ўтувчи

253

згарувчанлигига боғлиқ. Таъсир натижасида невролема орқа-ли натрий ионлари аксоплазмага ўтиб, унинг манфийлигини Камайтиради, яъни нерв усимтасининг бир қисмида деполяризацияни юзага келтиради. Бу ҳолат ўз навбатида ўқ цилиндрининг қуш-ни участка мембранаси ўтказувчанлигини ўзгартиради, сунгра деполяризацияга олиб келади ва ҳоказо. Деполяризацияга ўчраган қисм эса бир неча милли-секунд ичида узини аввалги ҳолатига қайтади.

Баён этилган мулоҳазалар миелинсиз нерв толаларидан нерв импульси ўтишини (1—2 м сен) аниқ тушунтириб беради. Миелинли нерв толасида миелин изолятор (ажраткич) ролини ўйнайди, чунки унинг липопротеид қаватлари ионларнинг ўтишига тўсқинлик қилади. Миелин қават бўлгани учун нерв қузғалиши бутун тола бўлаб бўрмай, Ранвье бурицлари орасида бўладм, холос. Натижада деполяризацияга ўчрайдиган қисмлар маълум масофада бўлиб (қўпинча 2 — 2,5 мм), нерв импульсининг тез ўтишини (5—120 м сек) белгилайди. Нерв импульсининг бундай ўтишини Ранвье созалари бўлаб *сакраб ўтказиш* деб тушунтириш мумкин.

•'.--.... V.

Нерв толаларининг дегенерацияси ва регенерацияси. Нерв толаси нерв ўжайрасининг усимтаси бўлиб, зўжайра танаси билан ўзвий бўрланган. Нерв толаларининг дегенерацияси ва регенерация жараёнлари экспериментал шароитда батафсил ўрганилган. Бунинг учун нерв усимтасини нерв ўжайраси жойлашган ердан (бош ёки орқа миёна ганглийлари) маълум бир масофада кесилади. Нерв толасининг кесилгандан юқори, нейрон танасига яқин қисми марказий, нерв толасининг пастга қараган қисми периферик қисм дейилади. Нерв толасини кесиш унинг марказий ва периферик қисмларида реакцияни ўйотибгина қолмасдак, нерв ўжайраси танасини ҳам ўйғотади, чунки у ўз усимталари билан бир бутундир. Бундан ташқари, нерв толаларининг кесилиши нейроглиа ва атрофдаги бириктирувчи тўқима томонидан ҳам реакция

уйғотади ва натижада чандиқ туқима ривожланади. Чандиқ туқима нейроглия элементларидан з^амда .. бириктирувчи туХимадан иборат. Шу чандиқ орқали келгусида регенерация қи-лувчи нерв толалари ушиб утади. Нерв ^ужайраси танасида бир қатор узғаришлар содир булади. Унинг ^ажми катталашади, ядреси з^ужайра танасининг четки цисмига силжийди (ядронинг эксцентрик жойлашй%1и) Базофил модда узғариб тигролизга уч-райди, кейинроқ тамоман йуқ булиб кетади. Бундай процесс ядро атрофида бошланади ва четки цисмларга тарқалади, бу марказий тигролиз ёки хроматолиздир.

Кесилгандан сунг зудлик билан нервнинг ҳам периферик, ҳам марказий қисмларида узғаришлар руй беради.

Марказий булак *ретроград* — юқорига кутарилувчи дегенера-цияга учрайди (бошқача цилиб айтганда, жароҳат булган жой-дан нейрон танасига томон йуналган), периферик булак эса паст-га тушувчи (Уоллер) дегенерацияга учрайди. Периферик булак уқ цилиндр кесилгандан кейинги дастлабки икки кун давомида жуда тез шишади ва варикоз буртмалар ҳосил цилади. 3 — 5 сут-

254

ка давомида уқ цилиндр алоҳида-алоҳдца жойлашган цисмларга— фрагментларга булинади (фрагментация). Шу билан бир вақтдз миелин йу^олади (электрон микроскоп остида курилганда миелин қават мембраналари емирилган булади). Миелин томчилари ва уқ цилиндр фрагментлари сурилиш (резорбция) процессига юз тутаяди ва бунда глиал элементлар асосан мультипотенциал глиа ва астроцитлар ҳамда бириктирувчи туқима макрофаглари ишти-рок этади. Глиал элементлар тез булиниб бир қатор булиб жой-лашади ва натижада Бюнгнер ленталари ва тизимчалари ҳрсил булади. Бюнгнер ленталари ёки тизимчалари чандиқ туқима ичига ^ам периферик, ҳам марказий қисмлардан ушиб киради.

Айни вақтда марказий булакнинг уқ цилиндрларида регенератов процесслар ҳам содир булади. Унинг охирларида колбасимон буртмалар (*боши колбалари*) з^осил булиб, улар периферик томов уса бошлайди ва глиал чандиқдан ^сиб утиб, периферик булакнинг Бюнгнер ленталари томон йуналади. Кейинчалик миелин з^осил булади ва тола узининг нормал шаклини тиклайди. Шуни айтиб ^тиш керакки, нерв толаси асосан глиал чандиқ бор булиб, периферик ^амда марказий булак орасидаги масофа кичик бул-ганда қайта тикланади.

## СИНАПСЛАР, НЕРВ ОХИРЛАРИ

Нерв ^ужайраси ^симталарининг бошқа нейронлар ёки нерв булмаган тузилмалар билан ^осил цилган маҳбус бирикмаларига, *синапслар* (юнонча — *συναπσις* — бирикиш, қўшилиш) деб аталади.

Икки нерв ҳужайраларининг узаро бирикиши организмдаги синапсларнинг асосий қисмини ташкил қилиб, уларни *нейронлар-аро синапслар* деб аталади. Агар нерв ҳужайраси усимталари нерв булмаган тузилмаларда (рецептор ^ужайраларда, мушак толаларида, безларда ва бошқа бир қатор туқималарда) тугаса, бу синапслар *нейроэффектор* ва *нейрорецептор синапслар* ёки *нерв охирлари* деб юритилади.

## НЕЙРОНЛАРАРО СИНАПСЛАР

Икки нерв ҳужайраси орасида синапсларнинг цуйидаги тур-лари фарқланади: 1. Аксосоматик синапслар (биринчи нейрон-нинг аксони иккинчисининг танасида тугалланади).

2. Аксодендритик синапслар (биринчи нейроннинг аксони иккинчи нейрон дендритлари билан синапслар ҳосил қилади (124-расм).


3. Аксоаксонал синапслар (биринчи нейроннинг аксони иккинчи нейрон аксонидида тугалланади).

Х^озирги вақтда икки нейрон танаси уртасида ва



дендро-дендритик синапслар ҳам мавжудлиги муаллифлар томонидан пайд этилган.

Синапс созишида биринчи нейроннинг аксони нозик толаларга тармоқланиб тугмачасимон кенгаймалар шаклида қилади ва иккинчи нейроннинг дендритларида ёки танасида тугайди. Синапслар узгайишни рецептор нейрондан эффектор ёки ассоциатив нейрон-



124-расм. Нерв узайрасининг ультрамикроскопик тузилиши (схема).

1 — аксодендритик синапс; 2 — аксосоматик синапс; 3 — синапс олдидан пуфакчалари; 4 — синапс буғлиги; 5 — пресинаптик мембрана; 6 — постсинаптик мембрана; 7 — цитоплазматик тўр; 8 — митохондрия; 9 — пластинкасимон комплекс (Гольжн аппарати); 10 — нейрофибриллалар; 11 — ядро; 12 — ядроча; 13 — нейрит (аксон) (В. Г. Елисеев ва бошқалар, 1970).

О

га, фақат бир томонга утказиш қобилиятига эга. Бир нерв ҳужайрада бир неча нерв ҳужайраларининг усимталари тугаши мумкин. Орқа миyanинг олдинги шохларидаги ҳаракатлантирувчи нерв узайрасида тахминан 10 000 нерв тармоқлари тугайди.

Айрим нозик тузилишларни ҳисобга олмаганда ҳамма синапслар бир хил тузилишга эга. Синапс соҳасида аксоннинг охириги тармоқлари кенгаймалар ҳосил қилади (*пресинаптик қутб*). Пресинаптик қутбда кўп миқдорда митохондрия ҳамда диаметри 40 — 100 нм келадиган синаптик пуфакчалар жойлаша-

256

ди. Бу қутбнинг туташувчи юзаси пресинаптик мембрана деб номланади. Пресинаптик қутб билан иккинчи нейроннинг танаси ёки дендрити бир-бирига зич тегиб турмасдан, улар оралирида кенглиги тахминан 20 нм булган *синапс бўғлиги* (ёрири) жойлашган. Иккинчи нейроннинг *постсинаптик қутби* постсинаптик мембрана билан қўпланган. Шундай қилиб, пресинаптик ва постсинаптик мембраналар биринчи ва иккинчи нейронлар аксолеммасидир.

Синаптик пуфакчаларда медиаторлар булади, улар

ёрдамида нерв цузрилиши бир хужайрадан иккинчисига узатилади. Медиатор нерв -хужайрада ҳосил булгани учун нейронларни секретер хужайралар деб ҳам айтиш мумкин. Хар бир нейрон маълум тур-даги медиаторларни ишлаш қобилиятига эга. •

Медиаторларнинг турига қараб қуйидаги нейронлар фарқ қилинади (Е. А. Шубникова):

1. Холинэргик (ацетилхолин ажратувчи) нейронлар.
2. Моноаминергик (дофамин, норадреналин, серотонин, нор-эпинефтин, яъни катехоламинлар ажратувчи) нейронлар.
3. Пептидергик (пептидлар ажратувчи) нейронлар.
4. Медиатор сифатида аминокислоталарни (глутамат, глицин) сақловчи нейронлар.
5. Пуринергик (медиатор сифатида АТФ ва унинг маҳсулот-лари) нейронлар. Ацетилхолин парасимпатик, адреналин эса симпатик нерв охирларида ҳосил бўлса, серотонин фақат мия узаги соҳасида, пептидлар гипоталамо-гипофизар нейросекретор соҳада ҳосил булади. Бир медиатор (маеалан, ацетилхолин, серотонин ва бошқалар) нинг узи кузрилишни, ёки тормозлишни юзага келтириши мумкин.

Нерв хужайраси бўйича тарқалаётган нерв импульси пресинапс тик қутбга етгач синаптик пуфакчаларда сақланаётган медиатор-ни пресинаптик мембрана орқали синапс бушлиғига чиқитишга олиб келади. Бу ерик, тор булганлиги сабабли (20 нм) медиатор Кисқа вақт ичида (тахминан 0,5 мсек) постсинаптик мембранага етади ва унинг натрий ва калий ионларига булган утказувчанлигини ошириб юборади. Натижада деполяризация юзага келади. Деполяризация маълум даражага (критик нуктага) етганидан сунг, иккинчи нейронда ҳам нерв импульси ҳосил бўлиб, у нерв хужайра бўйича тарқала бошлайди. Гистохимиявий тадқиқотларда синапс соҳасида медиаторларни парчаловчи ферментлар жойлашганлиги аниқланган. Шунинг учун ҳам медиаторлар жуъла ҳисса вақт ичида кузрилишни юзага келтириш қобилиятига эга булади.

Юқорида келтирилган синапс *химиявий синапслар* тимсоли бўлиб, уларда буладиган химиявий жараёнкалар нерв импульси таъсирида/синаптик пуфакчалардаги медиаторни синаптик ёриққа чиқиши ва шу моддани постсинаптик мембранага таъсир қилиб унда узгатувчи потенциални юзага келтиришдан иборат. Аниқланишича, Са<sup>++</sup> ионлари медиатор секрециясини кучайтирса, М<sup>++</sup> ионлари уни сусайтирар экан.

Химиявий синапслардан таиҳари *электрик синапслар* ҳам мавжуд бўлиб, улар балиқларнинг электр органида ва денгиз қис-

17-427

257

қичбақасида топилган. Бу синапсларда цузрилиш химиявий йул билан эмас, балки электрик усулда факат бир томонга узатилади.


## НЕРВ ОХИРЛАРИ

Нерв охирлари *рецептор* ва *эффектор* нерв охирларига булинади. Рецептор нерв охирлари буткул рефлексларнинг бошланиш қисми бўлса, эффекторлар кузрилишни ишчи аъзоларга етказди. Рецептор нерв охирлари. Рецепторлар таъсирланувчи махсус (нейроэпителиал, нейроглиал) хужайралардан ва сезувчи нерв хужайрасининг дендрит усимталаридан иборат. Таъсирланувчи хужайра пресинаптик қутб, нерв хужайранинг дендрит усимтаси эса постсинаптик қутб сифатида синапслар ҳосил қилади.

Рецепторлар икки йирик гурпуага: *интерорецепторлар* (ички аъзоларда ва мувозанат органларида жойлашган) ва *экстерорецепторлар* (ташқи муҳитдан таъсирни қабул қилувчи) булинади. Кабул қилиб оладиган таассуротнинг хоссасига кура: *механорецепторлар*, *барорецепторлар*, *хеморецепторлар* ва *терморецепторлар* фарқланади.

Рецепторлар сезувчи нерв охирларининг тузилиш хусусият-

ларига қараб эркин нерв охирларига (фацатгина у<sup>^</sup> цилиндрнинг охирги толаларидан иборат булган) ҳамда эркин



булмаган (ук, цилиндр тармоқларидан таш<sup>^</sup>ари глия хужай-ралари булган) тур-ларга булинади. Эркин булмаган нерв охирлари капсулалар (бириктирувчи туки-мали капсуласи булган) ва капсула-сиз нерв охирларига булинади.

Эркин нерв охирлари эпителий туцима-сида жойлашган булиб, уларнинг тузилиши оддий. Эпителий ости қаватидаги сезувчи нервлардан тармоқлар чиқиб,

эпителий сирти томон кутарилади ва узининг миелин қаватини й<sup>^</sup>қотиб, эпителий хужайралари орасига утади (125-125-расм. Эркин ётган сезувчи нерв охирлари. раем). Улардан ён

1—ведв толасивинг тармоқларв; 2 —глиял хужайра хххлаП  
ЧИКНО  
ЧННО  
3—йелвв кобик (Т. А. Назаровдав). ШОХЛар

258


хужайраларида тугалланади. Бундай нерв охирлари *огрицни* қабул цилади. Мазкур нерв охирлари баъзи тадқиқотчиларда шубҳа турдирмоқда.

Куп цаватли эпителий туқимасида юқорида куриб чицилган нерв охирларига цараганда мураккаброқ тузилган нерв охирлари ҳам бор. Улар *сезиш меникслари* — Меркел хужайраларидан ва невр охирларидан ташкил топган. Меркел хужайралари сезувчи нерв охирларининг пресинаптик кутбини ҳосил қилиб, у атроф хужайралардан оч буялган цитоплазмаси ва туқ буялган чюзин-чоц ядроси билан ажралиб туради. Электрон микроскоп остида бу хужайралар цитоплазмасида махсус доначалар топилган. Постсинаптик кутб булган нерв толаси тармоқлари Меркел <sup>^</sup>ужайраси атрофида нафис тур ҳосил қилиб жойлашади. Кун қзбзтли эпителийнинг хужайралари юқорига қараб сурилганда ҳам Меркел <sup>^</sup>ужайралари уз жойида к/элади. Турли таъсирлар натижасида нобуд' булган Меркел хужайралари ушиб кираётган нерв тармқлари таъсирида мавжуд эпителий хужайраларидан шаклланади. Бу хужайралар *тактил сезгини* қабул цилади. Меркел хужайралари эшитув, мувозанат, таъм билиш ва бошқа аъзолардаги хужайралар сингари эктодермадан ривожланиб, таъ-суротни сезувчи нейронларнинг дендритига узатгани учун уларни сенсоэпителиал ёки нейроэпителиал (иккилам-чи сезувчи) хужайралар дейилади. Агар таъсиротни сезувчи нерв хужайранинг дендрит усимтаси бевосита қабул қилса (бу хужайралар нерв пластинкасидан ривожланади), бундай хужайралар бир ламчи — сезувчи ёки нейросенсор хужайралар ҳисобланади. К<sup>^</sup>знинг тур пардасидаги таёқча ва колбачалар ҳосил цилувчи фоторецептор хужайралар'нейросенсор хужайралар тимсолидир.

Электрон микроскоп нейроэпителиал хужайралар апикал цис-мида киприкчалар ёки микроворсинкалар борлигини курсатди. Нейроэпителиал хужайралар нафас йулларида, упка альвеола-ларида, жигар, ут чиқарув йулларида, ут халтасида, меъда ости безида, меъдада аниқланган. Нафас й<sup>^</sup>ллари бир

каватли куп цаторли призматик эпителийсида киприкли ва қадахсимон хужайралар билан бир қаторда устки юзасида микроворсинкалар тутув-чи хужайралар булиб, уларнинг базал қисми дендритнинг тармоқ-лари билан уралган (постсинаптик кутб). Яқинда олинган далил-лар (Қ. А. Зуфаров, А. И. Иулдошев, 1981) нейроэпителиал хужайралар ингичка ичак эпителийсида ҳам учрашини курсатди. Бу хужайралар ноксимон шаклга эга булиб, жиякли энтероцит хужайралари орасида жойлашади. Уларнинг устки юзасида кам миқдорда узунлиги 0,8 — 1,0 мкм, эни эса 0,2 — 0,3 мкм га тенг микроворсинкалар жойлашган. Микроворсинкалар цитолеммаси-дан ядро устки юзаси томон микронайчалар ва фибриллалар йуналган. Купчиликмуаллифлар таъсиротни микроворсинка ва киприкчаларнинг мембранасида жойлашган рецептор оцсиллар қабул қилишини қайд қиладилар.

Бириктирувчи тукимадаги рецепторлар турлича булиб, улар бутасимон тармоқланган уқ цилиндрдан ва уни ураб турувчи



126-расм. Фатер-Пачини таначаси. Бармо<sup>1</sup> терисидан тайёрланган

Об. 10, ок 10.

<sup>1</sup> — УН цилиндр жойлашган ички колба; 2 — капсула пластинкалари; 3 — бирик-тирувчи туцима <sup>2</sup> хужайраларининг ядролари.

юмалоқ ядроли, цитоплазмаси оч буяладиган глиал хужайралар-дан — леммоцитлардан иборат. Леммоцитлар сезувчи нерв охири-да пресинаптик кутбни ҳарсил қилса керак Бундай тузилиш кап-сулага уралмаган нерв охирлари учун тааллу<sup>1</sup>лидир. Капсулага уралган нерв охирлари ҳам турлича шаклга эга булиб, бу рецеп-торларга — *Фатер — Пачини (пластинкасимон) таначаси*, *Мейснер (сезиш) таначалари*, *генитал таначалар* ва боиҳалар киради. Ҳамма капсулалар нерв охирлари қуйидаги 3 тузилмадан: 1) сезувчи нерв зужайраси дендритининг уқ цилиндрдан; 2) уқ цилиндр атрофидаги глиа<sup>2</sup> хужайрасидан ва 3) энг ташки қисм — бириктирувчи ту<sup>3</sup>имали капсуладан иборат.

Фатер-Пачини таначалари — йирик, овал шакл-даги тузилмалар булиб, уларнинг катталиги 3 мм ни ташкил қилади ва шунинг учун уни оддий куз билан куриш мумкин (126-расм). Фатер-Пачини таначаси яхши ривожланмаган капсулага (*ташқи колбага*) эга булиб, бу капсула бир-бирига концентрик жойлашган фибробластсимон хужайралар ва коллаген толалар-дан ташкил топган пластинкалардан иборат. Пластинкалар ярим ҳалқани ҳосил қилиб таначанинг икки томонида жойлашади (127-расм). Икки томон пластинкалари таначанинг уч қисмида бир-бирига тегиб ётади. Аммо шу ерда торгина каналча ҳосил булиб, у орқали

пластинкасимон танача ичига моддалар киради. Таначанинг марказида уз пардасини йукотган ук цилиндр, унинг атрофи-




127-расм- Фатер-Пачини таначасининг электрон микрофотограммаси.Х60000.

1 — нерв ?;ужаяраси усти; 2 — танача ёри; 3 — ички колСанинг пластинкасимон ^ужай- раларн; 4 — аджайра ядроси.

да нейроглия хужайралари (*ички колба*) жойлашади. Фатер-Пачини таначалари купгина аъзоларнинг бириктирувчи туқима-сида, терининг чуқур цаватларида, томирлар деворида, мушаклар орасидаги бириктирувчи туқимада ва бошқа жойларда учрайди. Улар босим ва орриқни қабул қилади.

Мейснер таначалари — чузинчоқ шаклга эга булиб, эластик толага бой юпка бириктирувчи туқимали капсула билан уралган. Капсула ичидаги нейроглиал ^ужайралар танача уқига кундаланг жойлашган. Капсула ичига ук цилиндр кириб, жуда майда шохларга тармоцланади ва улар ^ар бир глиал хужайра остида кенгайиб тугалланади. Мейснер таначалари терининг сур-РИЧЛИ цаватида жойлашади ва тактил таъсуротларни, масалан, тери юзасига берилган босимни қабул цилади (128-расм). Г е н и т а л т а н а ч а л а р думалоқ шаклда булиб, ташки то-мондан юпка бириктирувчи туқима капсула билан уралган, унинг ичида глиал хужайралар бор. Капсула ичида бир эмас, бир неча ук цилиндрлар киради ва уларнинг шохлари бу ерда жойлашган глиал хужайралар билан контактлар ҳосил қилади. Генитал таначалар жинсий ва бошқа органларнинг бириктирувчи туқималари-да жойлашган.

К р а у з е к о л б а л а р и — бошқа сезги



таначаларидан кичиклиги билан фаркланади. Унинг ичига биргина ук цилиндр киради ва майда шохларга ажралади. Бу шохчалар «гли» ал колба ва ташки бирикти-рувчи туқимали капсула билан уралган. Краузе колба-лари бутун тана буйлаб тар-қалган булиб, температура сезгисини қабул цилади.

Скелет  
мушакларининг  
рецепторлари  
мураккаб тузилган.  
Оддий ҳолатларда  
миелинли нерв толаси  
мушакка яқинлашиб  
миелин

128-расм. Капсула билан уралган Мейснер


ланган. Кумуш билан импрегнация цилин- таначаси. Одам бармоқ  
ган. Об. 20, оқ 10. терисидан тайер- цаватини

1 — терн эпидермиси; 2 — терн дерма каватининг  
сургичли қисми; 3 — нерв охири капсуласи; 4 —  
глия ?(ужайрасининг ядроси.

ЙуцОТЗДИ ва бир  
;неча шохларга  
парчалана-ди. Улар  
алоҳида мушак то-  
лаларининг сарколемаси  
сиртида корзинка  
ҳосил қи-либ  
туғалланади.

Нерв-мушак урчуклари (дуклари) деб номланган  
рецепторлар анча мураккаб тузилишга эга. Бу рецепторларда  
бир ёки бир неча мушак толалари спиралсимон уралган нерв  
охирлари билан бириктирувчи туқимали капсула ичида ётади.  
Капсула остидаги бушлиқ туқима суюқлиги билан тулган. Уқ  
цилиндрнинг майда тармоқлари капсула остидан утиб мушак  
толасини спиралсимон раб олади. Даракатлантирувчи  
таначаларда булгани каби скелет мушакларининг бу қисмида  
кундаланг-тариллик йуолади ва саркоплазмада куп  
микдорда митохондриялар ва ядролар тупланади.

Эффе́ктор нерв охирлари. Нейро-эффе́ктор синапслар  
ҳаракат-лантирувчи ва секретер турларга бўлинади.  
Уларнинг пресинап-тик қутби булиб эффе́ктор нейроннинг  
аксони, постсинаптик қутби булиб эса мушак толаси, силлиқ  
мушак ўжайралари ёки без ўжайралар исобланади.  
Эффе́ктор нерв охирлари ичида *даракатлантирувчи* ёки  
*мотор нерв охирлари*, *мотор танача* ёки *аксомушак*  
*синапс* (Synaptic ахотизсия) яхши урганилган. Улар  
соматик ёки вегетатив нерв системаси мотор нейронлари  
нейритларининг охирги аппаратлари булиб нерв  
импульсларини бевосита ишчи органларга етказиб беради  
(129-расм). Даракатлантирувчи танача нерв уқ цилиндрининг  
охирги толаларидан ва мушак толасининг узгарган мое  
қисмидан ташкил топган (130-расм). Миелинли нерв толаси  
мушак толасига етиб келгандан сунг миелин цаватини  
йуцотади ва плазмолемма билан уралган Шванн ҳужайраси  
билан қопланади. Унинг устида эса базал пластинка  
жойлашади. Мушак толасида уқ цилиндр бир неча майда  
охирги толаларга тармоқланади. Пресинаптик қутбда к<sup>и</sup>  
микдорда митохондриялар ва ацетилхолин сақловчи синаптик



129-расм. Нерв охири. К.он томир девори. Электрон микрофотограмма.  
X 30 000.

1 — *нера* охири; 2 — синаптик пуфакчалар; 3 — митохондрия; 4 — эндотелий хужайралари; 5 — эритроцит.



130-рasm. Ҳаракатлантирувчи нерв охирлари (схема).

1 — миелинли яерв тодалари; 2 — ҳаракатлантирувчи нерв охирлари; 3 — Шванн 34 хужайраларининг ядролари; 4 — кундаланг-таррил мушак туцинаси; 5 — глиа цужайрзлари ядроси.

пуфакчалар жойлашган! б-либ, унинг аксолемаей пре-синаптик мембранани Ҳосил қилади. Нерв толасининг майда тармоқлари мушак туқимасининг плазмолемма-сига ботиб киради ва натижада аксолема мушак туқимасининг сарколеммага (бу ерда ва сунг сарколемма мушак толасининг плазмолеммаси маъносида иш-латилади) билан уралади (худди бармоқларга кийил-ган кулқоп Сунгари), Мушак толасининг сарколемма-си постсинаптик мембрана бўлиб, у ва пресинаптик мембрана (аксолемма) ра-сида синапс бушлири (ёри-ри) ҳосил бўлади. Бу буш-ликдан иккиламчи синапс ёриқлари радиал ҳолатда турли томонга йунадади. Иккиламчи ёриқлар постсинаптик мембрананинг (сар-колемманинг) бурмадари Ҳисобига ҲОСИЛ бўлади. Нерв толаси буйича таркалган импульс таъсирида синаптик пуфакчалардаги медиатор синапс бушлирига чиқади ва постсинаптик мембранада деполяризация ҲОСИЛ қилади. Нерв импульси кундаланг-таррил мушак буйлаб тарқалишида мушак толасининг Т-системалари муҳим урин тутати.

Эффе́ктор нерв охирларига силлиқ мушак хужайрасида (ёки хужайраларида) тугайдиган нерв охирлари ва секретор нерв охирлари ҳам киради. Секретор нервлар без охири булимларидаги секретор хужайраларнинг базал плазматик мембранаси соҳасида тугайди.


## РЕФЛЕКТОРЕЙ ҲАКИДА ТУШУНЧА

Нерв системасининг фаолияти асосида рефле́ктор ей тади. У нерв системасининг морфофункционал бирлигини ташкил Хила-ди. Рефле́ктор ей рецептордан бошланиб, эффе́ктор билан тугайди. Энг оддий рефле́ктор ей камида икки нейрондан ташкил топган Биринчи нейроннинг дендритлари маълум аъзоларда рецепторлар Ҳосил қилиб, нейрити эса орқа миyanинг сезиш марказларида тугайди. Иккинчи нейрон дендритлари орқа мида биринчи нейрон нейритлари билан синапс ҳосил қилиб, нейрити ҳаракатлантирувчи

2й4

нерв охирларини (мушак ёки безларда) Ҳосил қилади. Шундай қилиб, энг оддий рефле́ктор ёйда *цам* импульсни марказга олиб борувчи ва марказдан органларга олиб келувчи тузилмаларни қуришимиз мумкин. Аксарият долатларда уч ёки ундан куп нейрондан ташкил топган рефле́ктор ёйни қурамиз (131-рasm). Уч





131-раем. Оддий рефлексор ёй (схема).

1—сезувчи нерв хужайраси; 2—теригади рецептор; 3—сезувчи нерв хужайрасининг дендрити; 4—неврилема; 5—леммоцит ядроси; 6—миелин кават; 7—нerv толаси бурицла-ри; 8—ук цилиндр; 9—кертик; 10—сезувчи нерв хужайрасининг нейрити; 11—харакат-лантирувчи лужапра; 12—харакатлантирувчи нерв цржаКра дендрити; 13—царакатлан-тирувчи нерв хужайра нейрити; 14—миелин тола; 15—эффектор; 16—орча мня нерв ту-гуни; 17—орча мня нервнинг дорсал шохчаси; 18—орка илдизча; 19—орка шохча; 20—олдинги шохча; 21—олдинги илдизча; 22—орка мня нервнинг вентрал шохчаси»  
(В. Г. Елисеевдан)

нейрондан ташкил топган рефлексор ёйда юқорида қайд қилинган икки нейронли рефлексор ёйдан фарқли равишда учинчи қушимча (ассоциатив ёки туташтирувчи) нейрон дам кириб, у сезувчи ва ҳаракатлантирувчи нейронлар орасида жойлашади. Бу нейрон дендритлари сезувчи нейроннинг нейрити билан, нейрити эса

26я

харакатлантирувчи нейроннинг дендрити билан синапслар ҳосил қилади. Бу оддий рефлексор ёйлардан ташқари соматик нерв системасида мураккаб рефлекс ёй ҳам фарқланиб, у бир неча нейрон-лардан ташкил топган. Бу рефлексор ёйда марказий нерв системасининг бошқа нерв марказлари иштирок этади.

Вегетатив нерв системасининг рефлексор ёйлари ҳам юқорида келтирилган соматик нерв системасининг рефлексор ёйлари син-гари икки ёки ундан куп нейрондан ташкил топган булиши мумкин. Знг оддий рефлексор ёй бу ерда ҳам икки нейрондан ташкил топган булиб (сезувчи ва ҳаракатлантирувчи нейронлар) периферия-ларда ётади ва экстра-ва интрамурал нерв тугунлари соҳасида синапслар ҳосил қилади. Шуни қайд қилиб ^тиш керакки, нерв

- системасида импульслар нормал ҳолатда фақат бир йуналишда
- бориб, дендритдан ^ужайра танасига, з^ужайра танасидан ней-ритга ва синапс орқали кейинги нейроннинг дендритига уза-тилади.

Нerv т^цимасини, хусусан нерв системасини, ^рганишга совет юлимларидан Д. А. Тимофеев, А. Н. Миславский, А. С. Догель ва бошқалар катта ҳисса қушдилар. А. Н. Миславский нерв тугунлари ва нерв охирилариинг морфологик тузилишини

- мукаммал урганди. А. С. Догель эса марказий ва периферик нерв системасининг морфологияси буйича чуқур ишлар олиб бор-дики, унинг ишлари нейрогистология ва физиологияни ривожлан-тиришда ёркин из цолдирди.

В. И. Лаврентьев ва унинг укувчилари автоном нерв сис-темасини урганиб, нерв хужайралари орасида синапслар мавжуд-лигини курсатдилар ва синапсларни урганишга асос солдилар. Нerv охирилариинг мукаммал урганишда А. Н. Колосов ва унинг шогирдлари Қ. А. Лавров ва Н. И. Зазибинларнинг хизмати катта.

Т. А. Григорьев ва қон томирларнинг иннервациясини урганди ва биринчи марта адабиётга қон томир-тукима рецепторлари тушунчасини киритди. Ҳозирги авлод гистологлари замонавий усуллар билан (электрон микроскопия, миклорий гистохимия, радиоавтография) қуролланиб юқорида қайд қилинган олимлар-нинг ишларини

муваффақият билан давом эттирмоқдалар.

## XI БОБ НЕРВ СИСТЕМАСИ

### (5и8ТЕМА

Одам ва ҳайвонларнинг нерв системаси жуда мураккаб тузил-тан булиб, организмдаги барча ҳаётий жараёнларни бошқаришни ва организмнинг ташқи муҳит билан узаро алочасини таъминлай-ди. Масалан, ташқи таъсиротлар, яъни совук, ёруғлик, иссиқ, товуш ва бошқалар таъсири нерв охирилари (рецепторлар) орқали >бош миёга етказилиб, у орқали тегишли аъзо ва туқималарга а^айтади.'

266

И. П. Павлов таълиммотига кура модда алмашилиш, секрет ишлаб чи^ариш, узиш ва тикланиш ҳамда организмдаги барча х^аракат жараёнларини нерв системаси идора қилади.

Анатомик жи^атдан нерв системаси шартли равишда марказий ва периферии қисмларга булинади.

Нерв системаси ҳисобига организмда руй берадиган барча фаолиятлар функционал система тарзида руй беради. Функционал система организмнинг айрим қисмлари фаолиятининг мажмуасидан иборат. Академик П. Қ. Анохин ва шогирдлари-нинг тадқиқотлари функционал система назариясига мансуб бул-ган организм функцияларининг систематик йуналишини курсатиб берди. Функционал система — организмнинг узгарган бирор ҳолатга мослашувида руй берадиган марказий ва периферик механизмларнинг динамик уйрунлашуvidан иборат мураккаб жараён. Организм функционал системаси бутун бир организм масштабида бирор ҳолатда иштирок этувчи структуралардан ардан ташкил топади. Бу системанинг узига хослиги, унинг таркибига кирган структураларнинг динамик узгарувчанлигидадир. Функционал система гетероген, яъни унинг таркибига турли анатомик системаларга мансуб булган бирор жараёнда иштирок этувчи элементлар киради.

Организм фаолиятини система ҳолида баён этиш, шу системами шакллантирувчи асосий факторларни аниқлашдан бошланади. Функционал системани шакллантирувчи асосий омиллар организм-га таъсир оцибати ^исобланади.

Бажаарадиган вазифасига кура нерв системаси с о м а т и к ёки ц е р е б р о с п и н а л ҳамда в е г е т а т и в н е р в системасига булинади. Соматик нерв системаси ички органлар, томирлар ва безлардан ташқари тананинг барча қисмини иннервация қилса, вегетатив нерв системаси ички органлар, томирлар ва безлар фаолиятини бошқаради.

Нерв системаси морфологик ва турли функционал хусусият-ларга эга булган нейронлар занжиридан иборат рефлектор ёйлар орқали организмда булган бирор узгариш ҳрлларини марказга (бош миёга) етказиб беради ва уларнинг алочасини таъмин-лайди.

Нерв системасининг тараққиёти. Нерв системаси эмбрион танаси дорзал қисмининг эктодермасидан такомил этади. Экто-дермадан нерв пластинкаси нерв тарновчаси ва нерв (магиз) найларининг ҳосил булиши одам пуштида ҳам бошқа умуртқали з^айвонлар каби такомил этиб, бу жараёнлар ҳақида умумий гистология булимида бафуржа тухталиб утилган.

Нерв пластинкасидан ҳали най ҳосил булмасиданок, унинг юқори қирраларидан иккита латерал хужайра тасмалари, яъни тугун чизимчалари ҳосил булади. Бу чизимчалардан эса умуртқа-лараро ганглийлар барпо булади.

Маълумки, нерв найи даставвал бир қават хужайралардаи иборат. Сунгра, ^ужайраларнинг тез булиниши натижасида най девори куп цаватли ^ужайраларга эга булади. Нерв найи бош' (краниал) ва дум (каудал) тешикларга эга. Пушт тараққиётининг'

т|ртннчи ҳафтасининг охирига бориб, олдин каудал нейропорлар,, с^нг аста-секин «ерв найшшнг бош томолидаги тешик — нейропор-бекилиб кетади. Мариз найининг бош томонида копсимон кенгай-ма мавжуд булиб, бу тузилма бирламчи мия куртаги ҳисобланади. Нерв найининг шу қисмида учта бирламчи мия пуфаклари: ргозепсерпа!оп — олдинги, тебепсерпа!оп — урта, гпотбепсер-балоп — орқа мия пуфаги руёбга чицади. Бу пуфаклар бош мия-нинг куртаги ҳисобланади. 4 ҳафта давомида олдинги' ва орқа мия пуфакларининг ҳар бири бир-биридан ажралиб кетмаган 2 та пуфакчага булинади. Шундай қилиб, 5 та мия пуфаклари ҳо-сил булади.

О х и р г и м и я п у ф а г и д а н ( {e!епсерпа!оп) бош мия ярим шарлари, ён мия қоринчалари, таррил тана, мия ҳид билиш қисми — ппепсербалоп ва мия пустлоқларининг куртаклари ҳосил булади. Оралиқ мия п у ф а г и курув думбоги, миянинг думбок, усти ва думбок ости қисмлари, курув кесишмаси, мия ортицлари, мия воронкаси ва кулранг думбокчаларни ^осил қила-ди. Оралиқ мия бушлигидан III мия қоринчаси такомил этади.

У р т а м и я п у ф а г и турт тепалик, мия оёқлари ҳамда уз бушлиридаги мия

Сильвиев суяклик йулини берса, орқа миёна пуфаги миёна ҳамда 1У цоринчанинг бир қисмини ҳосил қилади. 5-миёна пуфагидан (миёна орқа пуфаги — туперба) узунчоқ миёна ва 4-миёна цоринчасининг бир қисми тако-милланади. Нерв найининг қолган қисмидан орқа миёна куртаклари таравдий этади.


Пушт таравдийетининг 6-ҳафтасида мариэ най девори вентрал ва дорзал томонларига нисбатан аниқ ифодаланган куп қаватли бўлиб қолади. Шу даврда мариэ найнинг ён деворларида 3 қават ўжайралар яққоллашади. Мариэ най девори ички чегараловчи мембраниасида йирик усикчаларга эга булган эпендима цопла-маси жойлашади. Найнинг урта қавати чузунчоқ, радиал жойлашган ҳужайралардан иборат. Шу қават ўжайраларидан марказий нерв системаси кулранг моддасининг нейрон ва нейроглиялари дифференциаллашади. Найнинг юза қавати урта қават ҳужайраларининг усикчаларидан иборат. Бу қирроқ қават-дир. Бўсаг кейинчалик нерв системасининг оқ моддасини ҳосил қилади. Мариэ най ўжайраларининг дифференциаллашуви жараёнида 2 хил ҳужайра — нерв (нейробластлар) ва таянч (спонгиобластлар) элементлари юзага келади.

Марказий нерв системасининг миёна қобиклари эмбриогенезнинг иккинчи ойида нерв куртаги эктодерма ҳужайрасидан (миёнанинг юмшоқ ва тур қаватлари) ҳамда марказий нерв системаси куртагини ураган мезенхимадан (қаттиқ миёна пардаси) таравдий этади.

### УМУРТҚАЛАРАРО НЕРВ ТУГУНИ

Умуртқалараро нерв тугуни устки томонидан бириктирувчи туқимали капсула билан уралган бўлиб, ундан тугуннинг ичкари-сига строма- осил цилувчи толалар тутами кетади. Органнинг стромаси капилляр қон томирларга бой бўлиб, унда нерв толаларига

268



132-расм. Умуртқалараро нерв тугуни. Гематоксилин-эозин билан бўялган. Об- 40, оқ 10.

1 — нерв ўжайралари; 2 — бириктирувчи туқимали капсула; 3 — йулдош ҳужайралар.

ва айрим ўжайраларни учратиш мумкин. Орқа миёна тугунининг моддаси купрок орган атрофида группа бўлиб жойлашган нерв ўжайраларидан иборат бўлса, орган урта қисмида нерв толалари жойлашади. Нерв ўжайраларининг усимталари усти глиал парда билан уралган. Тугунни осил цилувчи ўжайралар узларининг тузилишларига қараб биполяр, анироги псевдоуниполяр нерв ўжайраларига киради. Ўжайранинг танасидан чиқувчи якка усимта «Т» шаклида иккига бўлинади: уларнинг бири дендрит, иккинчиси нейритдир. Дендритлар периферияда сезувчи аппаратлар билан бошланади. Нейритлар эса орқа миёнанинг орқа илдизчасини ташкил этиб, орқа миёна ўжайралари билан синапслар осил илади. Орқа миёна тугунида орқа миёна олдинги илдизчасининг нерв тутамлари ам жойлашади. Тугунни осил цилувчи нерв ўжайраларининг усти юпқа бириктирувчи туқимали капсула ва глиал ўжайралар — мантий глиоцитлар билан қопланган (132-расм).

### ПЕРИФЕРИК НЕРВЛАР

**Периферии нервлар ёки нерв устунлари нерв толаларидан иборат. Уларнинг баъзиларида магизли нерв толаларининг, боиҳаларида эса аксинча .маризсиз «ерв толаларининг микдори кун булиши мумкин.**

ойо

Баъзи бир нервларнинг ураб турувчи цобирида алох,ида х,у-жайралар учрайди. Айрим нерв толалари, узларининг йуналиши буйича ингичка шрхчаларга тармоцланиши мумкин. Нерв ствол-лари устида ёг хужайралари ва цон томирларга бой булган юмшо^ бириктирувчи ту^имали парда — э п и н е в р и й билан цопланган. Нерв стволлари 2 — 6 та нерв толаларининг тутамларидан иборат. Нерв толаларини цатлам-цатлам жойлашган хужайралар қавати-дан ва ингичка фибриллалардан иборат зич бириктирувчи туци-мали парда — п е р и и е в р и й ураса, нерв толаларининг орасига кириб борадиган бириктирувчи тукуманинг ингичка цатламлари э н д о н е в р и й л а р н и хсил қилади.'

Нерв устунларини ураб турувчи парда лимфа, к,он томирлар ва нерв охирлари билан яхши таъминланган. К,он томирлар эпиневррий орцали кириб, нерв стволининг барча цаватларида з,ич тур хосил цилади.

### ОРКА МИЯ

Орца мия нерв системасининг рефлектор фаолйяти каби мурак-каб аппаратининг таркибий қисмидир. Орқа мия нерв «айчасининг каудаль булимидан ривожланади. Нерв найининг бушлиги орқа миянинг найига айланади.


Орқ,а мия умурт^а погонаси канали ичида жойлашиб, 41 — 45 см узунликка эга, 31 —32 жуфт олдинги ва шунча орқа шохлари булади. Орқа миянинг олдинги, орқ,а шохларининг узаро анатомик ва функционал боғлиц булган цисмлари сегментлар деб аталади. Биринчи 8 сегмент орқ а миянинг буйин қисмини ташкил қилади, курак булимини 12 та сегмент, бел ва думраза булимлари эса 5 тадан сегментдан иборат. Охирги 1—2 сегмент дум булимини хосил қилЗДИ.

Орқа миянинг тузилиши. Ор^а миянинг кундаланг кесимида оқ модда ва унинг марказида капалак шаклини эслатувчи кул ранг модда жойлашган (133-расм).

Кулранг модданинг шакли орца миянинг турли булимларида узгаради. Орца мия кундаланг кесимининг ҳар бир ярмида'олдин-ги ва орца шохлар, 8-буйин ва 3-бел сегментлари со^асида эса ён шохлар тафовут этилади.

Орца миянинг кулранг моддаси нерв ^ужайраларидан, миелин-сиз ва нозик миелийли толалардан ҳамда нейроглиядан иборат. Кулранг модда нейритлари орқа миядан чициб кетувчи олдинги шохлардаги мультиполяр илдизча хужайралари, усимталари кулранг моддадан чиқмасдан синапслар хосил цилиб тугалланувчи ички хужайралар ва аксонлари орқа миянинг бошқа сгментларининг о^ моддасига ва бош миянинг айрим жойлари томон йуналувчи утказув йулини хосил қилган т у т а м л и хужайралардан иборат. Шундай ^илиб мультиполяр нерв хужайралари кулранг модданинг таркибий қисмидир.'

Орқа ш о х л а р жойлашган ерда орқа мияга, периферия-дан турли импульслар олиб келувчи орқа илдизча киради. Орца шохларда таъсирни утказишга тегишли булган хужайра таналар.и'



133-расм. Орца мия (схема).

1 — юмшо^ парда; 2 — ор^а мия оралиц тусиги; 3 — оқ модда; 4 — марказий най; 5 — орқа шох; 6 — олдинги хот; 7 — мультиполяр ёки ^аракатлантирувчи нерв хужай-

ралари; 8 — кулранг модда; 9 — олдинги оралик ёриц.

жойлашган. Орқа миянинг олдинги шохларида эса периферик ҳаракат нейронларининг таналари булган йирик ҳужайралар жойлашган. Бу ҳужайраларнинг аксонлари олдинги илдизчани ҳосил қилади. Олдинги илдизчанинг таркибига таналари орқа миянинг ён шохларида жойлашган вегетатив симпатии ҳужайраларнинг аксонлари ҳам киради.

